

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАҲОН ТАРИХИ**

# **ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ТАРИХИ**

**Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа**

**Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар**

**Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)**

**Андижон – 2018**

Ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги № 303- сонли буйруғига асосан ишлаб чиқилган фан дастури асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Исакова Ф.Р. - АДУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси;

Турғунов А. - АДУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчи:

Мамажонов А. – АДУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти

Ўқув-услубий мажмуа Андижон давлат университети Илмий Кенгашининг 2017 - йил 30 августдаги 1 – сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

## М У Н Д А Р И Ж А

1. Ўқув материаллари.....	4
2. Мустақил таълим.....	114
3. Глоссарий(ўзбек, рус, инглиз тилларида).....	118
4. Иловалар.....	139
a. Намунавий дастур.....	140
b. Ишчи ўқув дастури.....	152
c. Тарқатма материаллар.....	176
d. Тестлар.....	183
e. Назорат саволлари.....	198
f. Баҳолаш мезонлари.....	202
Қўшимча материаллар.....	206

# **I. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**“Жаҳон цивилизациялари тарихи”  
фани бўйича**

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**АНДИЖОН 2018**

**1-МАВЗУ. “ЦИВИЛИЗАЦИЯ” ТУШУНЧАСИ.  
УНИНГ ТАЪРИФИ ВА ЎЗИГА ХОС СИФАТЛАРИ.  
ДАСТЛАБКИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.**

**Р е ж а:**

- 1. “Цивилизация” атамаси ва тушунчаси.**
- 2. Цивилизациялар таснифи (классификацияси)**
- 3. Цивилизацияларнинг таназзулга юз тутиши ва ҳалокати сабаблари**
- 4. Шарқ феномени. Шарқ - турли цивилизациялар бешиги**

**Таянч иборалар:** цивилизация, тамаддун, ғарб цивилизацияси, шарқ цивилизацияси, цивилизация ўчоқлари, варвар цивилизацияси.

**ТАРИХИЙ БИЛИШДА ФОРМАЦИЯВИЙ ВА  
ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

Янги тарихий шароитда инсоният тарихини билиш муаммоларига эскича – формацион ёндашув назария ва амалиётда ўзини оқламоқда. Кишилиқ жамияти тарихини ўрганишда анча қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Шўролар ҳокимияти йилларида жамият ривожланишининг қоида ва қонуниятларининг моҳияти бузиб талқин қилинди.

Бугунги кунда жаҳон тарихини билиш, тушуниш масаласига цивилизациявий ёндашув мақсадга мувофиқдир. Кишилиқ жамияти тараққиётини бешта формацияга бўлиб ўрганиш илмий-назарий, мантиқий тарихий ва методологик жиҳатдан ҳам тўғри эмас.

Тарихий жараённинг объектив манзарасини ишлаб чиқиш (яратиш) учун тарих фани муайян методологияга, умумий тамойилларга асосланиши керак. Узоқ вақтга қадар тарих фанида *субъективистик* ёхуд *объектив-идеалистик методология* ҳукмрон бўлиб келди. Бундай ҳол тарихни буюк инсонлар – шоҳлар, қироллар, императорлар ва бошқа сиёсий арбоблар фаолияти тарихи сифатида тушунишга олиб келди. Ушбу ёндашувга биноан бирон-бир тарихий воқелик, ҳодиса уларнинг мақсад-муддаоси, ҳисоб-китоблар ёки хатолари ҳисобига юзага келган, деб тушунилди.

Объектив-идеалистик концепция тарихий жараённинг ҳал қилувчи кучи сифатида Олий яратувчи хоҳиш-иродаси, *Абсолют идея* эканлигини асослаб берди. Жамиятни нима ҳаракатга келтиради ва унинг манбаи қаерда, деган масала диний феноменнинг илк кўриниши бўлган асотирда ўз ифодасини топган.

Масалан, юнон шоири Гесиоднинг (янги эрамиздан авв. V аср) поэмасида куйидагича ҳикоя қилинади: Олимп тоғидаги тангрилар инсоннинг *биринчи* авлодини бахтли қилиб яратдилар. Бу авлод яшаган давр *олтин аср* бўлган. Кишилар ғам-ташвишсиз, роҳат-фароғатда, худди худолардай ҳаёт кечирганлар. Улар ёрдамга муҳтожлик, кексаликни билмаганлар. Қўл-оёқлари кучли ва хасталиклардан холи бўлганлар. Узоқ давом этган умрдан сўнг юз берган ўлим осойишта ва тинч уйкуга кетишдай туюлган. Худолар амри билан

Ер мўл ҳосил берган, яйловларда кўп сонли чорва моллари боқилган. Олтин давр тугагандан сўнг, бу аср кишилари руҳларга айланиб, янги авлодга ҳомийлик қилганлар. Бу худо Зевснинг уларга мукофоти бўлган.

*Иккинчи кишилар зоти ва иккинчи аср* биринчи, олтин асрдагидек бахтли бўлмаган. Кучда ҳам, ақлда ҳам аввалгидек бўлмаган ва худоларга ҳам бўйсунмаган. Шунда аччиқланган Зевс уларни Ер остида яшашга мажбур қилган.

Зевс яратган *учинчи зот ва учинчи – мис асри* олдингиларига ўхшамаган. Кишиларнинг қуроли ҳам, уй-жойлари ҳам мисдан қилинган. Улар бир-бирини шафқатсиз талашганлар.

*Тўртинчи аср ва янги кишилар зоти* – Зевс томонидан ярми худо - қаҳрамонлар сифатида яратилган бўлиб, уларнинг барчаси кейинроқ қонли урушларда қирилиб кетдилар.

Сўнгги, *бешинчи темир асри* ва кишилар зоти яратилганидан бери ҳозиргача яшаб келмоқда. Кишилар кечаси ва кундузи тинимсиз оғир меҳнатга маҳкум этилганлар. Уларга баъзан худолар томонидан бир мунча эзгуликлар ҳам юборилиб турилса-да, ёвузлик кўпроқ ва ҳамма жойда мавжуддир. Болалар ота-оналарини иззат қилмайдиган, дўст дўстга вафосиз, ака-укаларда ҳам меҳроқибат йўқ ва ҳ.к. Барча жойда зўравонлик ҳукмрон. Фақат кибр-ҳаво ва кучгина тан олинади. *Виждон худоси ва Адолат* кишиларни ташлаб, Олимп тоғига кетиб қолганлар.

Кишилиқ дунёси тарихининг асотирий изоҳи барча халқларда мавжуд.

Моҳиятан бу изоҳ кейинроқ анча ўзгарган ҳолда барча жаҳон динларига ҳам ўтган. Бундай Олий кучлар кишилар жамиятини яратибгина қолмай, балки унинг мавжудлигини таъмин этиб туради, деб ҳисобланади.

Миср ва шумер-аккад асотирлари, Марказий Осиё зардуштийлик дини, юнон-рим мистик йўналиши билан генетик боғлиқ *иудавийлик*, шунингдек насронийликнинг Бош китоби *Инжилда* келтирилишича, гуноҳлари учун *Одам Ато ва Момо Ҳаво* жаннатдан қувилса-да, уларнинг авлодларига эътибор берилади. Худо оламини сувга бостиради, ўзаро муносабатлар меъёрларини дин амри сифатида аниқ ифодалаб берган. Бу меъёрлардан тўрттасида Худонинг буюклиги тўғрисида, қолган олтитасида эса ота-онани ҳурмат қилиш, ўғирлик, қотиллик, бевафолик қилмаслик, ёлғон гувоҳлик бермаслик ва яқинларининг мулкига, хотинига, умуман ҳеч нимасига кўз олайтирмаслик ҳақида гап боради.

Қадимги Шарқ динларидаги *илоҳларнинг ўлими* ва тирилиши ғоясидан, Эронда тарқалган митраизм диний таълимотидан ҳамда юнон фалсафасидан фойдаланиб шаклланган насронийлик кишилиқ тарихи воқеа-ҳодисалари, жамият ҳолатларини доимо диққат марказида тутиб келади. *Бу диннинг бош ғояси – инсоннинг гуноҳкорлиги ва қутқаришлиқ масаласи ҳисобланади.* Одам ва Евадан бошланган гуноҳ туфайли кишилар, инсониятнинг барча аъзолари ўзаро тенгдир. Улар уч қиёфада намоён бўладиган Исо ва буюк Худога эътиқод қилиб, гуноҳлари учун тавба-тазарру этишлари лозим. Чунки бунинг натижасида Худо ва Олам биринчи инсондаги моддий ва маънавий асослар

уйғунлигида бузилган, деб ҳисобланади. Насронийликда ҳар бир шахс ўз-ўзини баҳолаш орқали дунё тақдирига индивидуал (якка ўзи) масъулдир.

Мусулмон тарихнавислигида тарих “**Қуръон**”дан бошланади. “*Албатта, осмонлару ернинг мулки Оллоҳникидир. У ўзи тирилтиради, ўзи ўлдиради*”. (“**Тавба**” сураси, 116-бет). Қуръон ва ҳадисларда ислом дини ёйилишининг асосий босқичлари, ислом тарихий тафаккури ўз аксини топган.

*Ислом ёйилиши даври*да араблар тарихи “*жоҳилият*” ва ислом даврларига бўлинади. Мусулмон тарихчилари, кейинчалик – Муҳаммад С.А.В., Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али чоҳорёрлар даври тарихи, Уммавийлар ва Аббосийлар даврини алоҳида ажратганлар.

Араб ва форс тилидаги тарихий асарларда эса Пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти, Авлиёлар таржимаи ҳоллари (“Маноқиб”), сулолалар ҳукмронлиги давридаги тарихни кўрамиз. Тарих сулолавий усулда даврлаштирилган.

Мусулмон тарихнавислиги тарихнинг икки шаклида –*умумжаҳон тарихи ва маҳаллий тарих*га ажратиб ёритилиши билан фарқланади. Муаллифлар ўз асарларида тарихни турли усулларда даврлаштирганлар ва бу усуллар, масалан, “Пайғамбарлар, халифалар ва шоҳлар тарихи”, “Ажам шоҳларининг тарихи”, “Тарихи Бухоро” каби номланишда ва муаллифларнинг ижодий талқинларида ўз ифодасини топган. Хулоса қилиб айтганда, мусулмон тарихнавислиги сулолавий хронологик даврлаштириш асосида ёзилган.

Ўрта аср даври фанида улкан илмий ишларни амалга оширган Абу Райҳон Берунийнинг, тарих ёзишдаги услубини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Унинг бизгача етиб келган йирик тарихий асарларидан “*Ал-Осор ул-боқия*” – “*Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар*” китоби айниқса, диққатга сазовордир.

Беруний бу асарида “*Бирор ўтиб кетган йилнинг аввалида ҳисобга олинadиган маълум бир муддатга тарих дейилади*”, - деб ёзади. Бу билан у тарихга, тарихий хронологияга биринчи бор таъриф беради: Олим тарихни ёзишда унғача бўлган халқлар тарихининг бошланиши қандай бўлганлигини тушунтириб ўтади. У турли халқлар ўз тарихларини ёзишда “Пайғамбарлар”, “Қудратли ... подшоҳлар”, “Тўфон”, “зилзила, ҳалокатли ер ютиш” ва ҳоказолар каби ҳодисаларни бошланиш даври деб кўрсатади: “*бундай ҳодисалар орқали маълум вақтлар, тарихлар аниқланади, дунё ва динга оид барча ишларда бунга эҳтиёж сезилади*”, - деб ёзади.

Беруний у ёки бу тарихий воқеаларни ёзишда кенг қамровли кузатиш, далилларни синчковлик билан аниқлаш, бир воқеа ҳақидаги турли фикрларни чуқур ўрганиш ва унинг “*рости*”ни топиб ёзишга ҳаракат қилади. Олим асарни ўқувчи учун тушунарли бўлишини таъкидлаб, у муштарийни мушоҳада қилишга, ўйлашга мажбур этиш лозимлигини уқтиради.

У биринчи бўлиб, инсон ҳаётининг турли соҳаларидаги фаолиятларини бирликда, умумийликда кўриб талқин қилади. Қадимий сўғдийлар ва хоразмликлар тарихини, афсоналарини баён қилар экан, *воқеликларни ҳаққоний, қандай бўлса шундайлигича* тасвирлашга ҳаракат қилади. Тарихни халқлар миллат ёки дин манфаатларидан келиб чиқиб ёзмайди. *Тарихий*



*воқеаларни изоҳлаётган пайтда, у ҳеч қандай динга, миллат вакилига, давлат ёки давлат арбобига бўйсунмайди. Ҳолбуки, ўша даврларда ислом дини давлат сиёсати даражасига кўтарилган, давлат соҳиблари ўз номларини улуглаш учун ҳеч қандай нарсадан тап тортмайдиган бир пайтда, у тарихни бузиб кўрсатишни, ёлгонни ёзишни энг оғир гуноҳ деб билган.*

Тўғри сўз сўзлаган киши унинг учун “энг шижоатли киши эди. Беруний тарихчилар олдида куйидаги талабларни кўяди: тарихчи-ҳақиқатчи, ҳамма халққа ҳурмат билан қарайдиган, холисона баҳо берадиган бўлиши, у уруғчилик, миллатчилик ва диний қарашлардан озод бўлиши керак, деган фикрларни илгари суради.

*Тарихий жараёни ҳаракатга келтирувчи кучлар масаласи ечимига мутаносиб равишда тарихни даврлаштириш амалга оширилди: Қадимги дунё, Антик давр, Ўрта асрлар, Уйғониш, Маърифат, Янги ва Энг янги давр. Бундай даврлаштиришда вақт омили аниқ ифодаланган бўлиб, даврларнинг мазмун ва сифат ўлчовлари йўқ эди.*

XIX аср ўрталарида немис мутафаккири К.Маркс тарих тадқиқининг методологик камчиликларини тугатиш, уни илмий асосда ўрганиш мақсадида *тарихни тушунтиришнинг материалистик концепциясини* яратди.

*Тарих формациявий ёндашув асосида, яъни инсоният ўз тарихий тараққиётида беш асосий босқич – формацияни (ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм (социализм – коммунистик формациянинг биринчи фазаси) босиб ўтишида изоҳланади. Ижтимоий инқилоб воситасида навбатдаги формацияга ўтилади. Синфий кураш – тарихни ҳаракатга келтирувчи куч, инқилоблар – “тарих локомотиви”, деб эълон қилинган.*

Тарихни билиш ва тушунтиришда формациявий ёндашув камчиликлардан холи эмас эди.

*Биринчидан, Маркс чизиқли тарихий тараққиёт тарафдори бўлган. Формация назарияси Европа тарихий йўлининг йиғиндиси сифатида шаклланган эди. Баъзи бир мамлакатлар мазкур схемага тушмасдан “Осиёча ишлаб чиқариш усули”га ўтказиб юборилди.*

*Иккинчидан,* “формациявий ёндашувга ҳар қандай тарихий воқеликни ишлаб чиқариш усулига, иқтисодий муносабатлар тизимига катъий боғлаб қўйилиши характерлидир. Маркс қарашларига кўра, тараққиёт ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига, ишлаб чиқариш усулининг алмашувига таянади. Лекин тараққиётни бундай тушунишда инсон ҳамда маънавий омилларнинг ўрни тарихда лозим даражада акс этмайди. Ҳолбуки, тарих, даставвал инсон тарихи – кишилар тарихидир. Уларнинг тарихи доирасидагина моддий жараёнлар ўтмишининг мазмуни, моҳияти ифодаланади.

*Учинчидан,* формациявий ёндашув тарихий жараёнда зиддиятли муносабатлар, жумладан зўрликнинг ролини мутлақлаштирган эди. Бундай методология тарихий жараёни синфий кураш кўзгусидагина талқин этишга маҳкум этган эди.

*Тўртинчидан*, формациявий ёндашувга ижтимоий утопия (хаёлот) унсурлари хос эди. Синфий жамиятдан – синфий ва яна синфий коммунистик жамиятга келиш концепцияси соф утопик ҳаёлот сифатида тарихда қолди.

***Ҳозирги замон тарих фанида формациявий ёндашув методологиясига муайян тарзда цивилизациявий ёндашув методологияси қарши кўйилмоқда.*** Тарихий жараёни цивилизациявий ёндашув асосида ёритиш XVIII асрдан бошлаб шакллана бошлади. Бироқ унинг тўлақонли ривожини XIX асрнинг охири – XX асрга тўғри келди. Ҳорижий тарихшуносликда бу методологиянинг ёрқин тарафдорлари бўлиб **М.Вебер, А.Тойнби, О.Шпенглер** ва қатор замонавий тарихчилар чиқдилар. Россия тарихи фанида **Н.Я.Данилевский, П.А.Сорокин**ларни кўрсатиш мумкин.

Бундай ёндашув нуқтаи-назарида тарихий жараённинг асосий таркибий бирлиги **цивилизация** ҳисобланади. “*Цивилизация*” – “*тамаддун*” атамаси латинча “*civil*” - *шаҳарли, фуқаровий, давлат сўзидан келиб чиққан.* Дастлаб бу атама остида ёввойилик, ваҳшийлик давридан кейин кириб келадиган цивилизациявий тараққиётнинг муайян даражасини англатган.

Изоҳ бўйича ушбу цивилизациянинг фарқ қилувчи белгилари этиб **шаҳарлар, ёзув, жамиятнинг қатламларга ажралиши, давлатчиликнинг пайдо бўлиши** олинган.

Кенг маънода цивилизация остида жамият маданий тараққиётининг юқори даражаси тушунилган. Европада Маърифатпарварлик даврида цивилизация ахлоқ, қонунлар, санъат, фан, фалсафанинг такомиллашуви билан муштарак бўлган.

Цивилизациявий ёндашувга қатор кучли томонлар хос:

- 1) Унинг тамойиллари алоҳида олинган мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳига қўлланиши мумкин. Бундай ёндашув фаолият тарихини *мамлакат ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда* билишни тақозо этади. Бундан мазкур методологиянинг ҳар томонламалиги (универсальность) келиб чиқади;
- 2) Хусусиятларни ҳисобга олган йўналиши, ўз навбатида, тарихнинг *кўп чизиқли, кўп вариантли жараён эканлиги* ҳақида тушунчани кўзда туттади;
- 3) Цивилизациявий ёндашув кишилиқ тарихининг (умумийлиги) бирлигини, яхлитлигини инкор этмайди, балки айнан назарда туттади. Цивилизациялар яхлит тизимлар сифатида бир-бирлари билан таққосланиши мумкин. Бу *қиёсий-тарихий методини* кенг ишлатишга имкон беради. Шундай ёндашув натижасида мамлакат, халқ, минтақа тарихи ўз ҳолича эмас, балки бошқа мамлакатлар, халқлар, минтақалар, цивилизациялар билан қиёсланиб ёритилади;
- 4) Тамаддун тараққиётининг муайян мезонлари асосида тарихчиларга у ёки бу *мамлакатлар, халқлар ва минтақаларнинг ютуқлари даражасини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини* аниқлаш имкониятини беради;

- 5) Цивилизациявий ёндашув тарихий жараёнда инсоний маънавий-ахлоқий ва ақлий (интеллектуал) омилларнинг муносиб ролини кўрсатиб беради. Бу ўринда дин, маданият ва менталитет тавсифлари муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ёндашувга объектив эътирозлар ҳам мавжуд. Ҳар икки формациявий ва тамаддуний ёндашувлар, тарихий жараёни турли нуқтаи назарлардан қарашга имконият беради. Ҳар иккисининг ҳам кучли, ҳам заиф томонлари мавжуд, улардан яхши томонининг олиншидан эса тарих ютади, холос.

Ҳозирги вақтда инсоният тарихини цивилизациявий жараёнлар, уларнинг турли кўринишлари ва босқичлари сифатида қараш илмда етакчи ўринни эгалламоқда.

## **МАВЗУ 2. ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИНИНГ (МЕСОПОТАМИЯ) ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Месопотамия цивилизациясининг шаклланиши ва тараққиёти**
- 2. Қадимги Месопотамия цивилизациясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди.**
- 3. Месопотамия цивилизациясининг ривожланиш омиллари.**
- 4. Қадимги Месопотомия маданияти.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Шумер муаммоси, семит қабилалари, Шумер, Аккад ва Ур ҳукмронлиги даврида Месопотомия, Бобил, Хаммурапи, Оссурия, Янги Бобил давлати, миҳхат, дин, афсоналар, зиккурат.

М.а. IV минг йилликларда жанубий Месопотамияда шумер манзилгоҳлари пайдо бўлган. Бора-бора улар бутун Месопотамияни эгаллашган.

Месопотамиянинг шимолий қисмида м.а. III минг йилликнинг биринчи ярмидан семитлар истиқомат қилган. Улар қадимги Олд Осиё ва Сурия даштларининг чорвадор қабилалари бўлишган. Месопотамияга келиб ўрнашган семит халқларининг тили аккад тили деб аталган. Бир неча асрлар давомида семитлар шумерлар билан ёнма-ён яшашган, сўнгра улар жанубга силжиб, III минг йиллик охирида бутун жанубий Месопотамияни эгаллашган.

М.а. III минг йиллик охирида Месопотамияга Сурия даштларидан ғарбий семит чорвадор қабилалари кириб кела бошлаган. Уларни бобилликлар аморийлар деб аташган. М.а. III минг йилликдан бошлаб шимолий Месопотамияда кутий ёки гутий қабилалари истиқомат қилишган. Қадимги даврлардан бу ерда хуррит қабилалари ҳам яшаган. Шимолий Месопотамияда хурритлар ўзларининг Митанни давлатини барпо этишган.

М.а. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Шимолий Арабистондан Сурия даштларига, Шимолий Сурия ва Месопотамияга оромий қабилаларининг кучли тўлқини кириб келди.

М.а. III минг йилликнинг биринчи ярмида Месопотамия жанубида қатор шаҳар-давлатлар Эреду, Ур, Ларса, Урук ва Киш қабилар пайдо бўлади. Ҳунармандчилик юқори даражада ривожланди. Металлургия саноати биринчи ўринга чиқиб олади. Савдо ҳунармандчиликлдан ажралиб чиқади. Ерни сотиш ва сотиб олиш бошланди. Қулчилик муносабатлари ривожланади.

Шумер жамиятида қуллардан ташқари ўз ери бўлмаган ёки еридан ажралган, бошқа жамоалардан келганлар, камбағал оиланинг кичик аъзоси ибодатхонага бағишланган қарам кишилар кўп бўлган. Бу қарам кишилар ибодатхона ва хусусий хўжаликларда қуллар қаторида меҳнат қилганлар. Илк сулола даврида Шумер жамиятининг ҳукмрон қатламини қулдорлар ташкил қилган. Бу қатламга уруғ зодагонлари, олий қоҳинлар, маъмурият вакиллари бўлган амалдорлар кирган. Майда ишлаб чиқарувчилар қатламини кичик ер участкасига эга бўлган ҳудудий ва катта оилаларга бирлашган оддий жамоачилар ташкил қилган. Шумер жамиятида ер эгаллиги икки қисмдан - жамоа ва ибодатхона ерларидан иборат бўлган. Илк сулола даврида м.а. XXVIII-XXVII асрларда шаҳар-давлат тепасида «Эн» (жаноб)-олий қоҳин турган, эҳтимол у сайлаб қўйилган. «Эн» нинг вазифаси қоҳинлик, ибодатхона маъмуриятини бошқариш, ибодатхона, шаҳар қурилиши-суғориш иншоотларини барпо қилиш, бошқа жамоа мулки ҳамда унинг иқтисодиётини бошқариш бўлган. М.а. III минг йиллик ўрталарида “Эн” унвони ўрнига “Энси” (“қоҳин-қурувчи” шаҳар бошқарувчиси) ва “Лугал”- (“катта одам”, “подшо”, аккадча “шарру”) пайдо бўлади.

М.а. III минг йиллик бошларидан шумерлар жезни ўзлаштира бошладилар. Шу даврдан археологлар илк сулола даврини (м.а. 3000-2300-йиллар атрофи) белгилайдилар. Шумер анъанаси эса мамлакат тарихини “тўфон” гача ва “тўфондан” кейинги даврга бўлади.

Шумер тарихини у ёки бу марказнинг сиёсий етакчилигига қараб м.а. III минг йилликнинг биринчи ярмида илк сулола даврини ташкил қилган уч босқичга бўлиш қабул қилинган. Дастлаб Киш, сўнгра Урук ва учинчи босқичда Ур етакчилик қилган.

Вақт ўтиши билан зиддиятлар кучайиб, Ур заифлашиб қўшни Лагаш шаҳри кучайиб кетади. Лагаш деярли барча Шумер шаҳарларини бўйсундиради, Элам устидан ғалаба қилади. Аммо ички зиддиятлар Лагашни заифлаштиради. Лагашнинг ички қийинчиликларидан фойдаланган Умма шаҳри подшоси Лугалзагисси м.а. XXIV аср охирида Лагашни босиб олиб, бутун Шумерда чорак аср етакчилик мавқеига эга бўлади.

Ўзини Шаррум-кен (“ҳақиқий подшо”) деб атаган Саргон (м.а. 2316-2361 йй) Шумер шимолидаги Аккад давлатига асос солди ва бутун Шумерни истило қилди. Саргон бутун Месопотамияни Аккад давлати қўл остига бирлаштиради. Бундан ташқари у Кичик Осиё, Кипр, Сурия, Элам ва ҳатто узоқ Жанубий Эронгача ҳарбий юришлар қилади.

Саргон давлати олдинги Месопотамия давлатларидан фарқ қилган ҳолда марказлашган давлат эди. Саргон ва унинг ворислари даврида мамлакатда иқтисодий, пул-товар муносабатлари, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик юксалади.

Аккад подшолигининг қудратига Месопотамияга Загрос тоғларидан бостириб кирган тоғли қабилалардан бўлган кутийлар чек қўйганлар. Лагаш ҳокимлари кутийлар ёрдамига таяниб бошқа шаҳарлар устидан маълум даражада ҳукмронлик қилдилар. Кутийлар Месопотамияда юз йилга яқин ҳукмронлик қилганлар. М.а. 2109-йил кутийлар Ур подшоси Утухенгал томонидан тор-мор қилинади ва III Ур сулоласи ҳукмронлиги бошланади. Шумер-аккад подшолигининг давлат бошқаруви III сулола даврида қадимги Шарқ подшо ҳокимиятининг тугалланган шакли эди.

Иқтисодий тушкунлик, аморий кўчманчи қабилаларининг хужуми, Ур сулоласининг емирилиши сиёсий тарқоқликка олиб келди. Аморий ва Аккад давлатлари бир-бирлари билан шафқатсиз урушлар олиб бордилар. М.а.. 1800-йиллар атрофида Месопотамия жанубини Ларса подшолиги, марказни Бобил шаҳри ва Эшнунна, Юқори Месопотамияни ва Мари подшолигини М.а.. XIX асрд охирида аморий ҳукмдор Шамши-Адд (1824-1870-йиллар атрофида) давлати эгаллаб олган эди.

Бу давлатлар ўртасида узокқа чўзилган урушлар бўлиб ўтди. Бу курашлар давомида секин-аста Бобил шаҳри юксала бошлайди. Бу шаҳарда I-Бобил ёки аморийлар сулоласи ҳукмронлик қилиб унинг бошқаруви тарихда қадимги Бобил (м.а. 1894-1595 йиллар) даври деб ном олди.

Бобилнинг гуллаб-яшнаши I-Бобил сулоласининг олтинчи подшоси Хаммурапи (ер.авв. 1792-1750 йиллар) даврига тўғри келади. Хаммурапининг ҳукмронлиги давомида Бобил кичик шаҳардан бутун Месопотамияни бирлаштирган янги қудратли давлатнинг пойтахти, Олд Осиёнинг йирик сиёсий–иқтисодий ва маданий марказига айланади.

М.а. 1742-йилда Месопотамияга шимоли-шарқдан бу ерда аввал номаълум бўлган “касс” этномидаги ҳинд-европа қабилалари бостириб кирадилар. Элам жанубда шумер шаҳарларига бостириб киради.

М.а. 1595 - йилдан Бобилда кассит сулоласининг ҳукмронлиги бошланиб, 1055 - йилгача давом этади. Бу давр «Ўрта Бобил даври» деб аталади. Касситлар Бобилни юксак маданиятини қабул қиладилар. Кассит сулоласи кенг қамровли ташқи сиёсат олиб борди.

М.а. XII асрда Элам касситлар сулоласи ҳукмронлигини тугатади. Навуходоносор I (м.а. 1124-1108-йиллар) II Иссин сулоласи даврида эламликлар Бобилдан ҳайдаб юборилади.

Бобилнинг кейинги тарихида Дажла, Фрот дарёлари, Форс қўлтиғи қирғоғи ва жанубий Месопотамиянинг шаҳарлари оралиғида жойлашган халдей қабилалари муҳим ўринни эгалладилар. Улар ярим кўчманчи чорвадор ва деҳқонлар эдилар. Халдейлар М.а.. IX асрда Бобилни жанубий қисмини босиб оладилар ва Бобил маданиятини қабул қиладилар.

М.а. 729-йилда Бобилни Осурия босиб олади. Осурияликлар Бобилда м.а. VII асргача ҳукмронлик қиладилар. Янги Бобил подшолигини пайдо бўлиши эрамиздан аввалги 629-йилга тўғри келади. Лашкарбоши Набопаласар Бобилда янги халдей сулоласига асос солди. Навухудоносор II нинг ҳукмронлик йиллари Бобилнинг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Навухудоносор II вафотидан сўнг Бобил заифлашади. М.а. 539 - йилда Бобилни Эрон подшоси Кайхусрав II босиб олди. Бобил м.а. 331- йилгача Аҳамонийлар давлати таркибига киради, кейин эса Македониялик Искандар давлатига, унинг емирилишидан сўнг Салавкийлар давлати таркибига киради.

Месопотамия – жаҳон цивилизацияси ва қадимги шаҳар маданиятининг илк ўчоқларидан бири. Бу маданиятнинг илк асосчиларидан бири шумерлар бўлиб, уларнинг ютуқларини бобилликлар ва осурияликлар ўзлаштириб, давом эттирдилар. Месопотамия маданиятининг манбалари м.а IV минг йилликда шаҳарлар пайдо бўлиши билан бошланди.

М.а. IV-III минг йилликларда шумер ёзуви пайдо бўлди. Тахминларга кўра бу ёзув шумерлар Месопотамияга келганга қадар номаълум халқ томонидан кашф қилинган. Шумерлар бу ёзувни цивилизация хизматига қўйдилар. Дастлаб шумер ёзуви пиктографик шаклда алоҳида буюмлар, тасвирлар тарзида ифодаланган. Шундай ёзувдан эрамиздан аввалги III минг йилликдан бошлаб фойдаланилган. Пиктография жуда содда бўлиб, ҳақиқий ёзув эмас эди, у сўзларни ифодаламас эди. Секин-аста у миҳхатга айланди.

### **МАВЗУ 3. ҚАДИМГИ МИСР ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

#### **РЕЖА:**

- 1. Миср цивилизациясининг асослари.**
- 2. Миср цивилизациясининг тараққиёт босқичлари.**
- 3. Қадимги Миср маданияти ва унинг жаҳон цивилизациясда тутган ўрни.**

#### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Номлар, Юқори ва Қуйи Миср, Сулолаликкача давр, Илк подшолик даври, Қадимги подшолик даври, Ўрта подшолик даври, Янги подшолик даври, Саис сулоласи даври, иероглифлар, Амарна даври, Эхнотоннинг диний ислохотлари.

Цивилизация туғилган қадимги марказлардан бири Нил водийси бўлган. Нил водийси аҳолиси ўз ерларини Та кемет (Қора ер) деб аташган. Қадимги юнонлар Мемфиснинг номларидан бири бўлган, кийин талаффуз этиладиган Хет-ка-Птахни Айгюптос Египет деб ўзгартиришган.

Энг қадимги цивилизациялардан бири қулай табиий – географик жойлашувга, бой табиий ресурсларга эга бўлган, савдо, сиёсий ва маданий алоқалар чорраҳасида жойлашган ерда вужудга келган. Цивилизациянинг моддий асосини яратиш учун зарур бўлган барча нарсалар Мисрнинг ўзида ёки унга ёндош ерларда мавжуд бўлган. Металлар, асосан мис Арабистон саҳролари ва Синай ярим оролидан, олтин Эфиопиядан келтирилган. Нилни

ғарбдан шарққа томон ўраб турувчи тоғлардан чакмоқтош, Қоҳира атрофидаги Тур тош конларидан оҳактош, Асуан яқинидан мрамминг қимматбаҳо навлари қазиб олинган. Мамлакат ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам бой бўлиб, мисрликлар хўжалик ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Илк одамлар Нилнинг қайирларида неолит даврларида пайдо бўлишган. Бу ерга уларни ташқи шароит бошлаб келган: иқлим қуруқлашиб, саҳро бостириб кела бошлаган. Дастлаб Нил водийси чеккаларига жойлашган одамлар деҳқончилик, чорвачилик, ов, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланишган. Илк деҳқон жамоалари м.а. VI-V минг йилликда Қуйи Мисрда Фаюм водийсида мавжуд бўлган. Фаюм манзилгоҳида ғалла экинлари экилган, йирик ва майда қорамол боқилган ва балиқ тутилган.

Воҳанинг қулай табиий шароити туфайли манзилгоҳлар ривожланиб, уларнинг аҳолиси турмуши фаровонлашиб борган. Илк деҳқончилик маданияти шаклланиган. Бунга мисол тариқасида Бадари маданиятини кўрсатиш мумкин. Юқори Мисрдаги Бадари маданияти (эр. авв. IV минг йиллик) га тегишли аҳоли ўтроқ тарзда уруғ жамоси бўлиб яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Ерга мотиға билан ишлов берилиб, кичик каналлар қазилган. Ов ва балиқчилик ҳам мавжуд бўлган. Бадарийлар Улар ҳунармандчилик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритганлар.

Мис ва мис меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши билан Нил водийсини ўзлаштириш бошланган. М.а. IV минг йилликнинг биринчи ярмида мисрликлар ҳавза суғориш тизимини яратишган. М.а. IV минг йилликнинг II ярмида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдан ҳунармандчилик ажралиб чиққан. Илк ижтимоий табақаланиш юз берган, илк ибтидоий қулчилик пайдо бўлган.

Машаққатли кечган Нилни бўйсундириш жараёнида мисрликлар ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнат шароитлари ўзгарди, уни ташкил этиш билан асосан қабила бошлиқлари ва қоҳинлар шуғулланишган. Бу эса мулкый тенгсизликни бошлаб берди. Ҳар бир суғориш хўжалиги инсонларни қандайдир ҳудудий бирликка, ўзига хос қўшничилик жамоасига – номларга бирлаштирди. Давлат ташкил этилишидан олдинги даврда Мисрда 40 га яқин шу қаби номлар мавжуд эди. Уларнинг бирлаштирилиши оқибатида ўзаро рақобатчи икки подшолик – Юқори ва Қуйи Миср вужудга келди.

Қадимги Миср тарихи м.а. IV минг йилликнинг II ярмидан - давлат ва синфий жамиятнинг пайдо бўлишидан эр.авв. VI асрда Мисрнинг Аҳмонийлар давлатига қўшиб олинган давригача бўлган даврни ўз ичига олади. Қадимги Миср тарихи қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Сулолаларгача бўлган давр (м.а. IV минг йиллик). Уруғчилик муносабатлари емирилишининг бошланиши, ижтимоий тенгсизликнинг, илк суғориш иншоотларининг пайдо бўлиши, илк ном бирлашмаларининг ташкил топиши. Давр охирида Юқори ва Қуйи Миср давлатларининг пайдо бўлди.

2. Илк подшолик (м.а. XXX - XXVIII асрлар, I-II сулолалар).

3. Қадимги подшолик даври (м.а. XXVIII-XXIII асрлар, III-IV сулолалар).

4. Ўрта подшолик даври (м.а. XXII-XVIII асрлар, XII сулола).
5. Янги подшолик даври (м.а. XVI-XI асрлар, XVIII-XX сулолалар)
6. Сўнгги подшолик (м.а. XI-V асрлар XXII -XXV сулолалар)

Тарихий тараққиётнинг барча босқичларида Миср цивилизацияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Илк подшолик даврида мамлакатни бирлаштириш тугалланган ва тахминан м.а. 3000 йилда Нил водийсида ягона давлат вужудга келган. Бу воқеа биринчи сулола асосчиси бўлган Менес (Мина) номи билан боғлиқ. У Юқори ва Қуйи Миср туташган стратегик муҳим нуқтада янги пойтахт мустақамланган шаҳар Мемфис шаҳрига асос солди. Илк подшолик даврида Миср I ва II сулолалар томонидан бошқарилган.

Илк подшолик даврида сунъий суғоришнинг хўжалик маданияти асосида Миср цивилизациясининг иқтисодий ва сиёсий тизимлари шакллана бошлаган. Бу давр асосий функцияси Нил водийсида суғориш ишини ташкил этиш бўлган умуммиср давлат апарати ташкил топиш даври эди. Юқори маҳсулдор бўлган қишлоқ хўжалиги моддий маданиятнинг тараққий этишига асос бўлди. Хунармандчилик ривож топди. Илк подшолик давридаёқ мисрликлар папирус тайёрлашни билишган. Папируснинг пайдо бўлиши цивилизация ривожининг асосий омилларидан бири бўлган ёзувнинг кенг тарқалишига туртки бўлди.

Қадимги подшолик даври 500 йилдан ортиқ давом этди ( м.а.2800-2300 йй). Бу даврда Миср кўшнилари билан муваффақиятли урушлар олиб бораётган йирик марказлашган давлатга айланди, Миср цивилизациясининг идеаллари ва асосий қадриятлари шаклланди.

Мамлакатнинг мустақам яхлитлиги унинг иқтисодий гуллаб-яшнашига асос бўлди. Қадимги подшолик даври иқтисодида олий амалдорлар хўжалиги катта рол ўйнаган. Подшо ва ибодатхона хўжаликлари ҳам амалдорлар хўжалигига ўхшаш бўлган. Уларни бирлаштирган хусусият кўпсонли хизматчилар устидан ўрнатилган кучли назорат, меҳнат ва унинг натижасини қаттиқ ҳисоб-китоб қилиш бўлган.

Миср моддий бойлигининг асосий яратувчиси бўлган меҳнаткаш халқ “подшо одамлари” деб номланган. Уларнинг асосий мажбурияти қайси ер-мулкка бириктирилганидан қатъий назар ўз касблари доирасидаги ишни бажариш эди. Касб ва хунар бўйича тақсимланиш мисрликларнинг ихтиёрида эмас эди.

Ўрта подшолик даврида майда мулкдорлар қатлами – нежеслар шакллана бошлади. Бойиб кетган нежеслар коҳинлар ва амалдорлар сафига кира бошладилар. Фиръавнлар эски аслзодаларни мавқеини пасайтиришга уруниб, давлат мансабларига ўрта қатлам вакилларини тайинлай бошладилар.

Миср цивилизацияси Файюм воҳасидаги улкан суғориш ишларини яқунлаган ва юнонлар Лабиринт деб ном берган улкан тош иморатни барпо этган Аменемхет II даврида гуллаб – яшнади.

М.а. 1700 йил атрофларида шарқдан Мисрга Жанубий Сурия ва Шимолий Арабистон қабилаларининг иттифоқидан иборат гиксослар бостириб келди. Шимолий Мисрда ўрнашиб олган босқинчи гиксослар мисрликларни



йилқичилик, жанг араваси, жангларда отлик қўшиндан фойдаланиш билан таништирдилар.

Гиксосларга қарши курашни ташкил этган Фива номининг ҳукмдори Яхмос нафақат босқинчиларни қувиб чиқди, балки мамлакатни бирлаштирди. Шу тариқа м.а. 1600 йил атрофларида Миср цивилизацияси Янги подшолик даврига қадам қўйди.

Янги подшолик даврида (м.а. 1580-1085 йй) Миср иқтисодий кўтарилишни бошидан кечирди ва Шарқий Ўртаер денгизида ҳукмрон мавқени қўлга киритди. Темир пайдо бўлди, аммо у ҳали ноёб металл сифатида қабул қилинарди. Янги подшолик даврида металлургия тараққий этди, янги техника ва технологиялар жорий этилди. Масалан, тери босқон, такомиллашган омов, шадуф ва ҳ.к.

Янги подшоликнинг иқтисодий юксалиши фиръавнларнинг босқинчилик сиёсати билан боғлиқ эди. Жангларда тобланган қўшин Миср подшоларининг таянчига айланди. Жангчилар давлат таъминотида эди.

Фиръавн Тутмос I Мисрни ўша даврдаги кучли давлатга айлантди. Тутмос II дан сўнг тахтни унинг беваси Хатшепсут эгаллаб олди. Тахминан м.а. 1500 йилда Тутмос III тахтга ўтириб, Тутмос I бошлаган юришларни ғолибона давом эттирди.

Қарам ерлар ва Миср аҳолисини таланиши натижасида ҳукмрон табақа, айниқса кўп сонли яхши уюшган қоҳинлар табақаси бойиб кетган. XVIII сулола даврида Фивадаги Амон ибодатхонаси ниҳоятда катта обрў – эътиборга эга бўлган. Мамлакатда Амон ибодатхонаси қоҳинларининг мавқеи кучайиб, улар Миср иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсата бошлаганлар. Бу ҳолат давлат ҳокимиятига катта муаммоларни туғдирган. Натижада Аменхотеп IV диний ислоҳот ўтказган. Аменхотеп IV (м.а 1372-1354 йй) даврида “қуёш шуъласи” худоси Атон биринчи ўринга қўйила бошланган. Бу фиръавннинг ўз номини Эхнатон деб ўзгартиришида ҳам ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Эхнатон Фива қоҳинлари билан узил-кесил суратда алоқани узиб, Фивадан гўзал сарой ва ибодатхоналар билан безалган янги пойтахт Ахетатон (Атон шаҳри) га бутун сарой амалдорлари ва янги қуёш худосининг қоҳинлари билан бирга кўчиб келган ва Атон Мисрнинг ягона ва олий худоси деб эълон қилинади. Эхнатон Фива қоҳинлари ва номлардаги кулдор зодагонларни қудратини вақтинча бўшаштиришга муваффақ бўлган. Эхнатондан кейин тахтга ўтирган фиръавнлар унинг диний сиёсатини давом эттира олмаганлар. Улардан бири Тутанхатон Фива қоҳинларига ён бериб, Амон эътиқодини қайтадан тиклашга ва ҳатто ўз исминини ҳам шунга яраша ўзгартириб «Тутанхамон» деб аташга мажбур бўлган.

Рамзесе I ва Рамзесе II даврида давом этган хеттлар билан урушлар м.а 1292 йилда тинчилик сулҳи тузиш билан якунланди. Аммо Рамзесе II ворислари даврида Миср энди ливиялик қабилалар ва денгиз халқлари ҳужумидан ҳимояланишга мажбур бўлди.

Сўнгги даврда (м.а. XI-V асрлар) Миср цивилизацияси оғир дамларни бошидан кечирди. Миср тарихининг Сўнгги давридаги беқарорлик темирнинг

секинлик билан жорий этилиши, судхўрликнинг авж олиши, жамиятнинг эркинлар ва қулларга янада қатъий бўлиниши, мамлакатнинг тарқоқлиги, Ливиялик ёлланма қўшин ҳарбий табақасининг шаклланиши, хоҳинлик лавозимлари учун кескин кураш, жанубдан эфиопияликлар, шарқдан оссурияликларнинг босқини билан ифодаланади. Шунга қарамасдан Миср цивилизацияси ўз ютуқлари ва эришган натижаларини сақлаб қолди.

Қадимги Миср маданиятининг ўзига хослиги ва бетакрорлигини унинг географик жойлашуви, Нил водийсининг нисбатан ёпиқлиги ва ташқи ҳужумлардан ҳимояланганлиги, фиръавнлар ҳокимияти ва бутун ижтимоий тизимнинг барқарорлиги, шунингдек мисрликларнинг юқори турмуш даражаси белгилаб берди.

Миср маданиятига чуқур консерватизм ва анъанавийлик хос. Мисрликлар ўзларининг маданий қадриятлар тизимига бирор бир янгилик киритишдан қочдилар. Аксинча, уларда ўзларига маълум ғоя, қонун, бадий услубларни асраш ва тақлид қилиш узоқ асрлар асосий тамойил бўлиб қолди. Албатта бу ҳол янги унсур, ғоя ва услубларни инкор қилмади, аммо улар аста-секин пайдо бўлди. Шу сабабли Миср усталари доимо риоя қилган анъанавийлик ва консерватизм Миср санъати учун хос бўлган концептуаллик ва юқори малакалилик, моҳирлик, уйғунликни ўзида акс эттириб ниҳоясига етказиб ишланган.

Мисрда дин илк уруғчилик жамоаларида вужудга келиб, жуда узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Диний анъаналар мустаҳкам ва турғун бўлган, фетишизм, тотемизм, айниқса ҳайвонларга топиниш Мисрда узоқ давом этган.

Миср худоларининг пантеони жуда катта бўлиб, у илк даврда вужудга келган маданиятга бориб тақалади. Мисрликларнинг худолари ҳайвон қиёфасида тасвирланган. Худолар маҳаллий ва умумиср миқёсида эътиқод қилинган илоҳларга бўлинган. Оддий одамларнинг ҳимоячиси ва ҳомийси бўлган Амонга топиниш умумиср характерига эга бўлган. Қуёш худоси Ранинг ўғли Горнинг ердаги ифодаси сифатида қабул қилинадиган, ўлимидан сўнг худо бўлиб Осирис билан тенглаштирилган фиръавн шахсини илоҳийлаштириш алоҳида ўрин эгаллаган. Ер ости салтанатининг подшоси Осирис бутун Мисрда эъзозланган. Мисрда ягона худога сиғиниш концепцияси ўз ўрнини топмади (Эхнатон ислоҳоти).

Миср динида у дунёдаги ҳаётга катта ўрин берилган, ўлимдан кейинги ҳаёт бу ҳаётнинг давоми деб тушунилган. Инсон гўёки, уч асосий субстансия жисмоний тана, унинг маънавий кўриниши («Ка») ва унинг руҳи («Ба») дан иборат. Фақат шу уч унсурнинг бирлиги боқий яшашга имкон беради. Мана шу боқийликка интилиш кўмиш маросимларининг шаклланишига, инсон танасини абадий сақлаш учун мумиёлашнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Мисрда маҳобатли ҳайкалтарошликнинг энг қадимги намуналарини кўриш мумкин масалан, Рамзес II нинг улуғвор ҳайкали, ҳаётга тўла Нефертити ҳайкалчалари.

#### **4 МАВЗУ: ҚАДИМГИ КИЧИК ОСИЁ ВА**

## **ШАРҚИЙ ЎРТА ЕР ДЕНГИЗ БЎЙИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ.**

### **РЕЖА:**

- 1. Кичик Осиё ва Шарқий Ўрта ер денгиз бўйининг қадимги маданият марказлари**
- 2. Хетт цивилизацияси**
- 3. Шарқий Ўрта ер денгиз бўйи цивилизациялари.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Анатолия, хеттлар, Фригия ва Лидия шоҳликлари, Фаластин, Сурия, Ливан, Библ, Алалах, Эбла, Ямхад давлати, гиксос бирлашмаси, Финикия, Карфаген, Дамашқ подшолиги, Исроил - Яхудий подшолиги, яхудо дини, Библия.

### **1-саволнинг баёни:**

Қадимги юнонлар Кичик Осиёни Анатолия деб аташган. XX асрнинг 20-йилларидан Туркиянинг Осиё қисми ушбу ном билан аталади. Анатолия дастлаб қадимги цивилизациялар тадқиқотчиларини жалб этмаган. Аммо Чатал-Гуюк манзилгоҳининг очилиши бу ҳудуд қадимги цивилизация марказларидан бири эканлигини кўрсатди. Анатолияда турли даврларда Хетт, Митанни, Осурия, Фригия, Лидия, Урарту каби давлатлар гуллаб-яшнади.

Митанни давлатига м.а. XVI асрда хуррит қабиласи митаннилар асос солади. Митанни пойтахти юқори Хабурдаги Вассоканда жойлашган эди. М.а. XVI аср Митанни Загрос ва Ниневиядан Шимолий Суриягача бўлган ҳудудни эгаллаб, улкан давлатга айланди. Шу вақтдан бошлаб бир юз эллик йил давомида Олд Осиёда Митаннидан кучли бўлган қудратли давлат йўқ эди. Митанни бу даврда Миср билан Месопотамия ва Шарқий Ўрта ер денгизи ҳавзаси учун узоқ кураш олиб борди. XV асрда халқаро вазият ўзгариб Миср билан Митанни ўртасида иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилди ва сулолавий никоҳлар тузилди. М.а. XIV аср бошларидаги Митаннидаги сулолавий низо, сарой фитналари давлатни заифлаштирди. Хетталар ва Осурия томонидан катта ҳудудлари истило қилинган Митанни шимолий Месопотамиядаги кичик бир давлатчага айланиб қолди. Қачонлардир қудратли давлат қолдиғи сифатида Митанни Осурия томонидан тугатилди.

Қадимги Осурия маркази Ашшур бўлган кичик ҳудудни ўз ичига олган эди. М.а. XVIII аср ўрталарида Ашшур Бобилга қарам бўлиб қолди. М.а. XVI асрда Бобил сулоласи қулагач, Ашшур қудратли қўшни давлат Митаннининг тазйиқига қарши Миср билан дипломатик алоқа ўрнатади. Бунга қарши м.а. XV аср ўрталарида Митанни Ашшурни босиб олади. Кейинги даврда Ашшур Бобилнинг ҳукмронлигини тан олиш эвазига Митанни зулмидан озод бўлади ва бир қанча вақт ўтгач Бобилдан тўла мустақил бўлади.

М.а. XIV асрда Осурия қудратли давлатга айланди. Заифлашиб қолган Митанни хеттлар тазйиқига қарши Осурияга иттифоқчи сифатида чиқади. Тез орада Осурия хеттларни юқори Месопотамиядан ҳайдаб чиқариб, Фрот дарёсига чиқади. Натижада Митаннининг шарқий вилоятлари, бу ердаги диний марказ Ниневия босиб олинади. Митанни, кейинчалик Бобил ҳам Осурия

таъсири остига тушиб қолди. Осурия шаҳар-давлатдан қудратли давлатга айланиб, етти юз йил давомида ўзининг юришлари билан кўшни ҳудудларга даҳшат туғдирди.

М.а. XX-XVIII асрларда Кичик Осиёдаги Неса (Каниш), Бурусхан, Куссар ва Хаттуси каби шаҳарларни ўз ичига олган сиёсий бирлашмалар вужудга кела бошлайди. Кичик Осиёнинг бу сиёсий бирлашмаларининг илк бирлашуви эрамиздан аввалги XVIII асрнинг биринчи ярмида юз беради.

Қадимги Хетт давлатида уруғ-жамоа қолдиқлари ҳали кучли бўлган. Хетт подшолари ўз ҳокимиятларини халқ кенгашларига таяниб амалга оширганлар. Қурол кўтаришга қобилиятли бўлган барча эркалар подшо чиқарадиган «панкус» деб аталадиган йиғилишга мунтазам иштирок этганлар. Зодагонлар давлат бошқарувда фаол қатнашиб, ўзларини кучли таянчи бўлган зодагонлар кенгаши (Тулия) орқали халқ йиғинига бошчилик қилганлар.

Хетт давлатининг ҳукмдорлари мамлакатни бирлаштириб, истилочилик юришлари олиб борадилар ва давлат чегараларини “денгиздан-денгизгача” кенгайтирадилар. Пойтахт хеттларнинг собиқ бош маркази Хаттусига кўчирилгач кейин давлат расмий равишда “Хатти”, замонавий фанда “Хетт” деб атала бошланди.

М.а. XVIII- XVI асрлар қадимги Хетт подшолиги даври деб аталади. Хетт давлатининг тушкунлик даври бўлган м.а. XV аср ўрта Хетт подшолиги даври деб ном олди. М.а. XIV аср бошларида Олд Осиёда Миср, касситлар Бобили ва Митанни давлатлари заифлашиб, халқаро муносабатларда Хетт давлатининг кучайиши учун қулай шарт-шароит туғилади. Янги Хетт подшолиги даври саналган м.а. XIV -XII асрларда ушбу давлат яна юксалди.

Янги сулола подшолари қадимги хетт буюк давлатчилиги ғояларини қайтаришга даъво қилиб, ҳарбий-бюрократик монархияни ташкил қилдилар. Подшо илоҳийлаштирилган мутлақ ҳукмдорга айланди. Хетт ҳукмдорлари бу даврда Шарқий Ўртаер денгизи қирғоғи майда давлатчаларини ва Митанни давлатини босиб олдилар. Митаннига тегишли Сурия вилоятларини ва шаҳарларини, Кичик Осиёдаги жанубий Фригия ва Лидия, Милаван (Милет) ҳокимларини бўйсундирадилар.

Аммо Миср XIX сулола даврида янада кучайиб ва Шарқий Ўртаер денгизи қирғоғи учун Хетт давлати билан яна рақобат бошлайди. Хеттлар Фаластин, Финикия ва Сурияни катта қисмидан сиқиб чиқарилади. Охир оқибатда Миср ва Хетт давлати эрамиздан аввалги 1280 йилда тинчлик шартномасини имзолайдилар. Шартнома бўйича Суриянинг бир қисми, Шимолий Финикия Хетт давлати таъсири остида қолади.

Хетт жамиятида барча аҳоли икки гуруҳга бўлинган. Солиқ тўловлари ва бошқа мажбуриятларни ўтовчи (подшо, ибодатхона еки хусусий шахс фойдасига) кишилар эркин бўлмаган мавқега эга бўлиб, камситилганлар. Тўла маънода эркин кишилар деб зодагонлар, амалдорлар, коҳинлар ва катта ер эгалари ҳисобланганлар. Хетт давлати босиб олган ҳудудларни бошқармаган, фақат улардан хирож олиш билан чеклаган.

Хетт жамияти ўз маданий тарққиётида Миср ва Месопотамиянинг юксак маданиятлари таъсири яққол сезилади. Хетт дини ўзига хос белгиларга эга эди. Хеттларнинг минг маъбуд ва маъбудалари тўғрисида манбаларда эслатишлар мавжуд. Амалда эса, чекланган миқдорда илоҳларга сиғинилган. Подшо куёшга ўхшатилиб илоҳийлаштирилган.

Хетт подшолигининг бошқа халқлар билан яқин алоқаси мавжудлигидан далолат берадиган яна бир маданий ютуқ уч тилли шумер-бобил-хетт луғатларининг тузилишидир.

Хетт ҳайкал ва рельефлари вазмин ва улуғворлиги билан ажралиб туради. Мамлакатда айникса, мудофаа иншоотлари қалъа деворлари қуриш юқори даражада бўлган. Хетт маданияти кўп асрлик шимолий Месопотамияда ва унга яқин бошқа ҳудудларда яшаган қабила ва халқларнинг маданиятини ўзида акс эттирган ва бошқа маданиятларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Хеттларнинг маданий мероси Хетт давлати ҳалокатидан кейинги асрларда ҳам бошқа кўшни мамлакатлар маданиятига ижобий таъсир ўтказди.

М.а. III – II минг йилликлардаги давлат уюшмалари - Тавр тоғларидан ва Фрот дарёсининг ўрта оқимининг Мисргача бўлган Шарқий ўртаер денгизи қирғоғи ҳудуди ва Сурияни қадимда юнонлар Финикия ва Фаластин деб номладилар. Қадимда бу ҳудуднинг катта қисмини Ханаан деб аталган денгиз қирғоғи ташкил этарди.

М.а. IV минг йиллик охирида Шарқий ўртаер денгизи қирғоғи жамоаларида ҳунармандчилик ва деҳқончилик ривожланади. Дастлаб шимол кейин жанубда кулолчилик чархи ва сопол куйдириш учун махсус ўчоқлар тадбиқ этила бошланди. Металлдан кенг фойдалана бошланди, ғалла, зайтун дарахти ва узум етиштира бошланган.

Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдони ривожланиши м.а. III минг йилликда шаҳар типидagi манзилгоҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўртаер денгизи қирғоқларида Библ, Угарит, Сидон ва Тир вужудга келди.

Мамлакат ичкарасида шимолий Сурияда Алалах шаҳри (м.а. IV минг йилликлар охири III минг йилликлар I ярмида), м.а. III минг йилликларда Эбла шаҳри шаклланди. М.а. III минг йилликда Фаластинда Мегиддо, Қуддус ва Лахеш шаҳарлари шаклланади. М.а. III минг йилликда Шарқий ўртаер денгизи қирғоғи аҳолиси ўз таркибига кўра хилма-хил эди.

М.а. XVIII асрда шимолий Сурияга бостириб кирган аморий қабилаларидан бири ташкил этган, бир неча шаҳар ва давлатларни бирлаштирган сиёсий бирлашма Ямхад номини олди. Дастлаб бу бирлашма қабилалар иттифоқи шаклида бўлган. У шимолда Кархемишда жанубда Оронт дарёсигача бўлган бепоён ҳудудга ҳукмронлик қилган. (тах. М.а. XVII асрнинг II ярмида) Халпа (ҳозирги Алеппо) шаҳри пойтахт вазифасини ўтади. М.а. XVII асрда Ямхад заифлашиб тушкунликка юз тутади. М.а. 1600-йиллар атрофида Ямхад давлатини хеттлар босиб оладилар.

М.а. XIII-XVII асрда Ямхаддан жануброқда бир қанча шаҳарларни бирлаштирган қудратли гиксослар иттифоқи вужудга келади. Зарбдор қисм

жанг аравалари бўлган кўшинга эга бўлган гиксослар ўз ҳокимиятларини Мисрда ўрнатдилар, Фаластин ва Сурияда ҳам эгалик қилдилар. Гиксослар иттифоқига Кадеш ва Мегиддо шаҳарлари ҳам киради. Гиксослар давлати курама бўлиб, унга семит қабилалари етакчи ўрин эгаллаб, бу давлат бирлашмасига хуррит ва хетт қабилалари кўшилдилар.

М.а. VIII аср ўрталарида Осурия Дамашқ ва Исроил давлатларини тор-мор қилади. Тир-Сидон подшолигининг катта қисми Осурия томонидан босиб олиниб, тобе ҳудудга айлантирилади. Осуриянинг ғарбий қисмига скифларнинг хужуми Шарқий ўртаер денгизи қирғоғида Осурия ҳукмронлигига чек қўяди. Осуриянинг ҳалокатидан кейин Шарқий ўртаер денгизи Миср ва Бобил ўртасидаги рақобат майдонига айланади. Миср ва Бобил ўртасидаги рақобат охир-оқибатда м.а. 587-йилда Яхудияни ҳалокати, яхудийларнинг Месопотамияга асир қилиниб олиб кетилиши, бутун Шарқий Ўртаер денгизини Бобилга тобе бўлиши билан яқунланади. М.а. 539-йилда ахамонийлар томонидан Бобилни босиб олиниши билан бу ҳудудда форслар ҳукмронлиги ўрнатилади.

Шарқий ўртаер денгизи ҳудудининг энг катта ютуғи алифболи ёзувнинг яратилиши эди. М.а. XV-XII асрлардаёқ Угаритда ўттиз белгили миҳхат алифбоси қўлланилган. Финикия алифбоси янада такомиллашган тизим бўлиб, юнонлар томонидан қабул қилиниб, кейинчалик барча замонавий алфавитларга асос бўлди.

Шарқий Ўртаер денгизи худолар пантеони табиат кучларини акс эттиради. Ҳар бир шаҳарни ўз ҳомий маъбудиди бор эди. Фаластинда м.а. VIII-VI асрларда монотеистик таълимот кенг тарқалди. Яхудияда вужудга келган монотеистик таълимот Яхвани ягона худо деб эълон қилади. Яхудо дини инсоният тарихидаги биринчи яқка худоликка асосланган диндир.

## **5 МАВЗУ: ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРДА ЭРОН РЕЖА:**

- 1. Қадимги Эрон худуди ва аҳолиси.**
- 2. Қадимги Эрон маданиятининг жаҳон маъданиятида тутган ўрни.**
- 3. Эронда илк давлатчилик. Қадимги Элам ва Мидия давлатларининг ташкил топиши ва тараққиёти.**
- 4. Ахамонийлар давлати.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** «Эрон», «Арийанам», Суза I, касситлар, Гудеа, мадай, “ Империя, сатрапликлар , ( др. иран. хшатрапаван ), топархия, Дарик 8,4 грамм.т.з., сикль 5,6 грамм.с.к., курташлар, гарда.

Эрон Яқин ва Ўрта Шарқдаги қадимий маданият ёдгорликларга эга ва табиий ресурсларга бой йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Эрон территорияси 1648 минг кв. км. Денгиз сатҳидан ўртача 1000-1200м тепаликда жойлашган.

Территориянинг катталиги жихатидан Осиёда Хитой ва Ҳиндистондан кейин туради. Эрон иқлими ўзининг жуда қуруқлиги билан ажралиб турди. Шунинг учун ҳам ишлов бериладиган ерларнинг кўп қисмига сунъий суғориш орқали сув берилади. Ер ости бойликларига бой. Айниқса, нефтга бой. Капиталистик дунёдаги Ўрта Шарқдаги нефт захираларининг 25% ташкил қилади.

Бундан ташқари мамлакатда табиий газ, темир ва мис рудалари, кўрғошин, цинк ва рангли металлларга, тошкўмирга, тилла, кумуш, феруза ва бошқаларга бойдир.

Милоддан аввалги XII аср бошида эламликларнинг янги босқинчилик даври бошланди. Улар Дажла дарёси воҳаси вилоятларини ва Эшкуппа шаҳрини босиб олишади. Шу улкадан Эрон орқали муҳим қарвон йуллари утар эди. Эламликлар хатто Бобил шимолида жойлашган Сиппар, Бобил ва Ичинур шаҳарларини босиб олишга эришган.

Бу галабалар Бобилда касситлар ҳукмдорлигига чек қуйди. Элам давлати гуллаб-яшнаган давр шох, Шильхакиншушинак ҳукмронлигига тугри келади. Бу шох, Элам ерларини анча кенгайтириб, Загрос тоғлари ва унинг шарқий ерларини, Оссурияга бостириб кириб, шарқий Оссуриядаги Эхаппате шаҳрини ҳам истило қилади.

Милоддан аввалги XII асрда Навоҳудоносор I тарафидан Элам кушини мағлуб этилгач, \амда Бобилга Оссурия шох, и Тиглатпаласар I зарба берганидан сунг икки давлач-' - Элам ва Бобил инкирозга юз тутди. Эламда мах, аллий зодагонларнинг ҳокимияти тикланди. Аммо бу мамлакатда милоддан аввалги I-мингинчи йилликда барқарор ва марказлашган давлат булмай, шохлар ҳокимияти анча заиф булган.

Шумернинг жанговар кабилалар билан тукнашувлари, шубҳасиз, қадим замонларда руй берган. Лагаш ҳукмдорларининг милоддан аввалги XXV асрдаги ёзувлари пайдо булган вақтдан бошлаб бу урушлар тугрисида маълумотлар мавжуд. Элам уз ғарбий кушниси - Икки дарё воҳаси билан яқин алоқада эди. Милоддан аввалги XXIV-XXIII асрларда Сузи АККОД давлати таркибига киритилиб, натижада Икки дарё маданиятининг Эламга таъсири анча кучайди. Ур III сулоласи шохлари даврида Элам яна Икки дарё ҳукмронлигида қолиб, сулоланинг энг забардаст вакили Шульги Сузида "Сузи худоси ва ҳукмдори", яъни Кутик -Иншушинак шарафига макбара куради.

Ур давлати кучсизланган вақтда Элам ҳукмдорлари уз мустамлакачиларини тор -мор қилишга муяссар булдилар. Бу воқеалар шох Кутирнаххунт даврида рун беради

Милоддан аввалги 2024 йилда Кутирнаххунт Урни босиб олиб, вайронага айлантирган, Элам бундан сал аввалроқ Фрот оқимининг урта қисмидаги Мари манзилгоҳ,ида жойлашиб олади. Амореялар томонидан берилган зарбалар натижасида Ур III сулоласи барпо этган давлат кулади. **Мидия маданияти.** Эрон ясситекислигида ташкил топган қадимги давлатлар ичидан озми - купми аниқ маълумотга эгамиз, фақат Мидия салтанати хақида. Мидия шохлиги ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбий ва ҳозирги Озарбайжон худудида

жойлашган эди. Шаркшунос олим В.И. Авдиев "Кадимги Шарк тарихи" асарида Мидия Загроснинг тоғли улкаларида ва ундан Шаркда жойлашган хосилдор ерлардаги худудни эгаллайди деб ёзади. Оссур ёзувларида милоддан аввалги IX асрда мадай кабилалари хакида ҳам айтилиб, улар оссурияликлар билан шиддатли жанглар олиб борганлиги хакида сузланади. Оссурияликлар билан мадайлар уртасида савдо-сотик алокалари асосида Мидияга оссур -бобил маданияти элементлари кириб келганлиги аниқланган.

Мидия хакидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги X - IX асрларга оид булиб, унга кура махаллий халк чорвачилик билан ҳам кучма, ҳам утроклашган тарзда шугулланганликлари маълум. Шу билан бирга, улар де. \кончилик ҳам қилганлар. Мидия шохлигида бу даврда ривожланган синфий давлат булмай, балки бир нечта кабилалар бирлашмасидан (конфедерация) иборат эди. Геродот асарларида улар олти кабиладан ташкил топганлиги эслатилади. Муаллиф улардан туртасини "номадлар" деб атади.

Ўзининг социал-экономик уклади бўйича Ахмонийлар даври ола-була аралашмани кўрсатади. Унга Кичик Осиё, Элам, Вавилон, Сирия, Финикия ва Миср областлари кирган, бу областлар форс империяси ташкил топмасдан олдин ўзининг ривожланган давлат институтларига эга эди. Бу санаб ўтилган иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ташқари форслар яна кўчманчи араблар, скифлар ва бошқа кабилалар ҳам ўз хукмронлиги остида бўйсундирган.

Шунинг учун форсларга қарам бўлган мамлакатлар устидан хукмронлик қилиш системасини тузишда улар кўп қийинчиликларга дуч келган. Лекин улардан илгари хукмронлик қилган мисрлик ассириялик ва вавилонлик шохлардан, Ахмонийлар қарам мамлакатлар устидан хукмронликни юрғатишда катта ютуқларга эришганлар. Кайхисрав билан Қўмбиз, Вавилонда Мисрда ва Кичик Осиёда ичдан бошқаришни сақлаб қолган ҳеч қандай ўзгаришсиз қарам халқларга махаллий бошқаришни топширганлар.

Бироқ мил.ав. 522-521 йилдаги қўзғолон Ахамонийлар хукмронлиги мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Ғоятда кенг территорияни ўз ичига олган Эрон империяси бирлигини сақлаш жуда чўзилиб кетган, чегараларни кўриқлаш ва мамлакат ичидаги қўзғолонларни бостириш учун кўшин ва умуман бутун, ҳарбий ишларни ташкил қилиш зарур бўлган. Тинчлик вақтида доимий кўшин Эронлилар билан мидияли отрядлардан иборат бўлиб, улар асосий гарнизонларни ташкил қилган. Шох гвардияси доимий армиянинг ядроси бўлиб, у отлик аристократлари билан 10 минг кишилиқ «ўлмас» пиёдалардан иборат бўлган. Эрон шохининг 10 минг кишилиқ шахсий соқчилари бўлган. Уруш вақтида бутун давлат тупроғидан халқ лашкари тўпланган, шу билан бирга, айрим ўлкалар муайян миқдорда жангчилар юборишлари лозим бўлган. Армияни ва бутун ҳарбий ишни қайтадан қуриш соҳасида Доро бошлаб берган иш Эрон давлатининг ҳарбий қудратини оширишга юрдам берган. Грек тарихчиси Ксенофонт қадимги Эронда ҳарбий ишлар ғоят юксак даражада ташкил этилган эди, деб уни бир мунча идеаллаштириб тасвирлайди. Бирқанча ўлкаларни бирлаштирган катта-катта



харбий округлар тузилиши харбий ишни ва асосан харбий идорани марказлаштиришда жуда катта ахамиятга эга бўлган.

Эрон давлатини ички томондан мустахкамлаш учун маҳаллий бошқарманинг мунтазам бир системасини ташкил қилиш зарур бўлган. Кайхисрав замонидаёқ бўйсундирилган мамлакатлардан катта-катта ўлкалар, (вилоятлар) барпо қилинган ва бу ўлкаларни алоҳида хоқимлар идора қилган. Бу хоқимларни греклар сатроп деб атаган. (сатроп сўзи форсча «хишатранавон»-«мамлакат мутасаддилари» деган сўздан олинган.) Бу сатроплар шохнинг ўзига хос ноиблари бўлиб, улар ўз ўлкаларидаги бутун идора ишларини ўз қўлларида тартиб ўрнатиб улардаги кўзғолонларни бостириб турганлар. Сатроплар маҳаллий судга ҳам бошлиқ бўлиб, улар жиноий ва граждандлик юрисдикциясига эга бўлганлар. Сатроплар ўлкадаги қўшинга қўмондонлик қилган харбий таъминот ишларини олиб борган ва улар ҳатто шахсий гвардия тутиш ҳуқуқига эга бўлган. Қўл остидаги аҳолидан солиқ йиғиш, янгидан-янги солиқлар ўйлаб топиш ва солиқлардан тушган ҳамма нарсани шох хазинасига топшириш вазифаси сатроплар қўлида бўлган. Бундан ташқари, ўлканинг хўжалик ҳаётини, жумладан, ундаги дехқончилик ишларининг ривожланишини ҳам сатроплар кузатиб борган. Дехқончиликнинг ривожлантиришни Эронлилар хўжаликнинг энг муҳим турларидан бири деб билганлар.

Харбийлар Элефантинада ўз оиласи билан яшаган. Харбий қўшинлар юз кишидан иборат бўлиб бўлинадди, улар ўз командирлари номи билан атаган. Қўшинларнинг бошида форс билан вавилонликлар турган.

Гарнизон Командирининг резиденцияси Сиэнада (ҳозирги Асуанада) жойлашган, бу ерда яна граждандларнинг бошқармаси ва суд маҳкамаси, Мисрнинг жанубий административ округи жойлашган.

Доро I вақтида форслар денгизда ҳам ўз ҳукмронлик ролини ўйнаган. Денгиздаги жанглари Аҳмонийлар Миср флоти-финикия кемаларининг, Кипрликлар, Эгей оролининг аҳолиси ва бошқа денгиз халқлари ёрдамида олиб бориларди. Саклар билан форсларни матрослар ўрнида ишлатганлар. Флотдаги юқори лавозимларда кўпинча мисрликлар эгаллаган.

Доронинг ўлими Аҳмонийлар ҳукмронлигининг энг нотинч вақтига тўғри келади. Грекларга қилинган биринчи юриш муваффақиятсиз чиқади, Мисрда кўзғолон бошланади. Тахт ворислигига бўлган қатий интизомнинг йўқлиги ҳам вазиятни оғирлаштиради.

Доронинг бошқа ўғилларининг қаршилигига қарамай Ксеркс шох қилиб тайинланади. Энг шохни олдида бир қанча масалалар туради, бу масалаларни ечмасдан туриб у давлатни бошқара олмас эди. Биринчи бўлиб Мисрдаги кўзғолонни бостириш керак бўлади. Э.а. 484 йилда Ксеркс кўзғолонни бостиради ва Мисрнинг сатрапи қилиб ўзининг тутинган акаси Ахаменни тайинлайди.

Ундан кейин, Грецияни босиб олиш учун янгидан юришни тайёрлаш керак эди. Ксеркс Хашсидика ярим ороли устидан канал қаздиришни буюради, чунки илгаригидек фоасларнинг флоти бўрон ва қаттиқ шамолнинг

қурбони бўлишни олдини олиш керак эди. Қурукликдаги армиянинг Европага Гелеспант яқинига юбориш учун иккита кўприк қурдирган.

Бу ишлар 3 йил давомида чўзилган.

Узоқ ва пухта кўрилган тайёргарликдан сўнг 480 йил бахорида Ксеркс каттагина армия бошчилигида Грецияга юришни бошлайди. Геродот бу хил қабилалардан ташкил қилинган армияни жуда кенг қилиб тарифлайди, уларнинг кийимларининию, қуролларини, командирларининг номини ва шунга ўхшаш маълумотларни келтиради.

Э.а. VII асрнинг охирида Олд Осиёдаги асосий куч эгаси Мидия ҳуқумдорлари бўлган ва у Ассирияга кучли зарба берган.

Бир қанча вақт ёки давр мобайнида Мидия Авғонистоннинг жанубий областларига ҳам ўз таъсирларини ўтказган бўлиши мумкин. Мидиянинг қадимги Шарқда бўлган ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди. Э.а. 550 йилда форсларга Аҳмонийлар сулоласининг асосчиси Куруш (Кайхисрав) охириги Мидия шохини асир олиб Мидия пойтахти Эқбатанани забт этади.

Янги сулола ўз территориясига Арея, Бактрия, Дрангиана, Арахосия ва Гандхорани киритади. Шундай қилиб, янги давлатнинг ривожланиши бошланади.

Ксеркс биринчи хужумни ўзидаёқ душман флотини йўқ қилишга ва шу билан урушни ғалаба билан тугатишга ишонган эди.

480 йилнинг 28 сентябрида грек ва форслар флоти ўртасида Саламин яқинида жанг бўлади, бу жанг 12 соат давом этади. Форсларнинг флоти тор кўлтиғда сиқилиб қолиб кемалар бир-бирига халақит беради. Греклар жангда тўла ғалаба эришиб, форс флотининг каттагина қисми яксон қилинади. Ксеркс армиянинг бир қисми билан Кичик Осиёга қайтишга қарор қилиб ва кейин Сардга йўл олади. Фессалияда у кўмондон Мардонийни кўшинлари билан қолдиради. Мардоний Фессалияда қишлаб ва 479 й. Армияни қайтадан тиклаши керак эди.

Мардоний Афиналиклар билан сенарот сулҳ тузишга ҳаракат қилади, лекин афиналиклар бунга кўнмайди. 479 йилнинг кузида Кичик Осиё қирғоқларида каттагина денгизда кураш бўлади. Жанг вақтида форслар бутунлай мағлубиятга учрайдилар. Бу эса Кичик Осиёдаги грек шаҳарларининг ҳар томондан форсларга қарши кўзғолон қилиши учун сигнал бўлган. Грекларнинг ғалабаси форсларнинг Грецияни истило қилиш фикридан қайтишга мажбур қилган.

465 йил Ксеркс ва унинг катта ўғли Доро кўзғолончилар томонидан ўлдирилади. Тахтга Ксеркснинг ўғли Артаксеркс I ўтиради. Шундан кейин оз вақт ўтгач Бактрия сатрапи Виштаспа томонидан кўзғолон кўтарилади. Бу кўзғолон тезда бостирилади. Тахт ворисларининг кўзғолонларидан эҳтиёт бўлиб Артаксеркс I ўзининг ҳамма акаларини йўқ қилишни буюради.

460й. Мисрликлар Инар бошчилигида кўзғолон кўтардилар ва Дельта бўйида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Афиналиклар буғдой олиш мақсадида кўзғолончиларга ўз флотини ёрдамга юбордилар. Пашпремис ёнида бўлган жангда форслар мағлубиятга учрайдилар ва Миср сатрапи Ахемен бу

жангда халок бўлади. Қўзғолончилар Артаксерксни мазах қилиб Ахеменни жасадини унга юбордилар, чунки у Ахеменни жияни бўлган. Форс флотини бошқарган Сирия сатрапи Мегабиз грек кемалари устидан ғалаба қозонади. Шундан сўнг Мегабиз Сирияга қайтади, Миср страпи қилиб Аршаманни тайинлашади. У катта куч тўплаб миср қўзғолончиларига қарши курашади. Форслар Спартани Афиналикларга қарши қилиб қўяди ва афиналиклар мисрликларга ёрдам беришга ожизлик қилади. Инар ва унинг бошқа қўзғолончилари 454й қўлга олинадилар ва Форсга келтириб уларни оқишга буюради.

Сўнг Сириялик сатрап форс аслзодаларидан бўлган Мегабиз қўзғолон кўтаради. Артаксеркс бу қўзғолонни ҳам бостиради. Мисрдаги қўзғолон бостирилгандан сўнг Афиналик (Спарта) билан харбий иттифоқ тузади. Бу иттифоқ форсларга қарши қилинган иттифоқ бўлади. Афинанинг кучга тўлган пайти хукмронлиги форсларни Эгей денгизидан сиқиб чиқара бошлайди ва Артаксеркс I га улар билан тинчлик сулхи тузишга тўғри келади. 449 йилда Сузага афина томонидан посол бўлиб Каллий келади ва машҳур «Каллий сулхи»га биноан форслар кичик Осиёдаги грек шаҳарларини устидан игемониялик қилишдан воз кечади.

Форслар харбий қўшинларини Фарбда жойлашган Гелис денгизига юбормаслик ваъда берадилар, ўз навбатида афиналиклар ҳам Кипрни ташлаб чиқадилар.

Ахмоний замонига оид қадимги Эрон тилидаги михсимон ёзув, Эрон ва Ўрта Осиё территориясида бадий расмлар қолдиқлар баъзи-бир маълумот Эрон ва Ўрта Осиё халқларини энг қадимги динини жуда умумий тарздагина тасаввур қилишга имкон беради, холос. Қадимги ривоятлар асосида ёзилган . "Авеста"ба'зибир энг қадимги қисмлариигина масалан "Гата" (муқаддас кушиқлар) Ахмонийлар давригача ва хатто ундан ҳам олдинроқ замонларига оид бўлган қадимги диний тасаввурларини акс этиради.

А. Македонский бошчилигидаги греклар э.а. 330 йилда Форснинг бош шаҳарларидан Суз, Персеполь ва Эқбатанани ва уларнинг кетидан бутун ахмонийлар давлатини қўлга киритади.

Фарбий Эронни А.Македонский осонлик билан олган бўлса ҳам, Шарқда у каттагина қаршиликка учрайди ва бу қашилик 3 йилга чўзилади. Македонияликларнинг юришлари фақатгина ички процеслардангина келиб чиқмай, балки Болқон ярим оролидаги вазиятдан ҳам келиб чиқади. Ижтимоий танглик, э.а. IV асрда Грецияга ўз таъсирини ўтказади. Мана шу аҳвол грек сиёсатчилари ва идеологларини Грецияни бу аҳволдан чиқишини Шарққа юришдан кўради. Бундай фикрни амалга оширувчилар орасида публицист Исократ ҳам бўлади. Форслардан тортиб олинган ерларда Исократ фикрича Грек шаҳарлари қад кўтариши керак эди. У грекларни бирлашишига ва қийин аҳволдан чиқиш йўлига чақиради.

Аввалига бу ниятни Афиналиклар амалга оширадилар деб ўйлайди. Хаётининг сўнгги йилларида эса у Македония шохи Филип II катта умид бағишлайди. Исократнинг бу фикрни Аристотель ҳам қувватлайди, унинг

фикрича «Шарқ варварлари» табиатан эминларнинг қуллари бўлиши керак. Бу фикрнинг амалга ошишига ишониб, Ксенофонт томонидан ёзилган «ўнг минглар юриши» жанги ҳақидаги (э.а. Васр Ксеркс) Форснинг греклар билан бўлган жангдаги ҳарбий заифлигини кўрсатади. Айти вақтда Элладининг шимолида Македония шохларининг кучайиши, Грецияни ўз ҳукмронлиги остига олгани натижасида панэллин иттифоқи тузилади. (Коринорегуолигуолигу)

Э.а. 333й ёзида Искандарнинг армияси Киликиядан ўтиб Шимолий Сурияга кириб келади Бу ерда форсларнинг асосий кучи жойлашган эди, Доро III ҳам шу ерда бўлган. Исса ёнида э.а. 333йда октябрда бўлган жанг форсларнинг мағлубияти билан тугайди. Доро Европага қочади, унинг оиласи эса Искандарнинг қўлида қолади. Бу маваффақият Кичик Осиёдаги ҳукмронликнигина таъминлаб қолмай балки, бой Сурия-финикия шаҳарларига ва Мисрга йўл очади. Бу шаҳарларнинг бир қисми жангсиз Искандарга бўйсунди, баъзилари қаттиқ қаршилик кўрсатади. Айтқанда Тирни олишга кўп куч сарф қилинади. Миср сатрапи жангсиз бўйсунди. Ўртаерденгизи қирғоқларида, Нилга яқин жойда Александрия шаҳрини барпо қилади, бу шаҳар Мисрдаги янги ҳукмронларнинг марказига айланади.

#### Бобил ва Суза шаҳарларини олиш.

Искандарнинг қўшинлари Ахмонийлар ҳукмронлигидаги энг йирик марказ ҳисобланган Бобилга юради. Бу ердан иккинчи марказ Суза шаҳрини олади, Ахмонийлар давлатининг бешиги бўлган Персепольни олади.

Суза ва Нерсепольдан Ахмонийларнинг катта бойлигини эгаллайдилар.

Сўнгги Ахмонийлар шоҳи Доро Шнинг ўлиmidан сўнг Македония шоҳи ва унинг иттифоқчилари греклар олиб борган урушга чек қўйилгандек бўлади. Гиркания пойтахти Чекатошпельда грек шаҳарларининг иттифоқчиларининг кучлари қўйиб юборилади, лекин юришда иштирок этган грекларга янги юришларда иштирок этиш таклиф қилинади. Юришни давом эттириш фикри Македония армиясида қаршиликларга учрайди. Узоқ бу урушдан чарчаган аскарлар мақсадга эришилганлигини биладилар. Лекин Искандар ўзининг Ахмонийларнинг ҳуқуқий меросхўри деб билиб улар қўлга киритган сарҳадларнинг барчасига эришмоқчи бўлади. Унга Македония армиясини катта қийинчилик билан кўндириш ва юришни давом эттиришга тўғри келади.

## **7 МАВЗУ: ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

### **Режа:**

- 1. Қадимги Хитой давлатчилигининг тараққиёти**
- 2. Хитой цивилизацияси шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари.**
- 3. Қадимги Хитой маданияти**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Яншао, Луншань, Хуншань, Шан ва Чжоу даври, Чуньцю (бахор ва куз) даври, Чжаньго (курашувчи шоҳликлар) даври, Юз мактабининг рақобати даври, Конфуций

таълимоти, дао таълимоти, моизм таълимоти, легизм, Цинь давлати, Цинь Ши Хуанди, Тўнғич Хань салтанати, Кичик Хань салтанати.

Қадимги Хитой цивилизацияси тарихи м.а. Хуанхе водийсида протошаҳарлар пайдо бўлган III-II минг йилликларга бориб тақалади. Унинг якуни эса Хань империясининг кулаши билан белгиланади. Хитойнинг табиий шароити маълум маънода қадимги Хитой цивилизациясининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. М.а. I минг йилликнинг иккинчи ярмига қадар Хитойнинг бошқа цивилизациялардан узилган ҳолда ривожланганлиги ҳам бу ўринда муҳим рол ўйнади.

Хуанхе дарёси ҳавзасида маҳаллий палеолит ва мезолит маданиятлари асосида м.а. V минг йилликда Хуншань, нақшинкор сополли Яншао неолит маданиятлари шаклланди. III минг йилликда у қора сополли Луншань маданияти билан ўрин алмашди. М.а. II минг йилликда Хитойда шаҳар-давлатлар типига кирувчи илк синфий тузилмалар пайдо бўлди. Илк шаҳар маданиятлари Хэнани, Шаньси, Шэньси, Шаньдун ва бошқа ҳудудларда топилган. Уларнинг орасида Хэнандаги Аньян шаҳри районида топилган “Буюк шаҳар Шан” ажралиб турган. Шан (Инь) шаҳар давлати анчагина йирик бирлашманинг бошида турган. Шан ҳукмдори ван деб аталган. Улар ҳарбий ваколатларга ва олий қохинлик функцияларига эга бўлган. Шанликлар доимий урушлар олиб борган, ҳарбий асирлар оммавий равишда илоҳийлаштирилган аждодлар ва руҳларга қурбонлик қилинган.

М.а. II-I минг йилликлар чегараларида Шанга ғарбдан, Вэй дарёси ҳавзасидан келган чжоу қабиалари томонидан босиб олинган. Истило оқибатида чжоуликлар катта, аммо мустақкам бўлмаган давлат бирлашмаси тузганлар. У анъанавий равишда Ғарбий Чжоу деб аталади. Унинг тепасида Чжоу подшо уруғидан бўлган ва шанликлардан “ван” унвонини қабул қилган меросий ҳукмдорлар турган. Бу даврда подшоликнинг келиб чиқиши илоҳийлаштирилган. Ван Осмон Ўғли (Тянь-цзи) ва унинг ердаги дэ сеҳрли кучига эга “Ягона” тимсоли деб эълон қилинган. Ван ҳокимиятни Осмондан олган ва у Тянься – Осмон остининг ҳукмдори деб ҳисобланган. Ғарбий Чжоу давлати деспотик шаклга эга бўлмаган, ванлар ҳокимияти унинг ҳузуридаги амалдорлар кенгаши билан чекланган.

М.а. IX асрдан Ғарбий Чжоуда давлати ички сиёсий инқирозлар даври бошланди. Чжоу зодагонлари – чжухоу сепаратизмининг ўсиши билан ванларнинг ҳарбий қудрати сусайган. М.а. VIII аср бошларида шимоли-ғарбдан кириб келган кўчманчилар ҳужумининг кучайиши шароитида Ғарбий Чжоу ташқи хавфга қарши тура олмаган. Чжоуликларнинг Вэй дарёси ҳавзасидаги ерлари цюаньжунлар томонидан босиб олинган, м.а. 770 йилда Чжоу пойтахти шарққа (ҳозирги Лоян ҳудуди) кўчирилган. Энди манбаларда Шарқий Чжоу деб

атала бошлаган давлатнинг ҳудуди кескин қисқарган. Хитойда бир қанча мустақил подшоликлар пайдо бўлди. Улар орасида Хуанхеннинг ўрта оқими ва Буюк Хитой текислигидаги маданий анъаналарининг ягоналиги билан машҳур бўлган подшоликлар ажралиб турган. Бу подшоликлар мамлакатнинг анъанавий бирлигини рамзи сифатида Чжоу ванининг Осмон Ўғли сифатидаги олий ҳокимиятини расман тан олардилар.

М.а. 210 йилда Цинь Шихуанди вафотидан сўнг бошланган халқ кўзғолони Цинь сулоласини агдариб ташлади. Кўзғалон бошлиқларидан бири майда амалдор Лю Бан м.а. 202 йилда «Хан императори» унвонини қабул қилиб, Хан империясига асос солади. Бу сулола Хитойда эрамининг III асригача ҳукмронлик қилади. Хан империяси тарихи икки даврга бўлинади: Тўнғич Хан (м.а.202 йилдан – милодий 8 йилгача) ва Кичик Хан (милодий 25-220 йиллар) империяси.

Император У-Ди (м.а. 140-87 йй) бошқаруви йиллари Хан империясининг энг гуллаб - яшанаган даври эди. У-Ди марказлаштириш сиёсатини олиб боради. Конфуцийлик давлатнинг ягона мафкураси сифатида қабул қилинган. У-Ди фаол истилочилик сиёсатини олиб боради. Хитой Ҳиндистонга борадиган йўлда Юанян ва Сичуанни, м.а. 108 йилда Корея ярим оролидаги Чосон давлатини босиб олади.

У-Ди шимолда кўчманчи хуннлар ҳудудини босиб олишга ҳаракат қилади. Хуннлар билан уруш йилларида Хитой Ўрта Осиё билан биринчи алоқаларни ўрнатади. У-ди м.а. 139 йилда ўз элчиси Чжан Цянни Ўрта Осиё («Ғарбий ўлка»)га юборган, элчи ўн йилдан кейин Хитойга қайтиб келади. Хитойликлар Фарғона (Довон), Бактрия (Дася) ва Парфия (Аньси) тўғрисида билимга эга бўладилар ва бу мамлакатлар билан алоқа ўрнатдилар. Ана шу вақтда Хитой Ўрта Осиёдан узум, ловия, беда, анор ва ёнғоқ дарахти, мусиқа асбоблари, идиш-товокларни ўзлаштириб олади. Кейинчалик Хитой Ўрта Осиёдан будда динини қабул қилади.

Император У-Дининг ҳукмдорлик йиллари қадимги Хитой тарихида «олтин давр» деб ҳисобланди. Хан даврида кулларнинг сони ошди. Хусусий, давлат куллари, қарз учун кул қилинган куллар мавжуд эди. М.а. II-I асрларда халқнинг иқтисодий аҳволи яна оғирлашади, ер ва бошқа бойликлар олди-сотдиси кенг тус олади.

Милодий аср бошларида йилларида йирик амалдор Ван Ман (9-23 йй) император ҳокимиятига эга бўлиб, ер эгалиги ва кулдорлик муносабатларида ислохот ўтказди. Бу вақтда деҳқонларнинг ерсизланиши кучайиб, катта-катта ер майдонлари алоҳида кулларда тўпланиб қолган эди. Ван Ман барча ерларни император мулки деб эълон қилиб, ерни сотишни таъқиқлайди. Кул савдоси ҳам таъқиқланади, аммо бу ислохотлар амалга ошмайди. Мамлакатнинг

ижтимоий–иқтисодий ҳаёти тобора тушкунликка юз тута боради. 18 йилда бошланган “Қизил қошлилар” қўзғалони туфайли Ван Ман ҳалок бўлди.

Кичик Хан империяси давридаги тараққиёт замирида чуқур зиддиятлар яширин эди. Империядаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз шароитида 184 йилда Қадимги Хитой тарихидаги энг йирик қўзғалон – “Сариқ рўмолликлар” қўзғалони бошланиб кетди. Қўзғалон бостирилди, аммо ички зиддиятлар туфайли заифлашган Хитой 220 йилда уч мустақил давлат Вей, Шу ва У га бўлиниб кетади.

Қадимги Хитой мифологияси тўғрисидаги манбалар асосан м.а. XI асрга оид. Бу афсоналар мазмунига кўра космогоник мифлар ичида илк, тартибсиз ҳолатдан табиат ва инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги асосий концепсия, бўлиниш ва айланиш берилган. Улардан биринчиси жонсиз ва тирик мавжудотлар тартибсизлиги, икки илк унсур (эркак)нинг бошланиши Ян ва қоронғулик (аёл) нинг бошланиши - Ин пайдо бўлган. Иккинчи концепсия барча мавжудотларнинг пайдо бўлиши бу трансформация натижасидир деб тушунтиради.

Табиат кучлари ва улардан одамларни қутқарган қаҳрамонлар тўғрисида афсоналар кўпчиликни ташкил қилади. Тошқин ва қурғоқчилик ҳодисалари афсоналарда кўп тилга олинади.

Илк Хитой ёзувининг энг қадимги ёдгорликлари м.а. XIV-XI асрларга оид фол кўриш ёзувларидир. Ин ёзувларининг кўпчилик қисми буюмлар тасвиридир. Ин белгилари буюмлар тасвири ёки мураккаб тушунчаларни ифодалайдиган кўпгина тасвирлар қўшилмаси - идеограмма кўринишидадир.

Ин белгиларининг ҳозирги Хитой иероглифларидан 3 хил фарқли томони бор. Биринчидан, ҳар бир элементар белги қандайдир буюмнинг контурини тасвирлаган, иккинчидан бир белгилини ёзилишида кўп хилма-хиллик мавжуд. Учинчидан белгини қаторнинг нисбий йўналишига томон ҳаракати ҳали барқарор бўлмаган. Ин ёзувининг м.а. I минг йилликда Чжоулар томонидан ўзлаштирилиши, унинг тараққиётини узиб қўймади. М.а. II-I минг йилликларда иероглифларнинг маҳаллий вариантлари унификация қилинди, белгиларни ёзишнинг янги ҳуснихати пайдо бўлди.

Қадимги Хитойда одатда юпқа ёғоч ёки бамбук тахтачаларига ёзилган. Тушли мўйқалам билан ёзув ана шу тахтачаларга туширилган ва ёзувлар металл пичоқ билан тозаланган. М.а. I минг йилликнинг ўрталарида ипак матога ҳам ёзилган. Янги эра бошида қоғоз кашф қилиниб ишлатила бошланди ва қоғоз бошқа материалларни сиқиб чиқарди.

Чжаньго даври анъанавий равишда Хитой маънавий маданияти тарихида классик давр ҳисобланади. Манбаларда таъкидланганидек “Юз мактаб рақобати” даври бўлган бу даврда қадимги Хитойнинг асосий таълимотлари:

конфуцийлик, легизм, даосизм вужудга келди. Конфуций (Кун-сизе м.а. 551-479-йиллар) таълимоти бўйича инсон табиатан эзгулик хислатига эга ва ўз бурчини сидқидилдан ўташга тайёр. Конфуций барча ижтимоий муносабатлар учун оилани намуна ҳисоблайди. Оилада катталар кичикларга ғамхўрлик қиладилар ва уларни тарбиялайдилар, кичиклар уларни ҳурмат қиладилар ва уларга бўйсундилар. Давлатга халқ фарзандлар ўрнида, ҳукмдор ота ўрнида бўлади, ҳукмдор ўз шахсий манфаати эмас халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Энг қадимги Хитой шеърятини намуналари м.а. XI-VI асрларда жез кўзалардаги ёзувларда етиб келган. “Кўшиқлар китоби” қадимги Хитой адабиётининг ҳақиқий хазинасидир. Бу ёдгорлик 4 бўлимга бўлинган («Подшолик ахлоқи», «Кичик одалар», «Буюк одалар», «Мадҳиялар») 305 поэтик асарлар мажмуасидан иборат.

Қадимги Хитойда илмий билимлар, айниқса, математика ривожланган. М.а. II асрда тўққиз китобдан иборат «Математика» трактати тузилди. Математика билан ёнма-ён астрономия фани ҳам ривожланди. М.а. 104-йилда бир йил 365,25 кунга тенглиги ҳисоблаб чиқилди ва календар ишлаб чиқилди. Қадимги Хитойда тиббиёт соҳасида катта ютуқларга эришилди. М.а. III асрда Хитой врачлари игна билан даволашни кашф қилганлар. Табиблар 52 касалликни даволашни билганлар, 280 даволаш усулини қўллаганлар.

## **8 МАВЗУ: ҲИНДИСТОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Қадимги Ҳиндистон цивилизациясининг вужудга келиш омиллари**
- 2. Ҳинд цивилизациясининг тараққиёт босқичлари.**
- 3. Қадимги ҳинд маданияти ва унинг тараққиёти.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Мохенждаро, Хараппа, орийлар, “Веда даври”, “Будда даври”, Маурия давлати, Кушон ва Гупта салтанатлари, “Ведалар”, индуизм, Бхагават – Гита, буддизм.

Жанубий Осиёда энг қадимги бўлган ҳинд цивилизацияси м.а. III минг йилликлардаёқ, ибтидоий-жамоа тузумининг емирилиши ва синфий жамиятнинг юзага келиши даврида асосан Ҳиндистоннинг шимолий қисмида, Ҳинд дарёси водийсида (ҳозир асосан Покистон ҳудудида, тахминан м.а. XXII-XVI асрлар) шакллана бошлаган.

Қадимги Ҳинд цивилизацияси тарихини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Энг қадимги Ҳинд цивилизацияси. Бу давр тахминан м.а. XXIII-XVIII асрлар билан белгиланади. (Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши).
2. «Веда» даври. М.а. XIII-VII асрлар. Шимолий Ҳиндистонда илк давлатларнинг юзага келиши.



3. «Будда даври». М.а. VI-III асрлар. Бу давр буддавийлик динининг пайдо бўлиши ва тарқалиши, умумҳинд давлатининг ташкил топиши билан характерланади.

4. «Классик давр». М.а. II асрдан эрамизнинг V асригача. Жанубий Осиё мамлакатларининг иқтисодиёти ва маданиятини гуллаб-яшнаган даври.

Ҳинд дарёсининг ғарбида м.а. VII-VI минг вужудга келган Мохенждаро ва Хараппа маданияти м.а. 2 минг йилликнинг ўрталарида, Ҳинд водийсига ғарбдан ривожланишда пастки поғонада турган орийлар қабилаларининг бостириб кириши натижасида ҳалок бўлди.

Ҳар бир қатлам эпик тоифалар – варна (сўзма-сўз “нав”) га айланади. Ҳар бир варна (каста) вакилининг меросий мавқеи уларнинг машғулоти ва диний мажбуриятларини белгилаган. Қоҳинлик ва ўқитувчилик мажбурияти брахманларга, жанг қилиш ва бошқариш кшатрийларга, вайшийларга меҳнат қилиш, шудраларга уч олий варналарга сўзсиз хизмат қилиш мажбурияти юклатилган. Бу тоифавий мавқе мерос бўлиб ўтган.

М. а. VI-III асрлар, “Будда даври” да шимолий Ҳиндистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларида кескин ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар тўғрисида археологик ва ёзма манбалар айниқса, будда манбалари бой маълумот беради.

Бу даврда шаҳарлар аҳолисининг сони кескин ошади. Товар – пул муносабатларининг ўсиши натижасида эр. авв. I минг йиллик ўрталарида танга пул зарб қилина бошлайди.

Қишлоқда оила етакчи ўрин тутган. Оила бошлиғи ота ер-чорвани оила номидан бошқарган. Аёллар хурмат қилинсада, лекин мулк ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Патриархал оилада бир неча авлод яшаган. Хусусий мулкчиликнинг ривожланиши мулкий тенгсизликка олиб келган.

М.а. I минг йиллик ўрталарида ҳоким (рожа) лар давлат бошқарувида шаклланаётган маъмурий аппарат ва хизматга тортилаётган аслзода бўлмаган кишиларга таянганлар. Ҳоким учун асосий таянч куч кўшин эди. Армияда енгил жанг аравалари ўрнини оғир квадригалар эгаллайди, отлик кўшинлардан кенг фойдаланилди, жанговар филлардан кўшин тузила бошланади.

М.а. I минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда йирик давлатлар пайдо бўлади. Уларнинг кўпчилигида алоҳида сулолалар, фақат айримларида олигархия ҳукмрон эди. Магадха ва Кошала Ганг дарёсининг қуйи оқимида, Ганг ва Ямун оралиғида Ватса, Аванти давлатлари ўртасида етакчилик учун кураш олиб бордилар. М.а. IV асрда Магадха давлати кучли таъсирга эга бўлади ва юз йил ўтгач у биринчи умумҳинд давлатига асос солади.

Шимолий Ҳиндистонда Панжобдан то Бенгалиягача бўлган ерлар Маурия уруғидан бўлган Магадхалик зодагон Чандрагупта (м.а. 317-йил ҳокимиятни эгаллаган) томонидан бўйсундирилади. Унинг вориси даврида Мауриялар ҳокимияти Декан худудигача етиб боради. Ашока (м.а. 264-231-йиллар) даврида Мауриялар давлати гуллаб-яшнади.

Подшо ҳокимияти пойтахтда олий мансабларни эгаллаган зодагонлар ва подшо қариндошларидан тузилган подшо кенгаши билан чекланган. Ўз

навбатида подшолар ҳам уруғ зодагонлари кшатрийларнинг имтиёзларини чеклашга, уларни ўз тарафдорлари билан алмаштиришга ҳаракат қилади.

Ҳиндистондаги барча давлатларнинг ҳукмдорлари ноанъанавий динларга, асосан будда динига ҳомийлик қилганлар. Маурийлар будда дини тарғиботига жиддий эътибор берганлар. Турли мамлакатларга будда ғояларини тарғиб қилиш учун миссионерлар юборилган. Айниқса, Ҳиндистон билан яқин алоқа бўлган вилоятларда будда таълимоти тез қабул қилинади.

М.а. IV-III асрларда секин-аста умумҳинд давлати ташкил топа бошлайди. Бу бутун жанубий Осиёнинг барча ҳудудларининг цивилизациялашувида муҳим рол ўйнаган. М.а. II аср бошларида бу сиёсий бирлашма парчаланиб кетади, лекин у тўғрисида хотира қолди. Ашокиа капителидаги тўрт шер ҳозирги кунда Ҳиндистон Республикасининг миллий рамзи ҳисобланади. Маданий бирлик, давлат пайдо бўлади.

Классик давр (м.а. II асрдан- милодий V асргача) бошларида Мауриларнинг сўнгги вакили ҳукмронлиги тугаб, шу вақтдан мамлакатда узоқ сиёсий тушкунлик бошланди. Шимолий-ғарбий Ҳиндистонда юнон-бактрияликлар пайдо бўлди ва улар Гандхарада ўрнашиб қолдилар. М.а. I асрларда сак қабилалари кириб келиб, шимолий-ғарбда бир неча давлатларни барпо қиладилар. Сак подшолари ўзларини «буюк подшолар подшоси» деб атайдилар. Йирик давлат бирлашмаларида ноиблик, сатрапликлар жорий қилиниб, ҳудудларда сатрап (кшатрап) анча мустақил бўлган.

Эрамизнинг бошларида шимолий-ғарбий Эроннинг баъзи вилоятлари парфияликларга бўйсунди. Эрамизнинг I асрида Марказий Осиёда Кушон давлати етакчи рол ўйнайди. Кушонлар Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмида ўрнашиб оладилар.

Эрамизнинг IV-V асрларида Магадха Гупта сулоласи ҳукмронлиги остида яна ривожлана бошлади. IV аср ўрталарида Самудрагупта (335-380-йиллар) даврида Магадха қудратли давлатга айланади. Самудрагупта Шимолий Ҳиндистонда унга яқин давлатчаларни, Деканда ўн беш давлатчани тугатади. Декан вилояти ғолибона юришга қарамасдан Гупта давлати таркибига кирмайди. Чандрагупта II (380-445 йиллар даврида) Гупта давлати гуллаб-яшнади. Унинг даври ҳинд тарихининг “олтин даври” ҳисобланади. Унинг ворислари даврида ўзаро урушлар кучайиб кетади. Ўрта Осиёдан келган эфталитлар V асрда Гупта давлатини кулатди. V асрда шимолий Ҳиндистон кичик давлатчаларга бўлиниб кетади.

Декан мамлакатлари тарихида Сатавахан сулоласи алоҳида ўрин тутаяди. Эрамизнинг иккинчи асрида Сатаваханлар давлати ўз тараққиётининг юқори чўққисига чиқади. Унинг асосий марказлари ғарбий Деканда эди. III асрда бу давлат парчаланиб кетади.

Қадимги Ҳиндистоннинг кўпгина асарлари ҳозиргача ҳиндуизм ва буддизмнинг муқаддас китоблари ҳисобланади. Ёзма манбалар бизгача жуда кўплаб етиб келган. Санскрит тилини ўрганиш қадимги тил грамматик асарларига, асосан Панини грамматикасига (м.а. IV аср) асосланади. Адабиёт

асосан диний мадҳиялар (Ригведа” ва бошқа Ведалар) ритуал шарҳлар, насиҳатлар тўпламидан иборат.

Ижтимоий муносабатларни ўрганиш учун асосий манба бўлиб, диний-ахлоқий мажбурият-драхмалар («Ману қонунлари»), сиёсат санъати тўғрисидаги («Артхашастра»), муҳаббат тўғрисидаги (Камасутра) махсус трактатлардан фойдаланилади.

Тарихий воқеалар адабиётда кам тилга олинади. У кўп ҳолларда ярим афсонавий қиссаларда акс этади. Йилномалар эрамизнинг I асрларида Цейлондаги будда ибодатхоналарида тузилган ва бошқа асосан будда таълимотига оид сиёсий-ҳўжалик ҳужжатлари бўлган. Давлат ва хусусий архивлар етиб келмаган. Ҳужжатлар палма дарахти барглари, пўстлоқ ёки мато парчаси каби мўрт асосда ёзилгани учун сақланмаган.

Бизгача фақат эрамиздан аввалги III-II минг йилликларга оид ўқиш қийин бўлган Ҳинд цивилизациясига оид муҳрлардаги қисқа ёзувлар ва Ашоки даври (м.а. III аср) ёзувларигина етиб келган. Ашока эдиктлари деб аталмиш бу ёзувлар диний-ахлоқий насиҳатларни ҳамда буддизмнинг кенг ёйилишини, шунингдек Ашоканинг диний фаолиятини тасвирлайди.

Бу ерда меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъати бир-бири билан уйғунлашган ҳолда ривож топган. Адабий манбаларга кўра м.ав. биринчи минг йилликларда, бу ерда дастлабки давлат пайдо бўлган даврда шу давлатларда ажойиб, ҳашаматли ёғоч меъморчилиги раванқ топган.

Қадимги Ҳиндистон санъатининг гуллаган даври Ашока императорлиги даврида (э.ав.272-232) содир бўлди. Ашока ҳукмронлик қилган даврда буддизм кенг ёйилди. Бу дин ибодатхоналар қурилишига, тасвирий санъат намуналарининг пайдо бўлишига олиб келди. Буддага бағишланган меъморчилик композицияларида қадимги ҳинд меъморчилигида мавжуд анъаналар, халқ мифологиялари, Будда ҳаёти ва фаолияти билан кўшилиб кетган афсоналар ўз ифодасини топди.

Қадимги Ҳиндистонда қурилиш материали сифатида асосан ёғоч ишлатилган. Тош ва бронза ҳайкалтарошлиги кейинги асрлардагина пайдо бўлган. Яна шунингдек, ҳинд қадимий обидаларини ўрганиш асосан XX асрда бошланди. Фақат озгина шаҳарлар, Мохенждаро, Хараппа катта майдонларда қазиб очилган.

Кундалик ҳаётда бўладиган эҳтиёжлар ҳиндларни жуда қадимги замонлардаёқ табиатда бўладиган турли ходисаларни тартибли суратда кузатиб боришга мажбур этган. Тиббиёт, астрономия ва математика соҳасидаги дастлабки билимлар ана шу тариқа вужудга келган.

Диний-сеҳргарлик дунёқараши ҳукмронлик қилган даврда қадимги Шарқдаги бошқа халқларда бўлгани каби, қадимги ҳиндларда ҳам фаннинг бошланғич шакллари диний эътиқодлар ва тасаввурлар билан чирмашиб кетган. Шунинг учун тиббиёт фани тўғрисидаги энг қадимги маълумотлар диний “Веда” тўпламларида, жумладан, “Ригведа”да мадҳияларида ва “Атхарваведа”да сақланиб қолганини кўраимиз.

Қурбонликлар қилишнинг вақтини аниқлаш учун осмон жисмларининг ҳаракатини кузатиш талаб этиларди, бу астрономия билимларининг ривожланишига олиб келди. Мураккаб меҳроблар, диний иншоотларнинг қурилиши эса геометрия фанининг тараққиётида муҳим омил бўлди.

Вақт ўтиши билан қадимги азайимхон, бхишаж (жинларни қувловчи) гарчи ўзининг қадимги номини сақлаб қолган бўлса-да, секин-аста табибга айланади. Ведалар тузилаётган даврдаёқ ҳинд табиблари анатомиядан бир қадар хабардор бўлганлар ва баъзи анатомик атамаларни қўллаганлар. Ҳали примитив бўлган бу медицинанинг тараққий эта бориши билан, табибликнинг баъзи бир ихтисослари, чунончи, ички касалликларни, кўз касалликларини даволаш, жарроҳлик пайдо бўлади. Медицина билимларининг тўплана бориши эрамиз бошларида медицина соҳасида дастлабки трактатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Эрамизгача бўлган VIII-VII асрларда Ҳиндистонда Локайти (фақат шу локайти тан олувчи кишиларнинг қарашлари) фалсафий таълимоти шакллана бошлайди. Бу таълимот асосчиси Брихаспати ва унинг издошлари ердан бошқа тарзда ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикрни олға сурдилар.

Чарвека номи билан аталадиган қадимги ҳинд фалсафий оқими тарафдорлари эса, дунёни табиат ходисаларини қандай бўлса ўшандай тушунтирмоқ керак, деган талабни илгари сурган эдилар.

Улар нуқтаи назарича, бутун олам олов, сув, ҳаво, тупроқ йигиндисидан иборат, инсон ҳам ана шу тўрт унсур бирикмасидан ташкил топган. Чарвекалар дунёни ҳеч ким яратган эмас, балки унинг заминида моддий элементлар бирикиши ётади, деб ҳисоблайдилар.

Ҳиндлар юқори нав пўлат ишлашни ўзлаштирадилар. Металл санъатининг ноёб намунаси сифатида Сандра темир устуни (ўтган бир ярим минг йил давомида бу темир устунда бирор занг пайдо бўлмаган, бу ёдгорлик ҳозиргача етиб келган).

## **9 МАВЗУ: ЯПОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

### **РЕЖА:**

- 1. Тарихи Япония ҳудудида илк аҳолининг пайдо бўлиши.**
- 2. Япон цивилизациясида бирнчи давлатларни вужудга келиши.**
- 3. Япон цивилизациясини жаҳон тарихидаги ўрни.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** палеолит, муғул, шоли, каноп, тут, татуировка, қозикли уй, протояпон қабилалари, Ямато, протодавлат бирлашмалари, камикадзе, сёгун.

Япония ҳудудида қадимий одам излари палеолит даврига оид. тахминан мил. ав. 8000—300 йилларда неолит даври маданияти — дзёмон (идишларга битилган ипсимон нақшларга қараб номланган) мавжуд бўлган. Ўша давр моддий ёдгорликларини ўрганиш Япониянинг қадимий аҳолиси, асосан, Жанубий Шарқий Осиёдан кириб борганини кўрсатади. Мил.ав. 2-минг йиллик

мобайнида жан. мўғул типигаги қабилалар келган. Мил.ав. 1 минг йиллик арафасида Японияда асосий қисмини айнлар ташкил этган этник аҳоли таркиб топади.

Япония оролларда жойлашган бўлсада, қадимги Шарқий Осиё билан фаол алоқада бўлган. Япония оролларида эрамиздан аввалги ИИИ минг йилликда қадимги неолит маданияти тарқалган. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида япон оролларида Корея ярим ороли орқали қабилалар мигратсияси бошланган. Бу қабилалар Кюсю шимоли, Хонсю оролининг жанубида кўпгина қабрлар қолдирганлар.

Мигрантлар ўзлари билан жез қуролларини, энг муҳими суғорма шоликорлик техникасини олиб келдилар. Японияда деҳқончилик сўнгги неолит давридан маълум бўлиб, у асосан тарик, гречиха ва бир қисм курук шоликорлик бўлиб, унча катта бўлмаган хўжалик фаолиятдан иборат бўлган. Аҳоли қишлоқ бўйи балиқчилиги, теримчилик ва ов билан шуғулланган. Суғорма шоликорликни тарқалиши жиҳатдан янги хўжалик маданиятини шаклланишига олиб келади.

Эрамиздан аввалининг охири асрларида Япония ҳудудида турли хил маданий экинлардан, унсурлардан секин-аста сўнгги давр японларига тегишли ўзига хос хўжалик кўриниши шаклланади. Хитой тилидаги ёдгорликлар протояпонларни «Ва одан лари» деб атайдилар. Манбада уларнинг ижтимоий тузумида табақаланишнинг чуқурлашгани кўринади. Манбада «Халқ ичида тенгсизлик мавжуд. Бир киши иккинчисига бўйсунди» деб уқтирилади. Манбаларга кўра жамиятда зодагонлар, оддий аҳоли ва қуллар мавжуд бўлган. Қулчилик манбаларидан бири жамоада, қариндошлари кул қилиш бўлган. Жез даври Японияда кўп сонли протодавлат бирлашмалари ташкил топган вақт бўлиб, улардан энг кичиклари фақат бир неча минг «ховли»дан иборат бўлган. Шу билан бир вақтда уларнинг бир-лашуви жараёни боради, агар эрамиздан аввалги II асрда дав-латчалар сони юздан ортиқ бўлса, эрамизнинг ИИИ асрида «Вей Чжи» манбаси фақат 30 тасини эслатади. Бу «давлатлар» ҳокимият учун курашда Хан империясини қўллаб-қувватлашига умид қилиб, у билан алоқа ўрнатганлар. Қадимги Хитой хроникалари эр. ав. II асрда «Ва одамлари» Корея ярим оролидаги Хан округи амалдорларига совғалар билан келганлиги тўғрисида маълумот беради. Кейинчалик Япониядан Хан саройига элчилар кела бошлади. Эрамиздан аввалги 56-йилда Лояндаги Гуан У-ди саройида шундай элчилардан бири қабул қилиниб, унга муҳр тақдим қиладилар. Муҳрда «Ханга бўйсунувчи «Ва давлати ҳокими»» ёзуви битилган. Бу қадимги Хитойнинг Хан типигаги муҳрдир.

Эрамизнинг II асрларида Япония ҳудудида шимолий Кюсюда Ематай давлати, марказий Хонсюда Ямато номи давлат кучлироқ бўлган. Ематай маликаси 238-йилда шимолий Хитойдаги Вей империяси билан алоқа ўрнатади ва юборилган совғалар учун «Вейга дўст «Ва маликаси\*» деб ёзилган олтин муҳрини олади. Ематай давлатида маъмурий тизим шаклланган бўлиб, асосий ҳудудий бирлиги провинция бўлган. Манбада «Ҳар бир провинцияда бозор бўлиб, у ерда ҳукумат амалдори назорати остида савдо

қилинади» дейилади. Ематай ҳудудида ягона солиқ тизими жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Яна бир япон давлати Яматони бошқа япон давлатлари ўртасида алоҳида ўрин тутгани тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ямато ҳукмдорини келиб чиқиши илоҳийлаштирилган, у Қуёш маъбудаси Аматерасу авлоди ҳисобланган. Унинг ҳокимиятини муқаддас рамзи қилич, яшма безаги ва жез ойна бўлган. Япониянинг қадимги тарихини археологик даврлаштиришда ИВ—ВИИ асрлар «қўрғонлар даври» деб аталади. Бу илгари Япония учун номаълум бўлган, ИИИ аср охиридан ҳудудда пайдо бўлган дафн қилишнинг ўзига хос қабр қўрғонлари билан боғлиқ. «Қўрғонлар даври»да Япония ҳудудида жез меҳнат қуроллари билан бир вақтда темир қилич ва темирдан ясалган бошқа қуроллар кенг тарқалади. Шу билан бирга ИВ—ВИИИ асрлар маданиятини ўтган даврлар маданиятидан ажратиб турадиган яна бир хусусият мавжуд. Бу даврда суворийлик, отда юриш санъати билан боғлиқ ўзига хос анъаналар япон оролларида кириб келади.

19-аср охири — 20-аср бошларида Япониянинг ҳукмрон доиралари агрессив ташқи сиёсат тута бошлаб, 1894 йилда Кореяда қўтарилган деҳқонлар кўзголони бостириш ниқоби остида у ерга қўшин юборди ва Хитой билан бўлган уруш (1894—95) натижасида Тайван ва Пенхуледао о.ларини, русяпон уруши (1904—05) оқибатида эса Шим. Сахалинни эгаллади. Япония ва Буюк Британия ўртасида 1902, 1905 ва 1911 йилларда имзоланган шартномалар асосида ўзаро ҳамкорлик ҳарбий-сиёсий иттифоқ даражасига қўгарилди ва икки томон Корея ҳамда Хитойда ўз мавқеларини янада мустаҳкамлади. 1910 йил авг.да Япония Кореяни ўз мустамлакасига айлантirdи. Япон монополиялари Жанубий Манжурияни, кейинроқ Хитойнинг бошқа р-нларини ўз таъсир доирасига киритди.

1-жаҳон уруши бошланишидан Япония ҳукмрон доиралари Узоқ Шарқдаги ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун фойдаландилар. 1914 йил 23 авг.да Япония Олмонияга қарши уруш очди ва октябрда Олмонияга қаршли Маршалл, Мариана, Каролина о.ларини, шунингдек, Хитойнинг Шаньдун провинциясини у ерда [Олмония](#) ижарага олган ҳудуд билан бирга босиб олди. Япониянинг мустамлакачилик сиёсати кучайиб 1918—22 йилларда Узоқ Шарқдаги Россияга қаршли бир қанча ўлкаларни ишғол этиб турди. 1920 йилдан Япония иқтисодиётида тушкунлик бошланиб, у 1925 йилгача давом этди. 1925 йил 20 янв.дан Япония билан собиқ СССР ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари тўғрисида Пекин конвенцияси имзоланди. 1926 йил 25 дек.да Япония тахтига император Ҳирохито (1901—89) ўтирди. 1929—33 йилларда бўлган жаҳон иқтисодий инқирози натижасида вужудга келган ҳолатда Японияда ҳарбийфашистик диктатура ўрнатишга интилувчи ўта реакцион "ёш офитсерлар" гуруҳи фаоллашди. 1931 йил Япония Манжурияни босиб олишга киришди. 1933—36 йилларда Хитойга қарши агрессияни кучайтирди. 1936 йил 25 нояб.да Япония фашистлар Германияси билан "Антикоминтерн пакти"ни имзолади. 1937 йил июлда Хитойни босиб олиш учун уруш бошлади ва 1938 йил унинг бутун шарқий қисмини босиб олди. Япония қўшинлари шўро армияси томонидан

Ҳасан кўли ёнида (1938) ва ХалхинГол жанги (1939)да тормор келтирилгач, Япония ҳукумати Европа давлатлари ва АҚШ нинг Жанубий Шарқий Осиёдаги мустамлакаларига ҳужум қилишга ўтди. 1940 йил Ҳиндихитойнинг шим. қисмини босиб олди. Шу йил 27 сентябрда Олмония, Италия ва Япония ўртасида "Учлар пакти" имзоланди. 2-жаҳон урушида Олмония ва [Италия](#) иттифоқчиси сифатида қатнашди.

Япония — иқтисодий қудрати бўйича жаҳонда АҚШдан кейинги ўринда турадиган юксак даражада ривожланган индустриалаграр мамлакат. Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Улкан корхоналар билан бирга майда корхоналар ҳам мавжуд (айниқса, енгил ва озиқ-овқат саноатида). Япония иқтисодиёти четдан келтириладиган хом ашё ва ёқилғига асосланган. Япония жаҳон бозорига саноатнинг фанга асосланган мураккаб тармоқлари маҳсулотлари, замонавий конструкцион материаллар етказиб берувчи мамлакат. Япония жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 13% дан ортиғини ишлаб чиқариш билан бирга, йирик халқаро иқтисодий, савдо ва молия ташкилотлари ҳамда "саккизлик" давлатларида етакчи мавқега эга. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 38%, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқ овлашники 2%, хизмат кўрсатиш тармоғиники 60% ни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулоти 4,3 триллион АҚШ долларига тенг (2003). Саноатида иқтисодий фаол аҳолининг 25% банд. Энергетика, металлургия, автомобилсозлик, кемасозлик, кимё, нефт кимёси, қурилиш материаллари саноати каби таянч тармоқлар четдан олинадиган хом ашё ҳамда технологиянинг энг янги ютуқлари асосида деярли бутунлай янгидан барпо этилди. Энергетика саноати ҳам асосан, четдан келтирилган нефтга асосланган. Йилига ўртача 1,097 триллион кВтсоат электр энергия ҳосил қилинади; унинг 706,4 млрд. кВтсоати иссиқлик электр ст-яларида, 91,8 млрд. кВтсоати ГЭСларда, 295 млрд. кВтсоати атом электр ст-яларига тўғри келади (2002). 2003 йил 52 атом электр ст-яси ишлади. Япония саноатида қора ва рангли металлургия ривожланган. Кон саноатида кўмир, газ, темир ва мис рудаси, пирит, рух, кўрғошинрух, марганетс, кумуш, олтин, симоб, каолин, талк ва ҳ.к. казиб олинади. Машинасозлик ва кимё саноати юксак тараққий этган. Автомобиллар, маиший техника, электрон асбоблар, алоқа воситалари, кема, пўлат, семент, пластмасса, синтетик тола, робот ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, биотехнология мамлакат иқтисодий тараққиётининг устувор тармоқларидандир. Япония саноати 4 асосий р-н: Кейхин (Токио, Канагава), Чукё (Айчи, Мие), Ҳаншин (Осака, Ҳиого), Кита Кюшу (Фукуока)га бўлинган. Мазкур р-нларда жами саноат маҳсулотининг 40% дан ортиғи ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирида бўлиб, у юқори даражада механизатсиялашган ва автоматлаштирилган. Иқтисодий фаол аҳолининг 4,2% қ.х.да банд. Худудининг 12,9% ёки 4,8 млн. гектарида шоли (2002 йил 11 млн. т шоли етиштирилган). Шунингдек, [картошка](#), сабзавот, оз миқдорда буғдой ва дуккакли дон экинлари экилади. Мевачилик, боғдорчилик, чорбоғ хўжалиги ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчка, парранда боқилади; пиллачилик ва балиқчилик

ривожланган. Японияда 3000 дан ортиқ балиқ овлаш портлари бўлиб, дунё бўйича овланадиган балиқ ва денгиз жониворларининг 15% шу портларга тўғри келади.

## 10 МАВЗУ: ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

### РЕЖА:

1. Исломнинг вужудга келиши ва Араб халифалигининг ташкил топиши.
2. Ислом жамияти ва ижтимоий диний ҳаракатлар.
3. Араб мусулмон маданияти тараққиёти.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Ислом, “тўғри йўлдан борган” халифалар, ташқи экспансия, Уммавийлар сулоласи, Аббосийлар сулоласи, теология, фалсафа, адабиёт, шариат, мазҳаблар, муридар таълимоти, шиа мазҳаби, Махдий таълимоти, карматлар ва исмоилийлар, мутазилитлар, ашорийлар, суфийлар таълимотлари, Фотимийлар, Буидлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Алморавийлар, Алмоходлар, бобо ва беҳа таълимотлари, модернизм.

Арабларнинг ижтимоий-маданий тараққиёти VII аср бошларида араб қабилаларининг бирлашиши ва умумлашувига олиб келди. Ислом дини, бу бирлашувни мафкуравий тасдиқловчи, оқловчи бўлди: ҳамма учун баб баравар принциплар, миллатларнинг этник келиб чиқишига қарамай, дин олдида ҳамманинг ҳуқуқ тенглиги араблар олдида катта имкониятлар туғдирди.

Ислом динининг асосчиси, «Аллоҳнинг элчиси» (расулуллоҳ), Муҳаммад (с.а.в) (570-632 йй) 610 йилдан Маккада янги диний таълимотни бошлайди. 610—620 йиллар давомида Макканинг анъанавий бутпараст жамоалари билан янги дин тарафдорлари орасида тўхтовсиз кураш кетади. Бу кураш 622 йилда пайғамбаримизнинг Ясриб (Мадина) га ҳижрати билан яқунланади. Мусулмонлар жамоаси (уммат) Мадинада мустаҳкамланиб, кучайди. 630 йили Макка жангсиз Муҳаммадга (с.а.в) таслим бўлди. Макка Исломнинг диний марказига айланди. Каъба ичидаги мажусий бутлар ва санамлар тантанали равишда бузиб ташланди, у энг муқаддас саждагоҳга айлантирилди, бу ерга ҳаж қилиш Исломнинг асосий фарзларидан бири деб эълон қилинди. Бу Муҳаммад (с.а.в) жамоасининг бадавийларга нисбатан таъсирини кучайтирди ва улар ўртасида Исломни кенг ёйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Муҳаммад (с.а.в) дан сўнг чаҳориёрлари Абу Бакр Сиддиқ (568—634), Умар ибн ал-Хаттоб (634-644 йй), Усмон ибн Аффон (644—656), Али ибн Абу Толиб (656—661 йй) лар бирин кетин халифа бўлдилар ва забт этиш, ислом динини тарқатиш сиёсатини давом эттирдилар.

Дастлабки сайланган тўрт халифадан сўнг халифаликда ҳокимият Уммавийлар сулоласи қўлига ўтди. Бу сулола асосчиси йирик савдогар ва курайшийлар зодағони Абу Суфённинг ўғли, Сурия ҳокими Муовиядир. Муовия Али халифалигини тан олмай, Дамашқда ўзини халифа деб эълон



қилган. Али вафотидан кейин (661 й.) араб зодагонлари ва ҳарбий бошлиқлар ёрдамида Муовия ягона ҳукмрон-халифа бўлиб қолади. Халифалик пойтахти Мадинадан Дамашққа кўчирилди.

Аббосийлар сулоласига Муҳаммад (с.а.в) амакиси авлодларидан Абулаббос ас-Саффоҳ (749—754 йй) Аббосийлар даврида пойтахт Дамашқдан Бағдодга кўчирилди.

Араб халифалиги Арабистон яримороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган йирик феодал давлат эди. Араблар Византияга қарам бўлган Сурия, Миср, Эрон, Марказий Осиёда мавжуд ижтимоий ва сиёсий давлат тузуми, маъмурий ташкилотлар, моддий ва маънавий ҳаёт удумларини қабул қиладилар. Масалан Эрондаги Сосонийлар давлатидан марказлашган давлат идораси, феодал ишлаб чиқариш усулини қабул қиладилар.

Умавийлар даврида қатор маъмурий ҳарбий ўзгаришлар амалга оширилди: халифалик лавозими наслий меросга айлантирилди, давлат хазинаси ва давлат архиви ташкил этилди, араб тили давлат тили деб эълон қилинди, янги олтин, кумуш ва мис пуллари чиқарилди, ҳарбий-денгиз флоти ташкил этилди.

Аббосийлар даврида Олд ва Ўрта Осиёнинг шунингдек Шимолий Африканинг жуда кенг территориясида маълум вақтгача тинчлик қарор топиши натижасида халифалик иқтисодий жиҳатдан ғоят тараққий топди. Солиқ солишда ҳам эрон усулларининг ўзлаштирилди. Халифалик Эрондаги сингари маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлиниб, уларга губернатор – амирлар бошлиқ қилиб қўйилган. Араб халифалигида хўжалик ишларининг турли соҳаларига ҳам катта эътибор берилган, бу борада ҳам қисман Эрон, қисман Месопотамия анъаналаридан фойдаланди. Марказий ҳукумат ирригация тизимига муттасил эътибор бериши натижасида, бу даврда деҳқончилик соҳасида катта ютуқларга эришилди.

IX-X асрларда халифаликнинг сиёсатида кенг кўлам олган ички савдо ва айниқса ташқи халқаро савдо жуда катта ўрин тутар эди. Араб савдогарлари йироқ шимолгача – юқори Волгагача ва ҳатто Болтиқ денгизи қирғоқларигача бориб савдо қилардилар. Узоқ шарқда Хитой, Ҳиндистон ва Индонезияда доимий суратда савдо қилардилар. Араблар Яқин шарқда - Левантда, айниқса, қизғин савдо олиб бордилар.

Боғдод халифалиги даврида арабларда ер эгалиги муносабатлари узил-кесил қарор топди. Халифаликга қарашли мамлакатларда эксплуатация қилинувчи асосий синф жамоачи деҳқонлар эди. Жамоачи деҳқонларнинг кўпчилиги халифанинг ерларида яшаб, феодал рентани бевосита давлатнинг ўзига тўлар эди. Араб қонунларига мувофиқ бутун ер халифага қарашли бўлиб халифа бу ернинг бирор қисмини ўз хизматкорларига вақтинчагина берар эди. Шу туфайли халифаликда катта ер эгалигининг наслдан-наслга ўтиши ўрта аср Европасидаги каби катъий эмас эди.

Иқто-ҳарбий хизмат ўтаганлиги учун бериладиган чек ер бўлиб, Ғарбий Европа бенифецияларига ўхшаб кетади. Мулк – инъом қилинган ва аста секин

наслдан наслга мерос бўлиб ўтадиган ер мулклар, хисса ва бошқа имтиёзли ерлар ғазнага солиқ тўлашдан озод қилинган бўлиб, булар ўсиб келаётган хусусий ер эгаллигининг шакллари эди.

Араблар ҳукмронлигининг илк даврида анча енгил тортган меҳнаткаш аҳолисининг аҳволи кейинчалик оғирлаша борди. Деҳқонлар қисман натура шаклида ва қисман пул шаклида катта-катта солиқлар тўларди, бу эса майда ишлаб чиқарувчи деҳқон ёки хунарманднинг деярли ҳамма қўшимча маҳсулотларини ямлаб кетар эди-да, натижада уларнинг ўзлари жуда ачинарли кун кечирар эди. Амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва жабр зулми, деҳқонларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлиги, уларни ярим қул ҳолига солиб қўйган эди. Халифаликда қулларнинг аҳволи эса ниҳоятда оғир эди. Бунга жавобан йирик р эгаларига ва уларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи халифага қарши бир неча марта кўзғолон кўтарилди. Кенг кўлам олган халқ ҳаракатлари халифаликни ларзага келтириб кўп вақтгача унинг бирлигини бузиб қўйди.

Бироқ халифаликни парчаланишига бошқа сабаблар ҳам бор эди. Халифалик турли мамлакатларни ўз ичига олган бўлиб, турли туман халқларнинг мураккаб бир конгломератидан иборат эдики, булардан баъзилари ўтмишда ўзининг ёрқин тарихига эга эди; шунинг учун ҳам бу халқлар ўз мустақиллигини тиклашга интилар эдилар; ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий алоқалар мустаҳкамланиб борган сари бу интилиш кучайиб борарди. Шу билан бирга халифалик ҳокимияти тобора заифлашиб бормоқда эди. Халифалик ҳақиқатда VIII асрдаёқ парчалана бошган эди. 756-йилда Қурдоба амирлиги ажралиб чиққандан кейин VIII асрнинг охири IX асрда бошларида Марокаш билан Тунис ажралиб чиқди, IX асрнинг ўрталарида Миср мустақил бўлиб олди (бу ерда аввалига туманлар, кейинчалик X асрда Алининг авлодлари – Фотимийлар идора қила бошлаб, улар 969-йилдан этиборан Мисрни мустақил Қоҳира халифалигига айлантирди). IX ва X асрларда Эрон ажралиб чиқди, 945 йили Эрондаги бувайҳийлар Бағдодни эгаллаб, аббосийларни сиёсий ҳокимиятдан четлатдилар, форс тилида сўзлашувчи аҳолидан иборат катта ҳудуд мустақилликка эришди.

Моварауннаҳрда Моварауннаҳрда маҳаллий сулолалар бошчилигида Тоҳирийлар, Саффорийлар ва Сомонийлар давлати тузилди.

Шу тарзда қудратли аббосийлар халифалиги парчаланиб кета бошлади. 1055 йилда салжукий турклар Боғдод шаҳрини босиб олди, Аббосий халифа кўлида фақатгина диний ҳокимият сақланиб қолди. Энг сўнгги халифа Муътасим мўғуллар хони Хулоку томонидан 1258 йили қатл этилди. Мана шундай қилиб аббосийлар халифалиги беш аср ва умуман Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбардан кейин ташкил топган араб халифалиги 626 йил ҳукм сурди.

Илк ислом жамиятини бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Вақт ўтиши билан мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилди. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариат (араб.- тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик) - ислом диний ҳуқуқ тизимидир. Шариатга

асос қилиб Қуръон ва сунна, кейинчалик ижмоъ ва қиёс олинган. Унда соф ҳуқуқий масаллардан ташқари ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун тус берилган.

Ислом дастлабки даврда ҳеч қандай йўналиш, мазҳаб ва оқимларга бўлинмаган. Кейинчалик ислом динида ижтимоий зиддиятлар ва ҳокимият учун кураш жараёнида турли йўналишлар ва оқимлар вужудга келди. Ислом мазҳабларидан беш турини бир-биридан тафовут қилиш керак:

1) Исломдаги асосий йўналишлар. Исломда дастлаб юз берган ихтилолар натижасида диний таълимот, маросимчилик, ахлоқий-ҳуқуқий нормаларга оид бир қатор масалаларда бир-биридан фарқ қиладиган уч асосий йўналиш вужудга келган: - суннийлик, шиалик ва хорижийлар.

Суннийлик (араб. сунна— одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) ислом динидаги 2 асосий йўналишдан бири ва энг кенг тарқалгани. Жаҳондаги барча мусулмонларнинг тахминан 90 % и суннийликка мансуб. Суннийликда тўртта диний-ҳуқуқий мазҳаб (ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалийлик) мавжуд. Суннийлик исломда анъанавий эътиқод йўли деб эътироф этилиб келган.

Шиалик (араб.-гуруҳ, тарафдорлар) – ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти билан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир жаҳонда мусулмонларнинг 8 % шиаликка мансуб ҳисобланади. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. VII аср охирларига келиб Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган.

Хорижийлар (араб. - ажралиб чиққан, исёнчи) - исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида VII асрнинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Кейинчалик хорижийлар бир неча майда гуруҳларга бўлиниб кетган. Умавий ва аббосий халифалар VII-IX асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб борган.

2) Исломдаги секталар (фирқалар), моҳиятан ақидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида бир-биридан фарқланадиган диний гуруҳлар. Ислом секталарининг энг кўпи шиаликдан ажралиб чиққан, булардан қарматлар, исмоилийлар, зайдийлар, нусайрийлар, алиилоҳийлар, друзлар ва бошқалар, ҳамда улар ичидан ажралиб чиққан кўп кичик секталарни, бобийлик, баҳойлик кабиларни тилга олиш мумкин. Суннийликдан ҳам ўрта аср охирлари ва янги даврда турли секта ва оқимлар ажралиб чиққан: равшанийлар, аҳмадия, воисовчилар секталарини, ваҳҳобийлар, маҳдийлар, панисломизм каби диний-сиёсий оқимларни кўрсатиш мумкин. Масалан, замона охир бўлиши ва Имом Маҳдийнинг келиши ҳақидаги диний таълимот. Замона охир бўлганда “яширинган имом” ерга қайтиб келиб, адолатли тузум ўрнатади, деган эътиқод дастлаб шиалар ўртасида келиб чиққан. Кейинчалик бу таълимот суннийларга ҳам ўтган. Ислом мамлакатларида маҳдийлик ғояларидан айрим давлатга қарши ҳаракатларнинг раҳнамолари ҳам фойдаланган (Эрондаги бобийлик ҳаракати).

Исмоилийлар – шиалик ичида вужудга келган фирқалардан бирининг тарафдорлари. Ушбу ҳаақат VIII аср ўрталарида бошланган, X-XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган имом Жаъфар ас-Содиқ вориси масаласи юзасидан шиалар ўртасида келиб чиққан ихтилоф билан боғлиқ. Исмоилийлар турли даврларда турли номлар билан аталган: ботинийлар, саъбийлар, таълимийлар, мулҳидлар ва ҳ.к. IX асрнинг иккинчи ярмидан исмоилийлик таълимоти тарафдорларини қарматлар деб атай бошлаганлар. Қарматлар ҳаракати Жанубий Ироқда вужудга келган, Сурия ва Яманда тарқалган. Ҳаракат ўз номини унинг раҳбари ва ташкилотчиси Ҳамдон ибн ал-Ашъаснинг лақаби Қарматдан олган. Қарматийлар ерга жамоа эгалигини, умумий (қуллардан ташқари) тенглик ғояларини тарғиб этишган. Улар ислом маросимларини бажаришмаган, шариат қоидаларини тан олмаган, уларда масжидлар бўлмаган.

3) Мазҳаблар, шариат мазҳаблари ҳам исломдаги ажралишнинг алоҳида шаклидан иборат.

4) Илоҳиёт оқимлари бўлиб, улар ислом илоҳиётининг шаклланиш босқичида илоҳиётга оид айрим масалалар бўйича ихтилофлар туфайли вужудга келган. Булардан ашъарийлар, жабарийлар, қадарийлар, сифатийлар, муътазиллийлар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Масалан, ашъарийлар каломнинг асосий йўналишларидан бири-Ашъарий мактаби тарафдорларидир. Ашъарийларнинг дунёқарашида ақл диний анъана-нақлдан устун қўйилади. Ашъарийларнинг қарашларини энг аввал Эронда (X аср) кенг тарқалган шофиъийлик мазҳаби тарафдорлари қабул қилганлар. Бу таълимот Боқилоний, Ғаззолий ва бошқаларнинг асарлари туфайли мусулмон оламида катта таъсирга эга бўлиб, каломнинг энг кенг тарқалган оқимига айланган.

5) Суфийлик ёки тасаввуф тариқатлари. Суфийлик ғоялари кенг тарқалгач, мусулмон мамлакатларида ҳар бири ўз йўли (сулук) ни олиб борган суфийлик пирлари номи билан боғлиқ равишда жуда кўп уюшмалар пайдо бўлган. Умуман олганда ўттиздан ортиқ турли тариқатлар мавжуд, улардан Ўрта Осиёда вужудга келган нақшбандийлик, яссавийлик, кубравийлик, Кавказда вужудга келган муридчилик ва ҳ.к. лар машҳур. Масалан, муридчилик сфийликнинг шимолий Кавказда кенг ёйилган шакли бўлиб, суфийлик таълимотининг зоҳидлик, муршидлик ва имомат ғояларига асосланади. Муридчилик XIX асрда ўзига хос диний-сиёсий ва ҳарбий уюшма сифатида тарқалиб, Ғози Муҳаммад, Ҳамзат, Шомил каби имомлар раҳбарлигида тоғликларнинг Россияга қарши урушида намоён бўлган.

Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг тарафдорлари Исломнинг бошланғич даврларида шеъриятга қарши чиқдилар. Улар шеърият ўша замонга хос кўпхудолик ғояларини ифода этувчи восита деб қарадилар. Кейинчалик араб адабиёти яна ривожлана бошлади. Араб адабиётининг бу босқичи Уммавийлар сулоласи салтанати билан боғлиқ. Адабиёт янги халифалик марказлари Сурия ва Ироқда ривожлана бошлади. Араб мумтоз адабиётининг гуллаган даври VIII-XII асрлар, яъни аббосийлар сулоласи даври ҳисобланади. Бу давр шеъриятида араблар босиб олган мамлакатлардан чиққан шоирлар адабиёт йўналишини

белгиладилар. Араб адабиёти тараққиётида Эрон, Озарбайжон, Марказий Осиё халқлари орасида етишиб чиққан ва ўз асарларини араб тилида ёзган шоирлар ижоди самарали таъсир кўрсатди.

VIII-IX асрлар араб насрий адабиёти катта ютуқларга эришди. Қадимги ривоятлар ёзма равишда тўпланди. Араб насрий адабиёти учун пахлавий тилидан қилинган таржималар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. XII аср бошларида араб адабиётида янги насрий жанр-қаҳрамонлик ривоятлари пайдо бўлди. Бунинг энг йирик ёдгорликларидан кўп жилдли «Сийрат Антара» (Антара саргузаштлари) ва «Минг бир кеча» эртақларини кўрсатиш мумкин. Бу асарлар араб адабиётига хос бўлса ҳам, уларнинг мундарижасини турли халқлар оғзаки ижоди ташкил этади.

Араб халифалиги давлатларининг санъати ҳам ўзига хос йўлдан ривожланиб борди. Ўрта аср араб санъати равнақиға ислом динининг таъсири жуда кучли бўлди. Бу айниқса, меъморчилик, амалий-декоратив санъатда яққол кўринади. Халифалик даврида фуқаролик ва дин билан боғлиқ бўлган бинолар қурилиши авж олди. Шу даврдаги шаҳарлар қатор янги типдаги бинолар билан бойиди. Масжид ва мадрасалар, карвонсарой ва миноралар, тим ва саройлар мусулмон шаҳарининг ўзига хос томонини белгиловчи муҳим ва ажралмас элементига айланди.

VII асрда араб масжиди типи юзага келди. Қуддусда Умавийлар даврида 688 йилда барпо этилган Умар масжиди, Дамашқдаги Умавийлар масжиди (705-715) араб меъморчилигининг дастлабки намунаси ҳисобланади. Илк араб меъморчилигининг ўзига хос томони, айниқса, Қоҳирадаги Ибн Тулун (87-879) масжидида намоён бўлади. Қурилган иншоотлар ғиштларни нақшсимон териш, ганч ўймакорлиги, нақшлар лентаси ва ёзувлар билан безатилган. Араб халифалиги меъморчилиги турли халқлар меъморчилиги таъсири остида ривожланди: Эрон, Византия, Олд Осиё ва бошқалар.

Араб реалистик санъати, рассомлик ва ҳайкалчилиги дин таъсирида бўлди. Дин уларнинг кенг ривожланишига йўл қўймади. Реалистик санъатнинг монументал шакллари деярли яратилмади. Кўлёмалар учун ишланган миниатюраларда, декоратив рельефларда ҳамда амалий санъатда реал воқелик, унинг “жонли образлари” кенг учрайди. Бунга сабаб, албатта ҳукмдор синф орасида диний қарашлар бир хил эмаслигидир. Воқелик шартли, баъзан рамзий шаклларда ифодаланади.

Араб санъатида каллиграфия ва нақш (орнамент, арабеска) алоҳида ўрин эгаллайди. Реал борлиқ шу сирли, чигал бўлиб кўринган нақш тасвири билан аралашиб кетгандек туюлади. Унинг мазмунини оширади. Бу санъатда халқнинг ҳаёт мазмуни ва моҳияти ҳақидаги дунёқараши ва тушунчалари ўз ифодасини топди.

Халифалик даврида юртимизда барпо этилган меъморий обидалар сирасига Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Самарқанд яқинидаги Тим қишлоғидаги қурилган Араб ота мақбараси (977-978 йй), Узун (Сурхондарё) туманидаги Хўжа Нахшрон мақбараси (IX-X аср), Намозгоҳ, Марвдаги Султон Санжар (XI аср), Бухородаги Минораи Калон (1127), Вобкент

минораси (1192), Жарқўрғон миноралари ва бошка кўркам меъморчилик иншоотларини нисбат бериш мумкин.

## **11 МАВЗУ: ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА ҚАДИМГИ РИМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ.**

### **РИМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАНБАЛАРИ.**

#### **РЕЖА:**

- 1. Юнон цивилизациясининг тараққиёт босқичлари.**
- 2. Қадимги юнон маданияти**
- 3. Рим цивилизацияси тараққиёти ва рим маданияти.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Крит-микен маданияти, ахейлар, дорийлар, Буюк юнон мустамлакачилиги, классик давр, эллинизм, полис, Афина, Спарта, мифлар, фалсафа, этрусклар, республика, патриций ва плебейлар, Рим салтанати, Рим ҳукуқи.

Европада илк бор юзага келган Юнон цивилизацияси тарихи уч босқичга бўлинади: биринчиси - бу м.а. II минг йилликда Крит ва Микенада илк синфий жамиятлар ва давлат бирлашмаларининг пайдо бўлиши ва ҳалокати.

Иккинчи босқич - бу Крит-Микен цивилизациясининг ҳалокатидан кейин антик Юнонистоннинг м.а. XI асрдан м.а. IV асрнинг сўнги чорагигача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади. Қадимги Юнон жамияти тараққиётининг энг юқори чўққиси ижтимоий-иқтисодий, сиёсий давлат тузилмаси бўлган юнон полисларининг туғилиши, юксалиши ва тушқунлиги босқичи бўлди. Бу босқич ўз ичига уч даврни олади:

1. М.а. XI-IX асрлар - Гомер ёки полис арафаси (“Қоронғи асрлар”). Бу босқичда Болқон Юнонистони худудида уруғ-қабила муносабатлари ҳукмрон бўлади.

2. Архаика даври (м.а. VIII-VI асрлар) - полис-давлатларнинг шаклланиши, буюк Юнон колонизацияси ва илк юнон тираниялари даври.

3. Классик Юнонистон (м.а. V-IV асрлар.) - қадимги юнон полислари, уларнинг иқтисодиёти ва юнон маданиятининг гуллаб-яшнаган даври.

М.а. IV асрнинг сўнги чорагида юнон-македонлар томонидан Ахамонийлар Эрони давлатининг босиб олинишидан юнон тарихининг учинчи сўнги босқичи бошланади. Бу босқич қарийб уч юз йилни ўз ичига олиб (м.а. IV асрнинг сўнги чораги – м.а. 30-йиллар), шарқ ва ғарб маданияти унсурларини ўз ичига олган эллин давлатларининг ташкил топиши, эллин маданиятининг ривожланиши давридир. М.а. 30-йилда сўнги эллин давлатларидан бири Птоломейлар Мисри мустақиллигини йўқотиб Римга тобе бўлади. Шу билан антик Юнонистон цивилизацияси тарихи тугалланади.

Энди ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Критда юзага келган бронза даври цивилизацияси Миной номи билан аталади. М.а. III ва II минг йилликлар чегараларида Критда дастлабки, марказ-

саройлари Кносс, Фест, Маллия, Като-Закрода бўлган давлатлар юзага келади. “Сарой цивилизацияси” даври тахминан м.а. 2000 йилдан 1400 йилгача давом этган. Унинг ниҳоясига етиши, айрим олимларнинг тахминига кўра, улкан табиат офатлари билан боғлиқ. Кўп ўтмасдан вайрон бўлган саройлар ўрнида янгилари, янада ҳашаматли ва мухташам саройлар пайдо бўлади. “Янги саройлар” даврига оид Кноссдаги сарой археологик жиҳатдан жуда яхши ўрганилган. Миной цивилизацияси м.а. XVI-XV асрнинг биринчи ярмида гуллаб-яшнаган. Юқорида айтиб ўтилганидек, табиий офат туфайли вайрон бўлган ва зифлашган Критга ахейлар бостириб кирган ва цивилизация маркази материкка кўчган.

Жамиятни ташкил этишнинг асосий шакли жамоанинг алоҳида шакли бўлган полис эди. Полисларнинг фуқаролари унга кирган патриархал оилаларнинг бошлиқлари эди. Полис-жамоа икки функцияни бажарган: ерни ва аҳолини ҳимоя қилиш ҳамда ички жамоавий муносабатларни бошқариш. Фақатгина Спартага ўхшаш қарам аҳоли бўлган полислар содда давлат ташкилоти хусусиятларига эга бўла бошлади.

Архаика даврида антик дамиятнинг асосини ташкил этган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хусусиятлар шаклланди: классик кулчилик; пул муносабатлари ва бозор тизими; сиёсий ташкилотнинг асосий шакли-полис; халқ суверенитети концепцияси ва бошқарувнинг демократик шакли. Архаик даврда айрим шаҳар-давлатларда бошқарувнинг тирания шакли (м.а. VII-VI асрлар) ҳам мавжуд бўлган.

Айнан шу даврда антик дунёга то христианлика қадар таъсир кўрсатган ахлоқ меъёрлари ва эстетик иделлар ишлаб чиқилди. Ниҳоят бу даврда антик маданиятнинг асосий хусусиятлари шаклланди: фалсафа ва фан, адабиётнинг асосий жанрлари, театр, ордер меъморчилиги, спорт. Архаик даврда содир бўлган “буюк юнон колониялаштириши” ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Классик давр м.а. VI-V аср чегараларидан то м.а. 338 йилгача давом этган. Бу давр Юнонистоннинг энг юксалган, архаик даврда шаклланган ҳодисаларнинг гуллаб-яшнаган, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ташкилотнинг ўзига хос шакли бўлган полисларнинг ҳукмронлик давридир. Олимларнинг фикрича қадимги юнон жамияти, шу жумладан маданият ва санъат тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари айнан жамиятни ташкил этишнинг полис шакли билан боғлиқдир.

Бу даврда содир бўлган юнон-форс урушлари Элладанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди: кулчиликнинг кенг тарқалиши, Афинанинг юксалиши ва демократик тузумнинг шаклланиши. Шу билан бирга, бу даврда Делос денгиз иттифоқи ва Пелопоннес иттифоқининг юксалиши улар ўртасидаги Пелопоннес урушининг келиб чиқишига олиб келди. Бу уруш Юнонистон тарихида полис инқирозини бошлаб берди, ҳокимият тепасига олигархия кела бошлади.

М.а. IV асрга келиб фуқаро-ер эгаларининг жамоаси сифатида вужудга келган полислар савдо-пул муносабатларининг ривожланишига

тўсқинлик қила бошлади. Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ўзгаришлар содир бўлди, тирания қайта туғилди. Ўзаро урушлар Юнонистонни заифлаштирди, мамалкат хўжалигини издан чиқарди. Бундан эса Македония подшолиги фойдаланиб қолди. Александр Македонский даври классик даврдан эллинистик даврга ўтиш даври бўлди.

Македонскийнинг Шарққа юришлари ва янги босиб олинган ерларга эллинларнинг оммавий кўчиб бориши эллинистик даврни бошлаб берди. Эллинистик цивилизациянинг географик ва хронологик чегаралари олимлар томонидан турлича баҳоланади. Эллинизм даври уч босқичга бўлинади: эллинистсик давлатларнинг ташкил топиши (м.а. IV асрнинг охири-III асрнинг боши), бу давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимининг шаклланиши ва гуллаб-яшнаши (м.а. III – II асрнинг бошлари) ва иқтисодий тушқунлик, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиши, Рим ҳокимиятига бўйсунуш даври (м.а. II аср-милодий I асрнинг охири).

Антик юнон маданияти узоқ вақт давомида ривожланиб борди. Юнон маданиятининг энг қадимги тарихи “Эгей” ёки “Крит-Микен” маданияти билан бошланади. Критда ўзига хос чизиқли ёзув бўлган.

Бу даврда ҳашаматли меъморчилик композициялари, подшо саройлари, тасвирий ва амалий-декоратив санъат намуналари яратилган. Шундай нодир ёдгорликлардан бири инглиз археологи А.Эванс томонидан Критдан топилган Кносс саройининг қолдиқларидир. Кносс саройида устунлардан кенг фойдаланилган. Сарой деворларига суратлар ишланган, поллари эса бежирим нақшлар билан безатилган. “Парижлик аёл” деб ном олган тасвирда шаффоф материаллардан тўқилган либос кийиб олган аёл тасвирланган. Монументал ҳайкалтарошлик белгиси бу ерда учрамайди. Лекин амалий-декоратив ҳайкалтарошлик ва заргарлик санъати борасида критликлар нодир ёдгорликлар қолдирганлар.

Эрамиздан аввалги XII аср ўрталарида Болқон ярим ороллариининг шимолидан жанубга томон силжий бошлаган дорий қабилаларининг Эгей оролларидаги давлатларни босиб олиши Пелопонесдаги Эгей маданиятини тугашига сабаб бўлди. Лекин унинг кейинги эллин маданиятига таъсири кучли бўлди.

Элладаликлар Эгей маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзлаштирдилар. Улар Крит-Микен диний-мифологик тушунчаларини қабул қилдилар. Кулолчилик, майда пластика санъати анъаналари Эллада санъати тараққиётида давом эттирилди.

Қадимги Юнонистон тарихининг Гомер даври санъати ва маданиятини ўрганишда “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари қимматли манба ҳисобланади. Микена ёзувларининг ўқилиши шу даврга оид маълумотларнинг кенгайишига ёрдам берди. Гомер даврида хунармандчилик, айниқса, кулолчилик ва у билан боғлиқ бўлган кўзага гул солиш санъати раванқ топган. Дастлабки ишланган кулолчилик буюмлари - кўзаларда қадимги юнон амалий-декоратив санъатининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Бу кўзалар юзасига геометрик нақшлар, ўсимликлардан ишланган нақшлар, хаётий воқеаларни схематик талқин этувчи



тасвирлар ишланган бўлиб, уларнинг шакли кўркам, нақшлар композицияси аниқ (“Дипилон кўзалари”).

Архаика даврида Грецияда илмий фикрлар ривожланади. Тиббиёт, астрономия, тарих, география, математика тараккий қилди, поэзия, адабиёт, театр камол топди. Юнонлар ўзларидан аввалги халқлар, Шарқ мамлакатлари - Бобил, Мисрнинг фан ва маданият борасидаги ютуқларини чуқур ўрганиб, ўзларининг бетакрор санъат ва маданиятларини яратишга муяссар бўлдилар.

Юнон дунёкараши учун политеизм ва табиатнинг жонлилиги ҳақидаги тасаввурлар хос. Архаика даврида умумюнон худолари пантеони шаклланди. Бунга мисол-Гесиоднинг “Теогония” поэмаси. Сиёсий тарқоқлик ва қохинлар табақасининг йўқлиги туфайли юнонларда ягона дин шаклланмади. Кўплаб бир-бирига яқин диний тизимлар вужудга келди.

Архаика даври–меъморчиликнинг шаклланиш давридир. Бу шаҳарларнинг ривожланиши ва қурилиши билан боғлиқ. Бу давр уйлари содда ва примитив, асосий эътибор маҳобатли меъморчилик, биринчи навбатда ибодатхоналарга қаратилган. Юнон ибодатхоналари бир неча типда бўлиб, буларнинг ичида энг кенг тарқалган типи периптер ҳисобланган. Бу типда қурилган бинонинг марказий қисми муқаддас ер-целла бўлиб, атрофи эса устунлар билан ўралган.

У м.а. 447-438 йилларда меъморчилик Иктин ва Калликрат томонидан қурилган. Парфенон ибодатхонасининг безак ва ҳайкаллари эса даврнинг буюк ҳайкалтароши, Периклнинг яқин сафдоши Фидий раҳбарлигида бажарилган.

Бу даврга келиб, ҳайкалтарошлик юксак камолот даврига қадам қўйди. Ҳайкалтарошлар эндиликда одам қомати ва юз тузилишини тўғри тасвирлабгина қолмасдан, ўз асарларида мураккаб ҳаракатларни ҳам ифодашга, композиция ечимининг ҳаётий бўлишига, инсон маънавий оламининг турли қирраларини ёритишга алоҳида эътибор бера бошладилар. Бу хусусият классика даврининг буюк ҳайкалтарошлари Мирон (“Дискобол”, “Афина ва Марсий”), Поликлет (“Дорифор”, “Диадумен”), Скопос (“Менада”) ижодида сезиларли эди. Классика даври тасвирий санъатида ҳам реалистик анъаналарга интилиш кузатилади. Бу даврдаги рангтасвир ривожи Полигнот ва Апполодорлар номи билан боғлиқ.

М.а. V аср драматик санъатнинг гуллаб-яшнаш давридир. Эсхил, Сафокл, Еврипидлар яратган трагедиялар, Аристофан яратган комедиялар ўз даврининг муҳим муаммоларини очиқ беришга хизмат қилган.

М.а. V асрда энг йирик юнон тарихчилари Геродот ва Фукидид ўз асарларини яратдилар ва тарих илми ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Классика даврида юнон фалсафаси ҳам ўзига хос тарзда ривож топди. Гераклит, Эмпедокл, Анаксагор, Левкипп, Демокрит, Протагор, Сократ каби файласуфлар бу даврда турли фалсафа мактабларига асос солдилар.

Эллинизм даври меъморчилиги ўзининг ҳашаматлилиги, дабдабадорлиги ва катта ҳажмга интилиши билан характерланади. Меъморчилик назарияси ривожланади Унинг бош майдони атрофи эса турли ижтимоий бинолар билан ўралган.

Эллинизм даври маданияти яхлит тусга эга эмас эди, у ҳар бир ҳудудда маҳаллий анъанавий ва юнон маданиятининг ўзаро таъсири натижасида шаклланган эди. Шу билан бирга эллинистик маданиятни умумий хусусиятларга эга бўлган яхлит ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Эллинистик маданиятнинг вужудга келишида эллин турмуш тарзи ва эллин таълимотининг тарқалиши муҳим омил бўлди.

Эллинистик шаҳарлар ўзига хос қиёфага эга эди. Масалан, Миср Птолемейлар подшолигининг пойтахти Александрия эллинистик дунёнинг йирик маданий-сиёсий маркази, йирик порт шаҳри эди. Бу даврда жамоат биноларининг янги типлари пайдо бўлди: кутубхоналар (Александрия, Пергам ва б.), Мусейон (Александрия, Антиохия), специфик бинолар- 120 метрлик Фаросс маёғи ва Афинадаги Шамоллар минораси.

Монументал ҳайкалтарошлик бу даврда янада ривож топди. Эллинистик ҳайкалтарошликка мифологик мавзулар, маҳобат, мураккаб композициялар хос. Масалан, Родос колосси-Херес томонидан яратилган Гелиоснинг 35 метрлик бронза ҳайкали санъат ва техника мўъжизаси эди. Пергамдаги Зевс меҳробида акс эттирилган худолар ва гигантлар кураши сахналари ( узунлиги 120 м.) динамикаси, ифодалилиги ва драматизми билан ажралиб туради. Бу даврда Лисипп, Скопас ва Праксител анъаналарини давом эттирган родосс, пергам ва александрия ҳайкалтарошлик мактаблари шаклланди. Александрнинг “Мелос оролидаги Афродита” (“Венера Миолсская”), номаълум ҳайкалтарошларнинг “Самофракия оролидаги Ника”, “Анадиомен Афродитаси”, Агесандр, Полидор ва Афинодорлар томонидан яратилган “Лаокоон”, “Фарнез букаси”, “Ўлаётган галл”, “Ўзи ва хотинини ўлдираётган галл” каби асарлар эллинистик ҳайкалтарошликнинг дурдоналаридир.

Портрет ҳайкалтарошлиги ва рангасвири ҳам юксак даражада тараққий этди. Бу ҳақида Фаюм воҳаси портретлари орқали хулоса чиқариш мумкин.

Эллинистик даврдагим тарихий ва фалсафий асарларда инсоннинг жамиятга, ўз даврининг сиёсий ва ижтимоий муаммоларига муносабати акс этган. Бу давр фалсафасида киниклар ва скептиклар мактабининг роли ўсди. Стоиклар ва Эпикур фалсафаси янги даврнинг дунёқарашининг асосий хусусиятларини ўзида акс эттирди.

Рим томонидан эллинистик давлатларнинг забт этилиши, Шарқий Ўрта ерденгизи мамлакатларига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг римча шаклининг ёйилиши ўз навбатида акс таъсирга эга эди-Римга эллинистик маданият, мафкура ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар кириб кела бошлади. Эллинистик дунёнинг кўплаб хусусиятлари Рим империяси томонидан мерос қилиб олинди.

Италияда м.а. аввалги 3—2 мингинчи йилларда шаҳарлар мавжуд бўлган. Бу даврда Италияда бир қанча қабилалар яшаган. Шулардан бири италий қабилалари бўлиб, улар яшаган ерларни (ҳозирги Рим атрофи), Италия деб атаганлар. Кейинчалик бутун Апенин ороли Италия деб юритила бошлаган. Италия, унинг тупроғида майдонга келган Рим давлати эса жаҳон маданиятининг раванкига катта ҳисса қўшди. Дастлаб Тибр қирғоғидаги унча

катта бўлмаган олигарх республика, сўнгра бутун Италиянинг хўжайини бўлган ва ниҳоят, бутун Ўрта ер денгизи бўйи ва антик дунёни забт этиб улкан давлатга айланган Римнинг ҳарбий қудрати ортиб борди. М.а. 146 йилда Карфагеннинг кулаши билан Рим бутун Грецияни эгаллади.

Аммо «Асир олинган Греция ўзининг маданиятсиз ғолибини енгди» (Гораций). Римликлар юнонлардан жуда кўп цивилизация ютуқларини ўзлаштирдилар.

М.а. VII асрдан то янги эранинг V асрига қадар бўлган ўн икки аср мобайнида италияликлар санъати ва бадиий маданияти ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди. Қадимги дунёнинг йирик давлатларидан ҳисобланган Рим империяси пайтида катта ҳажмдаги меъморлик ансамбллари вужудга келди, меъморликнинг янги типлари пайдо бўлди. Италияликлар қадимги Греция санъати ва маданиятига зўр ҳурмат билан қарадилар. Уни ижодий ўзлаштирдилар, назариясини янги илмий билимлар билан бойитдилар. Рим ҳайкалтарошлиги ва тасвирий санъатида эллинистик таъсир жуда кучли бўлганлиги ўзига хос рим санъатининг тараққиётига ҳалақит берарди. Кейинчалик римликлар реалистик портрет, тарихий мавзудаги рельеф яратиш, мозаика, амалий санъат борасида новаторлик намуналарини кўрсатдилар.

Рим санъатининг ривожланиш давлари:

1. Рим республикаси гача бўлган давр (м.а. 3000 й-м.а.3 аср)
2. Рим республикаси даври (м.а. 3 аср-м.а.1 асргача)
3. Рим империяси даври (м.а. 1 аср охири-м. 5 аср)

Этруск маданиятининг Шарқ билан боғлиқлигини аввало маҳаллий зодагонларнинг маҳобатли даҳмалари орқали кўриш мумкин. Толослар - дафн камераси ва коридордан иборат бўлиб, устида улкан қўрғон барпо этилган. Вольк, Тарквиния ва Корнетодаги даҳмалар ички томондан ёрқин суратлар билан безатилган. Этруск маданиятининг ривожланишида италиядаги юнон колониялари катта рол ўйнаган.

Этрурия жамиятининг энг гуллаган даври эрамиздан аввалги VII-VI асрларга тўғри келади. Эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб, Этруск санъатига Италиянинг жанубидаги юнон колониялари санъатининг тасвири сезила бошлади. Этрусклар юнон алфавитини, театр ва мифологиясини қабул қилдилар. Юнонлар сингари улар ҳам юзасига барельефлар туширилган олтин тангалар чиқара бошладилар.

VI аср охирида Римнинг қудрати ошди. М.а. 753 йилда барпо этилган Рим м.а. 280 йилда бутун Италияда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Эришган буюк зафарларига қарамай Рим шахри ҳали эллинистик Шарқнинг ҳашаматли ва тўғри режалаштирилган шаҳарларига бас келолмас эди. Рим ибодатхоналарида этрусклар санъати таъсирини кўриш мумкин. Капитолий ибодатхонаси Юпитер, Минерва шарафига 509 йилда қурилган.

Рим меъморлигида I асрнинг охири ва II аср бошларида энг катта меъморлик комплекслари яратилди, кўп қаватли бинолар вужудга келди ва шаҳар қиёфасини белгилади. Юлийлар, Флавийлар, Северлар каби

императорлар даврида қурилган ғоятда катта саройлар, зафар устунлари шу давр идеологиясини бадий ифодаловчи ёдгорлик сифатида характерлидир. Шундай меъморлик композицияларидан бири 81-йилда қурилган Тит меъмориал зафар аркидир. Кейинроқ Септима, Север, Троян ва Константинларга атаб шундай зафар арклари қурилган.

Қадимги Римнинг энг катта биноларидан бири Колизей амфитеатридир. Планда Колизей гигант овал бўлиб, унинг асоси 188x156 м, деворларнинг баландлиги 48,5 м га яқин. Гладиаторлар жанги учун мўлжалланган бу бинога бир вақтнинг ўзида 55 минг томошабин кира олган. Рим меъморлигининг яна муҳим ёдгорлиги «хамма худоларнинг қасри» — Пантеон ҳисобланади. Меъмор Аполлодор Дамашкий томонидан 118—125 йилларда қурилган бу бино антик дунёнинг энг катта гумбазли биноси бўлиб, унда Рим меъморлигининг новаторлик хусусияти яққол кўзга ташланади.

Рим меъморлигида пайдо бўлган янги типлардан бири термалар — (сув саройлари)дир. Илик ва совуқ сувли ҳовузлар, гимнастика заллари, оромгоҳлар, кутубхона бўлган 2—3 минг кишига мўлжалланган бундай сув саройлари беағига алоҳида эътибор берилган. Мозаика ва деворий суратлар, ҳайкал ва амалий санъат буюмлари сарой гўзаллигига гўзаллик кўшган. Император Каракалла давридаги терма (211—216 йилларда қурилган), айниқса, катта ва ҳашаматли бўлган. 11 гектар ерни эгаллаган бу сарой дам олиш, кўнгил очиш учун ҳам мўлжалланган.

Рим меъморлигининг сўнгги муҳим ёдгорлиги Рим форумидаги Максенция базикликасидир. 306—312 йилларда каркас конструкциясида қурилган бу бино антик даврнинг энг катта граждан меъморлигидир. Турли сиёсий йиғилишлар ўтказиш, савдо-сотик ишларини олиб бориш учун мўлжалланган бу бино интерьерини уч нефли бўлган.

Шаҳарнинг марказий майдонлари — форумлари, айниқса, гўзал бўлган. Италиянинг асосий йўллари форумдан бошланган, шаҳарнинг асосий кўчалари шу форумга бориб тақалган. Унинг марказида ҳайкаллар, декоратив устунлар ўрнатилган. Император Троян форуми эса жуда ҳашаматли бўлган. Меъмор Аполлодор томонидан 109—113 йилларда қурилган бу форум майдони 116x95 м бўлиб, унинг ўртасидаги 27 метрли устунга Трояннинг дақларга қарши олиб борган курашини акс эттирувчи бўртма тасвир юқорига ўралиб чиқувчи бурама фризда ишланган. Устун тепасига императорнинг бронза ҳайкали ўрнатилган. Бу ҳайкал XVI асрда олиниб, ўрнига апостол Пётр ҳайкали ўрнатилган. Устун пьедесталига Троян вафотидан кейин унинг хоки солинган урна жойлаштирилган.

Қулчиликнинг авж олиши, савдо-сотикнинг кучайиши Рим провинцияларида ҳам маданий жонланишни келтириб чиқарди. У ерларда ҳам янги маданий марказлар, шаҳарлар вужудга кела бошлади. Бу шаҳарлар қурилиши Рим меъморлигига хос бўлган аниқ планировкада қад кўтарди. Бизгача яхши сақланган шаҳарлардан бири Тимгад ҳисобланади. Троян буйруғи билан барпо этилган бу шаҳар майдони квадратга яқин бўлиб, марказий форум атрофи устунлар билан ўралган, театр, кутубхона ва шаҳар ҳаммомлари

жойлашган. Шаҳарнинг асосий кўчаларидан бири охирида эса Троян зафар арки қурилган. Бойларнинг виллалари шаҳар чеккасида бўлган. Тимгад Рим императорлиги давридаги шаҳар қурилиш санъатини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Рим тасвирий санъатидан бизгача кўпгина ҳайкалтарошлик намуналари (рельеф, портрет, мавзули композициялар) сақланиб қолган. Римликларнинг портрет санъатидаги ютуқлари, айниқса каттадир. Республика даврида реалистик портрет ривожланди ва антик дунё санъатида етакчи ўринни эгаллади. Бунга, биринчидан, Рим амалдорининг ўз портрет ва ҳайкалларини ижтимоий жойларга қўйиш имтиёзи бўлса, иккинчидан, кўмиш маросими билан боғлиқлиги эди. Бой аристократларнинг меҳмонхоналарида (қабулхоналарида) шу уй хўжайини аждодларининг портрети, ҳайкалларини сақлаганлар ва шундан ғурурланганлар. Бундай ҳайкал-портретлар тошдан ишланган бўлиб, кўмиш маросими вақтида марҳумнинг тобути ортидан кўтариб олиб борилган. Бу портретлар марҳумнинг ўзига жуда ўхшатиш билан бўлиб, документал аниқлиги билан характерланган ва бундай портретлар, асосан, марҳум юзидан олинган ниқоб-қолип асосида ишланган. Бадиий жиҳатдан бўш бўлган бу портретларни римликларнинг ўзлари грек санъаткорларининг асарларидан устун қўйганлар. Бу портретлар кейинги Рим реалистик портретининг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Эрамиздан аввалги III—I асрларда Рим маънавий ҳаётидаги ўзгаришларидан бири, бу тасвирланувчи шахснинг индивидуал хислатлари ва маънавий дунёсига қизиқишнинг ошиши бўлди. Натижада Рим республикаси даврида мавжуд бўлган портретчилик санъатидаги йўналиш — тасвирланувчининг фақат ташқи қиёфасини документал аниқликда акс эттирувчи портретлар билан бир қаторда, иккинчи йўналиш — ташқи кўринишни аниқ тасвирлаш, грек пластикасига хос бўлган хусусият — умумлашма образни яратиш, уни бирмунча идеаллаштириш ва маънавий дунёсини очиқ беришга интилиш анъанаси сезиларли бўлди.

Рим императорлиги даврида ҳукмронлар ва уларнинг куч-қудратини ифодалаш санъаткорларнинг бош вазифаси бўлиб қолди. Улар ўз асарларида императорларни ўзига ўхшатиш билан бир қаторда, уни онгли равишда идеаллаштиришга интила бошладилар.

Эрамиздан аввалги V—IV аср грек санъати намуналари тақлид учун асосий манба бўлиб қолди. Грек классикасидаги улуғворлик ва тантанаворлик вафоси, характердаги вазминлик, сиполик, танланган нисбатлар ва аниқ, содда шакллар Рим санъаткорларини ўзига жалб эта борди. Октавиан Август ҳайкалида шу интилишлар ўз ифодасини топди. Ҳайкалда у саркарда ва давлат арбоби сифатида тасвирланади. Мағрур, улуғвор туриши, қўл ҳаракатининг ифодали олиниши бутун композицияга монументаллик бахш этган. Қўлидаги найза-чўқмори рамзий характерга эга бўлиб, унинг ҳукмдорлигини белгилайди. Август панцир — темир ниқобга ўралган. Ниқоб юзаси бўртма тасвир билан безатилган. Августнинг ўнг оёғида Венеранинг ўғли Амур тасвирланган, бу билан санъаткор гўё Августлар оиласи, аждодлари шу муқаддас худолар

авлодидан эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Ҳайкалда юз кўриниши Августнинг ўзига ўхшатишган, лекин Ҳайкалтарош образни идеаллаштириб, унинг кўринишига мардлик, жасурлик ва соф виждонлилик бахш этади. Шундай қилиб, у Римнинг идеал фуқароси образини яратади.

Рим дастгоҳ рангтасвири тўғрисида маълумотлар кам сақланган. Фақат бу ҳақда I—III асрларда ишланган Фаюм портретлари тасаввур бера олади. Бу портретларнинг номи Рим империясининг шарқий провинцияси бўлган Мисрдаги Эль-Фаюм воҳасидаги некрополдан топилгани учун шундай деб аталади. Фаюм портретлари эллин-рим санъати таъсирида ривожланди. Лекин бу ерда у кўпроқ қадимги Миср портрет санъати анъаналарини давом эттирди. Портрет тасвирланувчи ҳаёт вақтида тахта ёки холстга ишланган бўлиб, у ўлгандан кейин марҳумнинг жасади билан қабрга қўйилган. Фаюм портретлари ўзининг реалистик характери билан ажралиб туради. Тасвирланувчининг ёши, характери, ўзига хос индивидуал хислатлари санъаткор томонидан маҳорат билан талқин этилган. Кекса римлик (I асрнинг II ярми) ва «Ёш аёл», «Олтин чамбарли йигит» портретлари шу жиҳатдан диққатга сазовордир. II асрдан бошлаб, Фаюм портретидаги реализм аста сўна бошлади. Унинг ўрнини схематик, қуруқ портретлар эгаллай бошлади. Булар, албатта, даврнинг маънавий, иқтисодий ва сиёсий дунёсидаги ўзгаришлар натижаси эди. Бундан ташқари, антик дунёда янги дин — христиан динининг кенг ёйила бошлаши ҳам бу инқирознинг сабаби бўлди.

## **12 МАВЗУ: ВИЗАНТИЯ ВА РОССИЯ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ.**

### **РЕЖА:**

1. Византия цивилизацияси ва унинг аҳамияти
2. Рус цивилизацияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** славянлар, варяглар, христианлик, черков, православ, католик, Юстиниан, хазарлар.

### **1-саволнинг баёни:**

Цивилизацион тараққиётнинг Қадимги даврдан кейинги босқичи Ўрта асрлар бўлди. Бу даврда Византия сивилизатсияси алоҳида, етакчи ўрин тутди.

Византия тарихи 324 йилда Босфор бўғозидаги қадимги Византий шаҳарчаси ўрнида Римнинг янги пойтахти Константинополга асос солиниши билан бошланиб, 1453 йилда турклар томонидан босиб олинишидан сўнг яқун топди. Мустақил давлат ва сивилизатсия сифатида эса унинг тарихи Рим икки қисмга парчаланиб кетган 395 йилдан бошланади.

Константинопол Рим империясининг Европа ва Осиё қисмлари туташган нуқтада, Шарқ ва Ғарб чорраҳасида жойлашган эди. Дарҳақиқат Византия сивилизатсияси антик мерос ва шарқий – христиан маслагининг ўзига хос синтези эди. Унинг табиий-географик ўрни муҳим савдо йўллари нозорат қилиш, бўғозлар устидан ҳарбий-стратегик жиҳатдан ҳукмронлик қилиш имконини берарди. Византия чегаралари унинг минг йилдан ортиқ тарихи давомида ўзгариб

турди, бироқ ўзининг қудратга эришган даврида Византия Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Шимолий Месопотамия, Арманистоннинг бир қисми, Сурия, Фалсатин, Миср, Крит ва Кипр ороллари, Қримдаги Херсонес, Кавказдаги Лазика. Арабистоннинг айрим ҳудудларини ўз ичига олган.

Византияга кирувчи вилоятлар иқтисодий имкониятлари жиҳатидан бир хил эмас эди. Хунармандчилик тараққиёти жиҳатидан Византия ғарбий Европа мамлакатларидан олдинда турган. Ғарбий Европадан фарқли ўлароқ Византиянинг ички хўжалик ҳаёти нисбатан барқарор эди. Византия аҳолиси этник жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, унинг катта қисмини юнонлар ташкил этган, бу ерда шунингдек сурияликлар, яҳудийлар, арманлар, грузинлар, коптлар (Мисрда) истиқомат қилган. Римликлар озчиликни ташкил этган. X асрга келиб Византиянинг аҳолиси 20-25 млн. кишини ташкил этган. 7 асрга қадар лотин тили устунлик қилган, аммо вақт ўтиши билан юнон тили давлат тилига айланди.

Византия империясининг императори (василевс) деярли чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган, аммо ўзини ҳеч қачон қонундан устун қўймаган. Унга кўп сонли суд, ҳарбий ва солиқ муассасалари, давлат амалдорлари, шунингдек, маслаҳат органига вазифасини бажарган синклит (лотинча сенат) бўйсунган. Византияда нафақат зодагонлар, балки иқтидорли ва билимли оддий кишилар ҳам юқори даражаларга эришиш имконига эга бўлган.

Византияликлар империя ғоясини Римдан қабул қилиб олганлар. Христианлик муқаддаслик тусини бериб, империя ғоясини мустаҳкамлаган. 4 асрда Буюк Константиннинг сафдошларидан бири эвсевий Кесарийский Византия давлатчилигининг диний асосига айланган сиёсий назарияни ишлаб чиққан. Унга кўра Византияда дунёвий ва диний ҳокимият қўшилиб, симфония (уйғунлик) ни вужудга келтиради. Император нафақат дунёвий ҳукмдор, шу билан бирга черков бошлиғи. Император ҳокимиятининг ўзи муқаддаслаштирилган, шунга қарамадан номақбул императорларни кўпинча тахтдан ағдаришган. Евсевий Кесарийский назариясига кўра Византия христианликнинг таянчи, у худонинг ҳомийлиги остида бошқа халқларни нажотга етаклайди. Империя ғояси Византияга яхлитликни, салтанатни сақлаб қолиш имконини берди. Аммо шу билан бирга анъаналар ва одатларни сақлаб қолишга йўналтирилган империя ғояси, византия авторитарлиги жамият ривожига тўсқинлик қилди.

Христиан дини Византия сивилизатсиясининг ҳукмрон мафкурасига айланди. 4 асрдан бошлаб давлат дини бўлган христианлик Византиянинг маънавий ҳаётини белгилаб берди. Византияда христианликнинг жорий этилиши нафақат маъжусийлик, балки бидъатчиликка қарши кураш билан бирга борди. Ўз обрўсини мустаҳкамлаш учун черков ҳар қандай ўзгача фикрлашга қарши чиқди. Собит эътиқоддилар ва бидъатчилар ўртасидаги баҳслар мавзуси христианликнинг азалий исботсиз қабул қилинадиган қоидалари эди: Муқаддас Учлик ақидаси, Масих табиатини англаш, инсондаги маънавийлик ва жисмонийлик нисбати. Энг кўп тарқалган бидъатлар арианлик, монофизитлар, павликианлар, богомиллар таълимотлари эди. Бидъатлар кўп ҳолларда ижтимоий норзиликнинг мафкуравий шакли бўлиб хизмат қилган.

Илоҳиётга масаласидаги карама-қаршиликлар 1054 йилда черковнинг парчаланишида (схизма) ташқи омил бўлиб хизмат қилди. Бу ҳодиса христианликнинг икки йирик маркази – Рим ва Константинопол ўртасида 4 асрда бошланган маънавий ва сиёсий раҳнамолик учун курашнинг якуний марраси эди. Икки черков ўртасидаги курашда илгарилари ҳам бундай кескин чоралар қўлланилган. Черковнинг парчаланиши диний таълимотнинг ўзидаги ихтилофнинг намоён бўлиши ҳам эди.

Шундай қилиб, инсоният генотипини бойитган Византия сивилizatсиясининг бетакрор хусусиятларидан бири христиан дини, эллин маданияти ва рим давлатчилигининг ажойиб уйғунлиги эди. Ушбу сивилizatсия кўплаб Шарқий Европа халқлари, хусусан Рус цивилизатсиясининг тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

А.Тойнби, К.Ясперс ва бошқаларнинг фикрича, Россия сивилizatсияси Ғарбий Европа сивилizatсияси қаторида туради. Илк бор Рус сивилizatсияси хусусида сўз юритган рус олими Н.Я.Данилевский ўзининг “Россия ва Европа” (1869) асарида чириб бораётган Ғарб сивилizatсиясидан фарқли равишда келажакка эга бўлган “славян маданий типини” га таъриф берган.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, Россия сивилizatсияси юнон-рим дивилizatсиясининг бир тармоғи ҳисобланади. Шунингдек, Россия сивилizatсияси учун византияликларнинг роли салмоқлидир.

Қадимги Рус сивилizatсияси 7-9 асрларда шаклланди. Осиё ва Европа чегараларида вужудга келган Рус сивилizatсияси Ғарб ва Шарқ қирраларини ўзида мужассамлаб, ўзига хос эвроосиё сивилizatсиясига айланди.

Баъзи олимлар қадимги Рус сивилizatсиясининг вужудга келишини 6 асрда шарқий славянларда илк давлат бирлашмаларининг вужудга келишидан, бошқа бир гуруҳ олимлар 9 асрда давлатнинг вужудга келишидан, айримлар 988 йилда Руснинг чўқинтирилишидан бошлашади.

Ўтроқ рус қабилалари асосида шаклланган ва турли даврларда турлича номланган давлатда ривожланган Рус сивилizatсияси қуйидаги босқичларни босиб ўтган: ибтидоий уруғчилик тузуми (Кичик Рус, Рус ерлари, 9 асрга қадар), феодализм (Рус ерлари, Буюк Рус, Россия, Россия империяси, 9 аср ўрталаридан – 19 аср бошигача), капитализм (Россия, Россия империяси, 19 – 20 аср охиридан Россия Федератсияси).

Рус тсивилizaияси ўзига хос табиий-географик омил асосида таркиб топган. Тўртта денгиз (Оқ, Болтиқ, Қора, Каспий), учта тоғ (Карпат, Кавказ, Урал) билан ўралган Шарқий Европа текислиги минг йиллар аввал совуқ иқлимга эга бўлиб, ўрмонлар билан қопланган бўлган. Ундан жанубда бошланадиган ўрмондашт зонаси деҳқончилик қилиш учун қулай.

Шарқий Европа дарёлари савдо йўли сифатида ҳам аҳамиятга эга бўлган. 6 асрдан тарихшуносликда “Варяглардан юнонларга борувчи йўл” номи билан машҳур бўлган сув йўли маълум. Болтиқ денгизидан бошланиб, дарё ва кўллар орқали Қора денгизга борувчи бу йўл шарқий славянларга юнон колониялари ва улар орқали Византия сивилizatсияси билан алоқада бўлиш билан имкониятини берган. “Варяглардан форсларга” олиб борувчи яна бир йўл туфайли эса Волга



бўйлаб Каспий денгизига чиқиш, волга булғорлари ва Хазар ҳоконлиги орқали эрон билан алоқа боғлаш мумкин бўлган.

Рус цивилизацияси тараққиётида диний омил ҳам муҳим рол ўйнаган. Христианликнинг қабул қилиниши Святославичлар князлар сулоласи ҳукмронлигининг мустаҳкамланишига, Киев Руси давлатининг Европа давлатлари қаторига қўшилишига, унинг халқаро мавқеининг мустаҳкамланишига олиб келди.

Руснинг Византия билан, у орқали юнон-рим маданияти билан шунингдек варяглар билан ўзаро алоқалар ушбу сивилізатсиянинг шаклланишида ташқи омил вазифасини бажарган. Халқларнинг буюк кўчиши натижасида 5-6 асрларда славянларда уруғчиликка эмас, ҳудудий-сиёсий характерга эга жамоа шаклланган. 8-9 асрларда 12 та қабила-князликлар иттифоқи вужудга келган.

Узоқ вақтгача Русда ерга хусусий мулкчиликнинг бўлмаганлиги ушбу сивилізатсиянинг яна бир ўзига хос хуссиятини шакллантирган. Яна бир ўзига хослик сифатида Киев Русининг яхлит марказлашган давлат бўлмаганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мўғул-татар босқини ҳам Рус сивилізатсиясига катта таъсир кўрсатди.

Рус сивилізатсиясининг ўзига хос қирраларининг шаклланишида бир томондан, Византия христиан маънавий ва моддий маданияти, иккинчи томондан Русда узоқ вақт ҳукм сурган маъжусийлик динлари ўз таъсирини кўрсатган. Христианлик қабул қилингандан сўнг ҳам маъжусийлик анъаналари сақланиб қолган.

Рус халқи уч субетник компонентлар аралашмасидан шаклланган: деҳқон-славянлар ва балтлар, овчи фин-угор, шунингдек германлар, кўчманчи турк ва қисман шимолий Кавказ халқлари. Бу турли этнослар диний жиҳатдан ҳам ранг-баранг бўлган. Киев князлари ижтимоий тузилмаларнинг хилма-хиллиги шароитида сон ва маданий жиҳатдан устун бўлган бирорбир этносга таяна олмаган. Рюриковларда кучли ҳарбий-брократик тизимга ҳам эга бўлмаган. Шу сабабли бирлаштирувчи восита ролини христианлик ўйнаган.

### **13 МАВЗУ: ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ**

#### **РЕЖА:**

- 1. Ҳозирги замон Европа цивилизациясининг вужудга келиши. Ренессанс ва реформация**
- 2. XV-XVII асрларда Шарқ асосий мамлакатлари ривожланишининг характерли хусусиятлари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Протестантлик, реформация, Уйғониш даври, инсон идеали, Гуманист, мануфактура, табақачилик, товар-пул муносабатлари.

XV-XVII асрларда Европа тарихий тараққиётида сифат ўзгаришлари, “цивилизациявий сакраш”, “ғарбий” номини олган цивилизациявий ривожланишнинг янги типига ўтиш содир бўлди.

Ғарбий цивилизациянинг заминлари антик давр ва ўрта асрларда бунёд этилди. Бироқ ўрта асрлар Европа цивилизацияси мазкур ҳудудларда биқик доирадагина кечган эди. Унинг Шарқ ва Евроосиё билан муносабатлари онда-сонда ва чекланган характерда бўлиб, хусусан савдо билан боғлиқ эди. XI-XIII асрларда салиб юришлари Шарққа ёриб ўтишда муваффақият топмади. Забт этилган ерлар яна араб-мусулмон цивилизацияси илкига ўтиб кетди. XV-XVII асрларда Европа жаҳон океанини ўзлаштира бошлади. Португаллар, испанлар, уларнинг кетидан голландлар, инглиз ва французлар бойлик, шон-шухрат ва янги ҳудудларни кўлга киритиш истагида эски дунё ташқарисига интилдилар. XV аср ўрталаридаёқ португаллар Африка қирғоқлари бўйлаб бутун бир серияли экспедиция уюштирдилар. 1460 йилда уларнинг кемалари Яшил Бурун оролларига етиб бордилар. 1486 йили Бартоломео экспедицияси Африка қитъасини жанубдан Яхши умид бурнига кирмасдан айланиб ўтди. 1492 йили Христофор Колумб Атлантина океанини кесиб ўтди ва Багама оролларига тушиб, Американи очди. 1498 йили Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, муваффақият билан ўз кемаларини Ҳиндистон қирғоқларига олиб келди. 1519-1522 йилларда Ф.Магеллан илк бор ер шарини (дунёни) айланиб чиқди.

Европа мамлакатлари иқтисодиётида янги укладнинг шаклланиши билан бир вақтда манбааи ички ва халқаро савдо, мустамлакаларни талон-тарож қилиш, судхўрлик, деҳқонларни, майда шаҳар ва қишлоқ хунармандларини эксплуатация қилишдан иборат бўлган бошланғич капитал жамғариш жараёни кечди.

Ғарбий Европа жамиятининг хусусияти табақалик монархия доирасида ва дастлабки абсолютизм (мутлақлик)да ижтимоий кучларнинг маълум мувозанати балансини таъминлашдан иборат эди. Европа мамлакатларида марказий ҳокимиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аралашшига имконияти чекланган эди. Қирол ҳокимияти, феодаллар, шаҳарлар ва деҳқонлар ўртасидаги курашда кучларнинг нисбий мувозанати сақланиб турди ва унинг сиёсий шакли сайлов идораларига эга табақалик монархияда намоён бўлди. Бироқ XVI-XVII асрларда табақалик ваколатли органларни (Испанияда Кортеслар, Францияда Бош штатлар), шаҳарларнинг ўзини-ўзи бошқарувини бостириш ва мутлақ монархияларнинг бунёдга келиши содир бўлади. Алоҳида ҳудудлар ва хўжалик соҳаларини бошқариш учун бюрократик девон ва мажбурий иш олиб борувчи (мажбурлаш, зўрлаш) маҳкамалар вужудга келади. Мунтазам армия шаклланади. Буларнинг ҳаммаси марказий ҳокимиятни бош сиёсий кучга айлантиради.

Абсолют монархия дастлабки даврларда қатор Европа мамлакатларида миллатларнинг жипслашуви, иқтисодиётда янги хусусиятларнинг ўрнашиб қолишида ижобий роль ўйнади. Феодал аристократияга қарши курашди, мамлакатни бирлаштиришда абсолют монархия шаклланиб келаётган буржуазия синфига таянди. У саноат, савдо ривожланишини армияни

мустаҳкамлаш, (тараққиётини) давлат хазинасини кўшинга даромадлар билан тўлдириш учун фойдаланди. Ана шу босқичда буржуазия ҳам кучли давлат ҳокимияти керак эди. Бир вақтнинг ўзида қирол ҳокимияти дворянлар ҳокимиятининг шакли бўлиб қолди, бироқ абсолютизмда дворянлар ва буржуазиядан маълум даражада мустақил эди. Абсолютизм дворянлар ва буржуазия ўртасидаги зиддиятдан фойдаланган ҳолда уларни барқарор мувозанатда ушлаб турарди. Кейинги қад ростлаган ва кучга кирган бюрократининг иқтисодиётга аралашуви капиталистик эволюцияга тўғаноқ бўлиб қолган пайтда буржуазия ҳокимият учун қатъий курашга киради. Биринчи буржуа инқилоблари юз беради (Нидерландия, Англияда).

Шу пайтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг ташкилий тузилишида муҳим силжишлар юз беради. Цех структурасидаги хунармандчилик ишлаб чиқариши ички меҳнат тақсимотига таянган (асосланган) **мануфактура** билан алмашади: Мануфактураларга ёлланма ишчи кучи хизмат кўрсатар эди. Унинг тепасида ишлаб чиқариш жараёнида хизмат қилувчи тадбиркор турар эди.

Капиталистик ижтимоий муносабатларга аста-секин қишлоқ хўжалиги ҳам тортила бошланди. Қишлоқда ижарага ўтиш, фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва ҳ.к. орқали деҳқонликдан озод бўлиш жараёни кечди. Тўқимачилик саноатининг ривожланиши билан (“ўраб олиш”) бу жараён, айниқса, Англияда сезиларли кечди.

Европа жамиятида сифат ўзгаришларига олиб келган ва янги типдаги цивилизациявий тараққиётга имкон туғдирган омиллар мажмуаси қаторида икки омил унинг маданиятида муҳим роль ўйнади: Ренесанс (Уйғониш) ва Реформация.

“Уйғониш” атамаси Италияда XIV асрнинг иккинчи ярмида бунёдга келган ва XV-XVI асрлар давомида Европанинг барча мамлакатларини қамраб олган муайян маданий дунёқарашлик ҳаракатини аниқлаш учун ишлатилади. Бу даврнинг етакчи маданият арбоблари ўрта асрлар меросини бартараф қилишга (енгиб чиқишга), енгишга, йўқотишга ва **антик** (*қадимги*) *давр идеал ва қадриятларини уйғотишга* интилишларини билдирдилар. Барпо қилинаётган қадриятлар тизимида *гуманизм* (лот. *Humanus* – инсоний) ғоялари олдинга сурилади. Шунинг учун Уйғониш арбоб (даҳо)ларини кўпинча гуманистлар, яъни инсонпарварлар деб аташади. Инсонпарварлик йирик ғоявий ҳаракат сифатида авж олади, савдо аҳли амалдорлар ва ҳатто олий диний доираларидан – папа девонхонасини ўз сафларига (қўшиб олади) киритади. Ана шундай ғоявий негизда (асосда) янги дунёвий зиёлилар (туғилади) вужудга келади. Унинг вакиллари тўғараклар ташкил қиладилар, университетларда маърузалар ўқийдилар, ҳукмдорларнинг энг яқин маслахатчилари бўлиб чиқадилар. Гуманистлар маънавий маданиятга фикр-мулоҳазалар эркинлигини, обрўлилик, журъатли танқидий руҳни олиб кирдилар.

Уйғониш даври дунёғарашини антропомарказчилик сифатида тавсифлаш мумкин. Дунё биносининг марказий фигураси худо эмас, инсондир. Ҳамма нарсаларнинг аввали Худо, инсон эса – бутун оламнинг маркази. Жамият Худо иродасининг маҳсули эмас, балки одамлар фаолиятининг

натижасидир. Одам ўз фаолияти ва ниятларида ҳеч нима билан чегараланиб қолмаслиги бирор (нарса) қилиши керак. У ҳамма нарсага қодир. Уйғониш даври инсон ўзини-ўзи англашининг янги даражаси билан таърифланади (тавсифланади): ифтихор ва ўз мавқеини аниқлаш, ўзининг куч ва истеъдодини англаш, хушчақчақлик ва эрксеварлик ва бу давр илғор одамнинг (кишилариининг) фарқ қилувчи сифатлари бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам айнан Уйғониш даври дунёга қатор ёрқин темпераментли (мижозли), ҳар томонлама билимли, одамлар орасида ўз иродаси, собитқадамлиги, ғайратшижоати билан ажралиб турадиган, қисқаси – “даҳо”ларни берди.

Бошқа Европа мамлакатларида реформациявий ҳаракат лютеранлик, цвинглианлик ҳамда кальвинизм шаклларида ёйилди. Масалан, Нидерландияда буржуа инқилоби кальвинизм шиори остида амалга оширилди ва у ерда расмий дин бўлиб қолди. Кальвинизм XVI асрнинг 1540-1550 йилларида Францияда кенг қулоч ёйди (гугенотлар). Уни фақат бюргерларгина эмас, балки феодал зодагонлар ҳам мутлақ қирол ҳокимиятига қарши ишлатганлар. XVI асрнинг иккинчи ярмида Францияда юз берган фуқаролик ёхуд диний урушлар мутлақ қирол ҳокимиятининг ғалабаси билан тамомланди. Католик дини расмий дин бўлиб қолди. Англияда қироллик реформацияси содир бўлди. 1534 йил устунлик акти (битими)га мувофиқ қирол черковнинг раҳбари сифатида эътироф этилиши инглиз абсолютизми ва папалик ўртасидаги ихтилофларга чек қўйди. Мамлакатда давлат мақомидаги англикан черкови қарор топди ва англикан таълимоти мажбурий бўлиб қолди. Инглиз буржуа инқилоби кальвинизм, пуританлар байроғи остида кечган бўлса-да, давлат черкови англикан бўлиб қолаверади.

Реформация черков ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, унинг Худо ва инсон ўртасида воситачилик роли ҳақидаги тасавурларни барбод қилди. М.Лютер, Т.Мюнцер ва Ж.Кальвинларнинг христиан таълимотига олиб кирган асосий янгилиги *инсон ва Худо ўртасидаги фақат бевосита шахсий муносабатлар бўлиши мумкинлигини* (жорий этганлиги) мустаҳкам ўрнатгани бўлди. Бу демак, унинг жонини қутқариш иши учун бутун черков иерархиясининг кераги йўқ, Худо ва инсон (ўртасида) орасида воситачи сифатида руҳоний-монахларнинг ҳам зарурати йўқ, улкан бойликлар ғуж бўлган монастирлар ва монах орденларига эҳтиёж йўқ. Фақат *Иисус Христ гуноҳини ювувчи қурбонликка шахсий ишонч билан* инсон қутулиши (“жаннатга тушиши”) мумкин. Черков воситачилигидан маҳрум этилган инсон энди ўз ҳатти-харакати учун Худо олдида ўзи жавоб бериши керак бўлиб қолди.

Протестантлик тасдиқлайдики, нажот инсонга унинг черков маросимлари ёки “яхши ишлар”и натижасида келмайди. Нажот бу – илоҳий (благодать) саодат тухфасидир. Худо аввалиданок бир хил одамларга нажот, бошқа кимсаларга – ҳалокат ёзғусини битган. Ҳеч ким ўз тақдирини (пешонага ёзилганини) билмайди. Лекин буни бевосита (бир қадар) сезиш мумкин. Худо қай бир кимсага иймон-эътиқод, ишларига ривож берган бўлса, бу Худонинг ўша одамга қилган ғамхўрлиги (благоволения) белгиси ва бевосита “ишораси”дир.

Бу барча омиллар мажмуи қатор Европа мамлакатларининг ҳаракатсиз ижтимоий тузилмалар ва диний дунёқараш ҳукмрон бўлган, натурал ҳўжаликка асосланган анъанавий жамиятдан инсониятнинг олдинги тарихида ўхшаши йўқ янги типдаги иқтисодиётга, жамиятнинг янги ижтимоий тузилишига, мафкура ва маданиятнинг янги шаклларига ўтишига сабаб бўлди.

# **СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ:** **1-МАВЗУ. “ЦИВИЛИЗАЦИЯ” ТУШУНЧАСИ.**

## **УНИНГ ТАЪРИФИ ВА ЎЗИГА ХОС СИФАТЛАРИ. ДАСТЛАБКИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.**

### **Р е ж а:**

- 1. “Цивилизация” атамаси ва тушунчаси.**
- 2. Цивилизациялар таснифи (классификацияси)**
- 3. Цивилизацияларнинг таназзулга юз тутиши ва ҳалокати сабаблари**
- 4. Шарқ феномени. Шарқ - турли цивилизациялар бешиги**

**Дарс мақсади:** Талабаларда тарихий жараённинг тараққиёти ҳақида тушунча ҳосил қилиш, тарихий жараён ва ҳодисаларга формацион ва цивилизацион ёндашувнинг ўзига хос жиҳатлари қиёсий таҳлил қилиш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Ибтидоий даврда санъатнинг вужудга келиши ва тараққий этиши омиллари, заминларини таҳлил этиш. Ўрта Осиёда ибтидоий давр санъатининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиш.

2-асосий савол бўйича: Неолит, энеолит ва бронза даври санъатининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш, ушбу даврларда ривож топган санъат турлари ҳақида маълумот бериш.

3-асосий савол бўйича: Темир даврига келиб санъат тараққиётида рўй берган ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини очиб бериш.

### **Адабиётлар :**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
3. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бангарда-Левина Г. - М. М., 1989.
4. Сорокин П. Человек, цивилизация, общество. - М., 1992.
5. Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. Т.1., - М., 1993.
6. Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М., 1991.
7. Тойнби А. Древнейший Восток в свете новых раскопок. - М., 1956.
8. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.

### **2-мавзу: Қадимги Миср цивилизацияси**

#### **Кўриладиган саволлар:**

1. Қадимги Миср жамиятнинг сиёсий тизими
2. Иқтисод ва социал институтлар.
3. Қадимги Миср маданияти.
4. Монотеизмнинг биринчи тарихий шакли: Эхнотоннинг диний ислоҳотлари.

**Дарснинг мақсади:** Қадимги Рим маданиятининг тараққий этиш омилларини, ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш, Италия санъатидаги даврий

босқичларга таъриф бериш, ҳар бир даврда санъатининг ривождаги юксалиш ва тушкунлик сабабларини очиб бериш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: «Денгиз халқлари» деб ном олган этрускларнинг меъморчилик, амалий – декоратив санъат, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик соҳаларида қўлга киритган ютуқлари ва уларнинг кейинчалик бутун Италия санъати тараққиётида тутган ўрнига баҳо бериш.

2-асосий савол бўйича: Қадимги Рим давлатчилигининг санъат ривождаги ўрнига баҳо бериш ва санъат тараққиётидаги босқичларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш. Рим ҳайкалтарошлиги ривожда юнон меъморчилигининг ўрнини кўрсатиш

3-асосий савол бўйича: Империя даврида Римнинг қудрати тимсоли бўлган меъморчиликнинг тараққий этиш жараёнини кузатиш, унинг энг ёрқин намуналари билан танишиш. Империя даври санъатининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш.

#### **Адабиётлар :**

1. Алексеев В.П., Першиц А.И. История первобытного общества. М.,1990. 2, 3, 4 боблар.
2. Алексеев В.П. Становление человечества. М.,1984. Ч. IV.
3. Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. М.,1980. 2 боб.
4. В.П. Буданова. История мировых цивилизаций. – М., Высшая школа, 2000.
5. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бонгарда-Левина Г. - М., 1989. 1 боб.
6. Яковец Ю.В. История цивилизаций. М., 1997.
7. Токарев С.А. Ранние формы религии и их развитие. М.,1964.
8. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. - М., 1989.

### **3-мавзу: Икки дарё оралиғининг (Месопотомия) қадимги цивилизацияси Кўриладиган саволлар:**

1. Қадимги Месопотамия цивилизациясининг вужудга келишида географик факторнинг роли.
2. Қадимги Месопотамия давлатларининг юзага келиши ва инқирози
3. Қадимги Месопотомия маданияти.

**Дарсинг мақсади:** Талабаларнинг маърузада олган маълумотлари асосида қадимги юнон санъатининг жаҳон санъати тараққиётидаги ўрни ва ролини баҳолашларига, унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишларига кўмаклашиш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Қадимги юнон санъатининг тарихий ривожланиш босқичлари, уларнинг даврий чегаралари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш. Қадимги юнон санъатининг асосий мавзулари, тасвир ва ифода воситаларини таҳлил қилиш. Юнон санъатининг ривожланишида афсоналарнинг аҳамиятига баҳо бериш.

2-асосий савол бўйича: Крит – Микен ва Гомер даврида санъатнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш.

3-асосий савол бўйича: Архаик ва классик даврда санъатда реалистик изланишларнинг мураккаблашиб бориш жараёнини кўрсатиш.

4-асосий савол бўйича: Эллинизм даври санъатининг классик давр санъатидан фарқловчи хусусиятларни таҳлил этиш, бу даврда яратилган санъат намуналарини ўрганиш.

**Адабиётлар :**

1. История древнего Востока. / Под ред. В.И. Кузищина. 2-е изд. М., 1988.
2. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бангарда-Левина Г. - М. М., 1989.
3. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.
4. Крамер С. История начинается в Шумере. - М., 1991.
5. История Древнего Востока. Т.1. Месопотамия. М; 1983
6. А.Л.Оппенхейм. Древняя Месопотамия. М., Наука, 1990.
7. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Том-1, - Т.: Ўқитувчи, 1986.

**4-мавзу: Қадимги Кичик Осиё ва Шарқий Ўрта ер денгиз бўйи цивилизациялари**

**Кўриладиган саволлар:**

1. Анатолиянинг қадимги маданият марказлари.
2. Хетт подшолигининг давлат тузуми системаси, хетт жамиятининг иқтисодий ва социал тузилиши.
3. Шарқий ўрта ер денгиз бўйи маданияти.
4. Яхудо дини инсоният тарихидаги биринчи якка худоликка асосланган дин.

**Дарснинг мақсади:** Ўрта асрлар санъатининг мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиш. Ўрта асрлар санъатининг ривожиди диннинг тутган ўрнига баҳо бериш. Бу даврда юзага келган услублар ҳақида маълумот бериш.

**Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Византия санъати мисолида ушбу давр санъатининг муҳим хусусиятларини очиб бериш. Христиан дини ва унинг санъат тарақиётига таъсирини таҳлил қилиш.

2-асосий савол бўйича: Византия санъатининг Шарқий Европа санъатига таъсирини кўрсатиш.

3-асосий савол бўйича: Ўрта аср Ғарбий Европа санъати ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш. “Варварлар” қироллиги ва франклар империяси санъатига баҳо бериш.

**Адабиётлар:**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000.
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
3. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бангарда-Левина Г. - М., 1989.
4. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.
5. История древнего Востока. /Под ред. В.И. Кузищина. 2-е изд. - М., 1988.
6. Кузищин В.И. История Древней Греции. Издание второе, переработанное и дополненное. – М., Высшая школа, 1996
7. Массон В. М, Средняя Азия и Ближний Восток, М.— Л., 1964.



## **5-мавзу: Қадимги Кавказорти ўлкаларнинг цивилизациялари**

### **Кўриладиган саволлар:**

1. Кавказорти давлатлари - Урарту ва Ван подшолиги.
2. Кавказорти ўлкаларининг жамияти ва иқтисоди
3. Арман шоҳлиги, Колхида ва Иберия давлати.
4. Кавказорти маданияти.

**Дарсинг мақсади:** Уйғониш даврининг даврлаштирилиши масаласини кўриб чиқиш. Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий –иқтисодий ва сиёсий омилларини, ушбу давр маданиятининг энг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш. Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврини таққослаш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: «Ренессанс» тушунчаси ва унинг фандаги моҳиятига баҳо бериш. Европа уйғониш даври босқичлари ва уларнинг фарқли жиҳатларини таҳлил этиш.

2-асосий савол бўйича: Италия уйғониш даврининг энг ёрқин намоёндалари ижоди орқали ушбу давр санъатининг муҳим хусусиятларини очиб бериш.

3-асосий савол бўйича: Голландия уйғониш даври санъатининг тараққиёти билан танишиш, Голландия реализми ҳақида маълумот бериш.

4-асосий савол бўйича: Уйғониш даврида Германия санъатида содир бўлган ўзгаришларни ўрганиш, машҳур санъат намоёндаларининг ижодига баҳо бериш.

### **Адабиётлар:**

1. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
2. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бонгарда-Левина Г. - М., 1989.
3. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.: РУДН, 2004.
4. История мировой культуры (мировых цивилизаций)./ Под ред. Г.В. Драча. – Ростов н/Д.: Феникс, 2002.
5. История древнего Востока / Под ред. В.И. Кузищина. 2-е изд. - М., 1988.

## **7-мавзу: Хитой цивилизацияси**

### **Кўриладиган саволлар:**

1. Хитой давлатчилигининг тараққиёт босқичлари ва давлат тузилиш тизими.
2. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш.
3. Хитойнинг маданияти ва санъати
4. Хитой фалсафасининг тараққиёти

**Дарсинг мақсади:** Ушбу давр Европа санъати ва маданиятининг умумий характерини очиб бериш, турли бадий оқимларнинг вужудга келиши ва ўзаро кураши тарихини таҳлил қилиш орқали ушбу давр маданий муҳитини ёритиш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: XVI – XVIII асрларда Европадаги иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва унинг санъат ривожига таъсири масалаларини ёритиш

2-асосий савол бўйича: Миллий санъатнинг ривожланиш масалаларини ёритиш. Европа мамлакатлари: Испания, Франция, Германия, Австрия, Россия ва Англия санъатининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш.

3-асосий савол бўйича: Санъатда турли оқим ва йўналишларнинг пайдо бўлиши омилларни ёритиш, уларнинг ўзига хос жиҳатларига баҳо бериш. Ушбу даврда ижод қилган шахслар фаолиятини ўрганиш.

**Адабиётлар:**

1. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
2. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бонгарда-Левина Г. - М., 1989.
3. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.: РУДН, 2004.
4. История мировой культуры (мировых цивилизаций)./ Под ред. Г.В. Драча. – Ростов н/Д.: Феникс, 2002.
5. История древнего Востока / Под ред. В.И. Кузищина. 2-е изд. - М., 1988.
6. История китайской философии. - М., 1988.
7. Переломов Л.С. Конфуций. Жизнь, учение, судьба. - М., 1995.
8. Антология древнекитайской философии. Т.1-2. - М., 1972-73.

**8-мавзу: Ҳиндистон цивилизацияси**

**Кўриладиган саволлар:**

1. Ҳиндистон цивилизациясининг тараққий этиш даврлари
2. Социал - иқтисодий муносабатлар ва сиёсий тузум.
3. Қадимги Ҳиндистоннинг маданий ривожланишининг асосий белгилари.
4. XIII-XVI асрларда Ҳиндистоннинг мусулмон давлатлари. Бобурийлар салтанати.

**Дарснинг мақсади:** Талабаларнинг XIX- XX аср санъати ҳақида ўзлаштирган билимларини текшириш, уларнинг янги давр санъатининг долзарб муаммолари ҳақидаги фикрларини аниқлаш. Санъатда глобаллашув ва миллий ўзига хослик масалаларини ёритиш.

**Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: XIX- XX асрда санъатда содир бўлган ўзгаришлар моҳиятини очиб бериш.

2-асосий савол бўйича: Импрессионизм, символизм, акмеизм, модернизм, авангардизм, классицизм, романтизм каби оқимларнинг санъат ривожда тутган ўрнига баҳо бериш, уларнинг эстетик позициялари ва ўзига хос жиҳатларини очиб бериш.

3-асосий савол бўйича: Ушбу даврда яратилган асарларни таҳлил қилиш ва уларда ўз аксини топган ижтимоий муаммоларга баҳо бериш.

**Адабиётлар:**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000.
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
3. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бонгарда-Левина Г. - М., 1989.
4. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.
5. История мировой культуры (мировых цивилизаций). / Под ред. Г.В. Драча. – Ростов н/Д.: Феникс, 2002.
6. История древнего Востока. /Под ред. В.И. Кузищина. 2-е изд. - М., 1988.
7. Хрестоматия по истории древнего мира. Пособие для учителей. - М., 1991.
8. Древнеиндийская философия. Начальный период. - М., 1963.

## **9-мавзу: Ислом цивилизацияси**

### **Кўриладиган саволлар:**

1. Араб халифалигининг тарихий тақдири
2. Ислом – ўрта аср араб тилли цивилизациясининг асоси.
3. Европа қитъасидаги араб цивилизацияси.
4. Ҳозирги замонда ислом дунёсининг аҳамияти.

**Дарсининг мақсади:** Ўрта Осиё санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида талабаларга кенг маълумат бериш орқали уларнинг мамлакатимизнинг қадимги ҳаёти тўғрисида билимларини кенгайтириш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Ўрта Осиё халқлари санъати тараққиётининг босқичларини давлатчилик босқичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиш

2-асосий савол бўйича: Ўрта Осиёда ибтидоий санъат тараққиёти ва унинг мазмунини ўрганиш.

3-асосий савол бўйича: Антик давр ижтимоий-иқтисодий муҳитининг санъатга таъсирига баҳо бериш.

4-асосий савол бўйича: Ўзбек санъатининг ўрта асрлардаги ҳолати, вазифалари ва муаммоларини таҳлил қилиш. Миллий санъат тараққиётига баҳо бериш.

5-асосий савол бўйича: XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрлар миллий санъат тараққиётидаги муаммолар сабабаларини очиқ бериш. Сиёсий, ижтимоий – иқтисодий муҳитнинг санъатга таъсирини таҳлил қилиш.

6-асосий савол бўйича: Мустамлака, шўролар даври санъати ва мустақиллик даври санъати тараққиётини ўзаро таққослаш орқали санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрнига баҳо бериш. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ривожланиш муаммолари ечимида санъатнинг ўрнини кўрсатиш.

### **Адабиётлар:**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000.
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
3. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.
4. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 1 жилд. Ал-Жомий ас-саҳих. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991
5. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. – Т.: Мехнат, 1992.
6. Большаков О.Г. История Халифата. Т.1., - М., 1989.
7. Бартольд В. В. Работы по истории ислама и арабского халифата. - М., 1966.
8. Беляев Е. А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. - М., 1965.
9. Фильштинский И. М., Шидфар Б. Я. Очерк арабо-мусульманской культуры. - М., 1971.

## **10-мавзу: Қадимги Юнонистон цивилизацияси**

### **Кўриладиган саволлар:**

1. Юнон полисларининг вужудга келиши ва хусусиятлари.
2. Полисларнинг иқтисодий ҳаёти.
3. Полисларнинг ижтимоий муносабатлари ва сиёсий тузуми
4. Юнон мифологияси ва антик маданият

**Дарсинг мақсади:** Ўрта Осиё санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида талабаларга кенг маълумат бериш орқали уларнинг мамлакатимизнинг қадимги ҳаёти тўғрисида билимларини кенгайтириш.

**Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Ўрта Осиё халқлари санъати тараққиётининг босқичларини давлатчилик босқичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиш

2-асосий савол бўйича: Ўрта Осиёда ибтидоий санъат тараққиёти ва унинг мазмунини ўрганиш.

3-асосий савол бўйича: Антик давр ижтимоий-иқтисодий муҳитининг санъатга таъсирига баҳо бериш.

4-асосий савол бўйича: Ўзбек санъатининг ўрта асрлардаги ҳолати, вазифалари ва муаммоларини таҳлил қилиш. Миллий санъат тараққиётига баҳо бериш.

**Адабиётлар:**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000.
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
3. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бонгарда-Левина Г. - М., 1989.
4. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.
5. Античная цивилизация. / Под. ред. Блаватской. - М., Наука, 1973.
6. Кузищин В.И. История Древней Греции. Издание второе, переработанное и дополненное. – М., Высшая школа, 1996
7. Мифология древнего мира. - М., 1977.
8. Хрестоматия по истории древнего мира. Пособие для учителей. - М., 1991.
9. К.Куманецкий. История культуры Древней Греции и Рима. - М., Высшая школа, 1990.

## **11-мавзу: Рим цивилизацияси манбалари**

### **Кўриладиган саволлар:**

1. Рим фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Рим салтанатининг гуллаб яшнаши ва заифлашуви.
3. Социал ва иқтисодий тараққиёт. Рим ҳуқуқи.
4. Рим жамиятининг диний танглиги.
5. Рим давлатида ягона Ўртаер денгизи маданиятининг юзага келиши.

**Дарсинг мақсади:** Ўрта Осиё санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида талабаларга кенг маълумат бериш орқали уларнинг мамлакатимизнинг қадимги ҳаёти тўғрисида билимларини кенгайтириш.

**Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

1-асосий савол бўйича: Ўрта Осиё халқлари санъати тараққиётининг босқичларини давлатчилик босқичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиш

2-асосий савол бўйича: Ўрта Осиёда ибтидоий санъат тараққиёти ва унинг мазмунини ўрганиш.

3-асосий савол бўйича: Антик давр ижтимоий-иқтисодий муҳитининг санъатга таъсирига баҳо бериш.

4-асосий савол бўйича: Ўзбек санъатининг ўрта асрлардаги ҳолати, вазифалари ва муаммоларини таҳлил қилиш. Миллий санъат тараққиётига баҳо бериш.

**Адабиётлар:**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000.
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.

3. Древние цивилизации. /Под общей редакцией Бонгарда-Левина Г. - М., 1989.
4. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.
5. Античная цивилизация. / Под ред. Блаватской. - М., Наука, 1973.
6. Кузищин В.И. История Древней Греции. Издание второе, переработанное и дополненное. – М., Высшая школа, 1996
7. История Древнего Рима / Под ред. В.И. Кузищина. – М., 2005.
8. Хрестоматия по истории древнего мира. Пособие для учителей. - М., 1991.
9. К.Куманецкий. История культуры Древней Греции и Рима. - М., Высшая школа, 1990.

## **12-мавзу: Ғарб цивилизацияси**

### **Кўриладиган саволлар:**

1. Ўрта асрларда Европа цивилизацияси ва ўрта аср шаҳарлари
2. Ўрта асрларда инсон ва унинг маънавий дунёси
3. Италия Уйғониши: дунё ва инсоннинг янги образи
4. Европа янги цивилизация йўлида: географик кашфиётлар, реформация, абсолютизм, парламентаризм, маърифатпарварлик
5. Индустириал цивилизациянинг ўзига хос хусусиятлари
6. Индустириал цивилизация даврида инсон ва унинг маънавий маданияти
7. Жаҳон урушлари XX аср цивилизациясининг инқирози сифатида
8. Постиндустириал цивилизация даврида инсонларнинг маънавий дунёси ва маънавий изланишлари
9. Умуминсоний цивилизациянинг юзага келиш истикболлари ва имкониятлари

**Дарсининг мақсади:** Ўрта Осиё санъатининг ривожланиш тарихи ҳақида талабаларга кенг маълумат бериш орқали уларнинг мамлакатимизнинг қадимги ҳаёти тўғрисида билимларини кенгайтириш.

### **Семинар машғулотга тайёргарлик кўриш учун методик кўрсатмалар:**

- 1-асосий савол бўйича: Ўрта Осиё халқлари санъати тараққиётининг босқичларини давлатчилик босқичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиш
- 2-асосий савол бўйича: Ўрта Осиёда ибтидоий санъат тараққиёти ва унинг мазмунини ўрганиш.
- 3-асосий савол бўйича: Антик давр ижтимоий-иқтисодий муҳитининг санъатга таъсирига баҳо бериш.
- 4-асосий савол бўйича: Ўзбек санъатининг ўрта асрлардаги ҳолати, вазифалари ва муаммоларини таҳлил қилиш. Миллий санъат тараққиётига баҳо бериш.
- 5-асосий савол бўйича: XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрлар миллий санъат тараққиётидаги муаммолар сабабаларини очиқ бериш. Сиёсий, ижтимоий – иқтисодий муҳитнинг санъатга таъсирини таҳлил қилиш.
- 6-асосий савол бўйича: Мустамлака, шўролар даври санъати ва мустақиллик даври санъати тараққиётини ўзаро таққослаш орқали санъатнинг жамият ҳаётидаги ўрнига баҳо бериш. Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ривожланиш муаммолари ечимида санъатнинг ўрнини кўрсатиш.

### **Адабиётлар:**

1. Островский А.В. История цивилизаций. - Санкт-Петербург. 2000.
2. Яковец Ю.В. История цивилизаций. - М., 1997.
3. Буданова В.П. История мировых цивилизаций. – М.:РУДН,2004.

## **II. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **1-ТМИ: “Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври санъати” мавзусида тезис тайёрлаш.**

Талабалар ушбу мустақил ишни бажаришда қиёсий таққосаш усулидан фойланиб, Шарқ ва Европа Уйғониш даврларини таҳлил қилишлари лозим. Бунда Шарқ ва Европа Уйғонишини таъминлаган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар, бу даврларнинг ўзига хос ва фарқли хусусиятлари, мутафаккирлари, ўзаро таъсири ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Чиқарилган хулосалар тезис шаклида баён этилади.

### **2-ТМИ: Таклиф этилган мавзу юзасидан такдимот тайёрлаш ва уни ўтказиш.**

Талабалар танланган мавзу юзасидан таклиф этилган Интернет сайтларидан зарур маълумотларни йиғишлари, уларни таҳлил қилишлари, тўпланган материаллар асосида «Power Point» дастурида такдимот тайёрлашлари керак. Бунда талабаларнинг ўзларининг мустақил, ижодий фикрлари баён этилиши лозим.

### **3-ТМИ: Танланган санъат асари ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.**

Талабалар ўзлари танлаган санъат асари ҳақида қуйидаги маълумотларни тўплашлари ва шу асосда ижодий иш тайёрлашлари зарур: санъат асарининг яратилган даври, асар муаллифи, асар мавзусида акс этган ғоя ва унинг ўз даври хусусиятлари ҳақида берадиган маълумоти.

### **4-ТМИ: Танланган санъат намояндаси ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.**

Талабалар ўзлари танлаган санъат намояндасининг ҳаёти ва ижодини қуйидаги талаблар асосида таҳлил қилиши лозим: ижодкор яшаган давр, унинг биографияси, ижодкор мансуб бўлган оқим, унинг ижодида етакчилик қилган мавзулар, яратган асарлари.

### **5-ТМИ: Танланган услуб, жанр ва оқим ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.**

Талабалар танланган жанр, услуб ёки оқим ҳақида қуйидаги маълумотларни тўплашлари керак: йўналишнинг юзага келган даври, мазмун ва моҳияти, ўзида акс эттирган муаммолари, ушбу йўналишда ижод қилган санъат намояндалари.

### **6-ТМИ: Танланган меъморчилик ёдгорлиги ҳақида маълумот тўплаш ва у ҳақида ижодий иш тайёрлаш.**

Талабалар ўзлари танлаган меъморчилик обидаси ҳақида маълумот тўплашда қуйидаги жиҳатларга аҳамият беришлари лозим: яратилган даври, меъмори, яратилиш услуби, ёдгорликнинг тавсифи, бугунги кундаги ҳолати. Талабалар ўзлари тўплаган маълумотларни умумлаштирган ҳолда ижодий иш тайёрлашлари керак.

### **ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИ ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

- 1) Қадимги дунёдаги маданий тараққиёт ҳақида тушунча
- 2) Технотрон жамият. Информацион жамият. Оммавий маданият.
- 3) “Цивилизация” терминининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб бориши.
- 4) Цивилизациялар ўртасидаги ягона маданият, ўзига хослик, хилма-хилликнинг ўзаро боғлиқлиги.
- 5) Жаҳон цивилизацияларини тарихий типлари.
- 6) Саноат инқилоби.
- 7) Дастлабки цивилизацияларнинг социал-иқтисодий белгилари: ёзув, шаҳарлар, ҳашаматли архитектура.
- 8) Неолитик инқилобнинг шарт-шароитлари.
- 9) Қадимги Месопотомиянинг аҳолиси.
- 10) Милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Шумер. Аккад ва Ур ҳукмронлиги даврида Месопотомия.
- 11) Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Оссурия.
- 12) Милоддан аввалги XII-VII асрларда Бобил ва Оссурия давлати.
- 13) Оссуриянинг емирилиши ва янги Бобил давлати. Иқтисод ва социал институтлар.
- 14) Қадимги Месопотамия адабиёти.
- 15) Месопотамия цивилизациясининг сиёсий назарияси ва амалиёти
- 16) Қадимги Миср жамиятнинг сиёсий тизими
- 17) Миср: илмий билимлар.
- 18) Анатолиянинг қадимги маданият марказлари.

- 19) Милоддан аввалги II-минг йилликда Қадимги Анатолия илк давлатининг вужудга келиши.
- 20) Византия - Рим салтанатининг вориси.
- 21) Византия ва унинг атрофидаги муҳит.
- 22) Хеттларнинг ҳарбий санъати.
- 23) Хеттлар дипломатияси.
- 24) Фригия ва Лидия шоҳликлари.
- 25) Қадимги Фаластин. Сурия ва Ливанда шаҳар манзилгоҳларининг шаклланиши.
- 26) Финикиянинг савдо шаҳарлари.
- 27) Дамашқ подшолиги.
- 28) Сабей, Катабан, Хадрамаут, Майн цивилизациялари.
- 29) Цивилизацияга қарши “Варварлик”.
- 30) Рим ва варварик дунёсини қоришма жараёни.
- 31) Қадимги Элам: иқтисодий ва ижтимоий ташкил этилиши.
- 32) Ердаги шаҳар ва худо шаҳри: давлат ва черков
- 33) Чизиқли бўғинли ёзув.
- 34) Қадимги форс миҳхати.
- 35) Парфия даврида Эрон.
- 36) Юнон ва Эрон маданиятининг ўзаро таъсири.
- 37) Эрон сосонийлар даврида. Иқтисодий ва ижтимоий тузилиши
- 38) Хитой тарихида Чунсю (бахор ва куз) даври.
- 39) Хитой тарихида Чжанго (курашувчи шоҳликлар) даври. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш.
- 40) Хитой тарихида Суй ва Тан салтанатлари.
- 41) Ҳиндистон цивилизациясининг социал ва сиёсий тузум.
- 42) Ҳиндистон маданиятининг анъанавийлиги.
- 43) Япон цивилизациясининг “Яёй” даври.
- 44) Ематай ва Ямато давлатлари. “қўрғонлар даври” (IV-VII асрлар). Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.
- 45) Япон цивилизациясининг иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг асосий белгилари.
- 46) Япон цивилизациясининг ажралган (якка)лик хусусияти.
- 47) Япония тарихида Шарқ ва Ғарб Япония маданияти.
- 48) Араб мусулмон санъатининг асосий белгилари.
- 49) Ҳозирги замонда ислом дунёсининг аҳамияти. (роли).
- 50) Ахей маданияти. Дорийлар.
- 51) Полисининг иқтисодий ҳаёти.
- 52) Эллинизм манбалари.



- 53) Римликлар ва уларнинг қўшнилари.
- 54) Рим салтанатида социал ва иқтисодий жўшқинлик.
- 55) Рим салтанати: цивилизациянинг гуллаб яшнаши ва заифлашуви.
- 56) Византия давлати ва феодализм. Салтанат ғояси.
- 57) Византия давлати: салтанат бошқаруви ва жамият.
- 58) Хетт подшолигининг давлат тузуми системаси.
- 59) Хетт жамиятининг иқтисодий ва социал тузилиши.
- 60) Давлатчилик ва Россиянинг социал - иқтисодий ривожланиши.
- 61) Давлат ва жамият. Россия маданияти.
- 62) Рус зиёлилари ва ҳукумат.
- 63) Россияда Ғарбпарастлик ва славянпарастлик.
- 64) Библия ва унинг жаҳон маданиятини ривожланишидаги ўрни.
- 65) Семит қабилаларининг Жанубий Арабистонга кириб келиши (милоддан аввалги Антик мерос ва христианлик-Европа цивилизациясининг фундаментал асослари.
- 66) Ўрта асрлар Европасини бирлиги ва хилма-хиллиги.
- 67) Аҳамонийлар даврида Эронинг иқтисодий ва ижтимоий институтлари.
- 68) Ўрта асрларда Ғарбий Европа жамияти ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари.
- 69) Черков ва шарқ оммаси.
- 70) Европа ва дунё: океан цивилизациясининг туғилиши.
- 71) Капитализм шаҳарда ва қишлоқда.
- 72) Уйғониш даври ва реформация: шахснинг янги типи.
- 73) Уйғониш даври: шахсиятпарастлик ғалабаси.
- 74) Реформация: шахсиятпарастлик чегараси.
- 75) Капитализм ва модернизация (замонавийлаштирув).
- 76) Саноатлаштириш даврида Ғарб маданияти.
- 77) Ҳиндистон маданиятининг анъанавийлиги.
- 78) Анатолиянинг қадимги маданият марказлари.
- 79) Оссуриянинг емирилиши ва янги Бобил давлати. Иқтисод ва социал институтлар.
- 80) Қадимги Фаластин. Сурия ва Ливанда шаҳар манзилгохларининг шаклланиши.

## III. ГЛОССАРИЙ

**Аллегория** (юнон. allegorio – киноя, мажоз) – мавҳум тушунчаларнинг асосий томонларини аниқ образ шаклида ёрқин намоён қилувчи бадиий тасвир усули.

**Барельеф** (франц. bas-relief) паст рельеф– ҳайкалтарошликда рельеф тури – текис юзадан кўтарилиб турадиган, тасвирлар қалинлигининг ярмидан ками бўртиб чиққан бўлади. Танга, медаль ва значоклар бунга мисол бўла олади.

**Инкрустация** (лот. inkrustazio – қадаш) - буюм, биноларни бадиий безаш усулларида бири. Ёғоч, тош, садаф, суюк ва бошқаларни қадаб, ёпиштириб нақш, ёзув, тасвир ҳосил қилинади. Безатилаётган материал юзасига бошқа материал юзасига бошқа материал ёки шу материалнинг бошқа ранглиси ўйиб қадалади.

**Керамика** (юнон. keramos - лой) - махсус тупроқ билан турли минераллар аралашмасидаги лойни пиштириб, ундан тайёрланган ва кейин қаттиқ қиздириб ҳосил қилинган маҳсулот. Улардан рўзғорда (сопол ва чинни идишлар, буюмлар) кенг фойдаланилади. Тарихий манбалар Марказий Осиёда турли туман рангда сирланган сопол идишлар XIII-XII асрларда кенг тарқалганини кўрсатади.

**Кулолчилик** – хунармандчиликнинг турли-туман лойдан идиш, буюм, қурилиш материаллари ва бошқа ишлайдиган соҳаси. Афросиёбда ва Марказий Осиёда VIII-XII асрда ривожлана бошланган. Панжикент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ғиждувон, Тошкент, Риштонда сопол идишларнинг сирлаб безатишнинг ўзига хос услублари вужудга келган.

**Мозаика** - ранг-баранг кошин, шиша, мрамор, тош, ёғоч, металл парчаларидан бир-бирига зич териб ёпиштириб ишланган нақш, тасвир монументал-безак санъати турларидан бири. Биноларни безашда, дастгоҳли асарлар яратишда, амалий санъат асарларида фойдаланилади.

**Монумент** (лотин. монументум – ёдгорлик) – бирор муҳим тарихий воқеа, улуғ шахс шарафига яратилган ҳашаматли ёдгорлик, архитектура ёки ҳайкалтарошлик асари.

**Периптер** - ҳамма томондан устунлар билан ўралган айлана ёки тўртбурчак шаклидаги антик ибодатхона.

**Рельеф** (лотин. relefo- кўтараман) - ҳайкалтарошликнинг бир тури. Шакл, тасвир фон (замин) дан бўрттириб ёки, аксинча, ўйиб ҳосил қилинади. Рельефнинг асосий турлари: барельеф ва горельеф.

**Санъат** – арабча атама бўлиб, ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни бадиий образли тарзда акс эттирувчи маънавий маданиятнинг таркибий ғисми. У тасвирий ва амалий санъат, мусиға, меъморчилик, театр, кино, бадиий адабиётни ўз ичига олади.

**Тасвирий санъат** - санъат тури. Рассомлик санъати, графика, ҳайкалтарошлик ва фото санъати соҳаларини ўз ичига олади. Тасвирий санъат реал борлиқни кўргазмали образларда, мавжуд нарсаларни уларнинг табиий шакли, ўрни ва бошқаларни ўзига ўхшатиб, умумлаштириб ва типиклаштириб ифодалайди, предметларнинг ҳажми, ўзаро қандай масофада жойлашгани ва бошқалар тўғрисида томошабинда тасаввур ҳосил қилади.

*Терракота (лот. terra – ер ва cotta - қиздирилган) – кулолликда ишлатиладиган лой ва шундай лойдан тайёрлаб оловда қиздирилган маҳсулот, сопол. Рўзгорда (идиш ва буюмлар), ҳайкалтарошлик ва қурилишда (сопол, парчин, архитектура деталлари) ишлатилади. Терракота тайёрлаш учун, одатда, таркиби ва ранги бир ҳил тупроқ танланади. Шакл беришда ёғоч ва гипс қолиплар ишлатилади. Кошиннинг айрим хиллари ҳам терракотадан тайёрланади.*

**Фреска** (итал. fresco – янги, қуримаган) - бўёқни сувга ёки оҳак кўшилган сувга қориб янги, қуримаган сувоқ устига ишланадиган рассомлик санъати асари. Қадимдан деворий расмларнинг асосий техникаси бўлиб келмоқда. Сувоқ, одатда, ўчган оҳакка икки ҳисса кум кўшиб тайёрланади, сувоқ қуригандан кейин унинг ёрилиб кетмаслиги таъминланади. Оҳак билан кўшилганда айнамайдиган, шунингдек вақт ўтиши билан нур таъсирида бузилмайдиган бўёқлардан фойдаланилади. Фреска учун сувоқ ва бўёқ тайёрлашнинг турли усуллари мавжуд. Фреска рассомдан катта маҳорат, тезкорлик талаб қилади, тасвир қисқа вақт ичида сувоқ қуримай туриб тайёрланиши керак.

## GLOSSARY

**AVELUM** is a free full citizen in Mesopotamia.

**RENT** - (lat. Arrendare - to lend) an agreement in which one party (landlord) undertakes to provide the other party (employer) with any property for temporary use for a certain fee (rent).

**ARCHITECTURE** - (lat. Architectura) the art of erecting buildings, in accordance with a specific purpose and aesthetic form.

**ASTROLOGY** - (Greek. Astaer - star, logos - knowledge) - the science of predicting events based on the location of stars and their influence on earthly phenomena.

**ASTRONOMY** - (Greek. Astaer - star, nomos - law) science that studies celestial bodies and their movement.

**BRAHMANS** - representatives of the highest Varna twice born in India, performers of priestly functions (sacrifices, connoisseurs and experts on honey).

**BUDDHISM** is one of the three world religions that arose in India in the 6th and 5th centuries. BC. The founder is Gautama Buddha. Proclaimed the equality of people regardless of caste, class. The central problem is the being of the personality. Being is suffering. The main goal is to get rid of it with the help of the "right behavior". A person who has achieved liberation can become a god. Recognized infinity rebirth.

**Bureaucracy** - (French bureau - office, Greek. Kratos - power) - in ancient times a privileged and administrative-administrative caste divorced from the people.

**Vaishya** - varna-class in India. Ordinary free community members.

**VAN** - the title of king in ancient China, which served as a military leader and high priest.

**VARNA** is a class in India that has a tough caste character (brahmans, kshatriyas, vaisyas, sudras).

**WARDUM** is a term for a slave in the Babylonian state.

**VEDY** - (Skt. Knowledge) - a collection of the oldest Indian religious literature (Indian mythology (Rig Veda), religious hymns, descriptions of the ritual (Brahmins), interpretations and commentaries on the sacred texts (aranyaki and Upanishads).

**GURUSH** - (well done) workers in the state economy of the period III dynasty of Ur, having actual slave status, but legally free.

**DOSISM** is one of the directions of ancient Chinese philosophy. The main treatises "Lao-zi" and "Chuang". Appeared about IV-III centuries. BC. In the center of the doctrine - the opposition of society and nature and a call for a person to shake off the shackles of duty and duties and return to the simple life, close to nature.

**DESPOTY** - (Greek despotaes) unlimited power by any state authorities.  
Priest - (Greek. Hieros - sacred) servant in the temple of God.

**ZIKKURAT** is a stepped temple tower in ancient Mesopotamia.

**ZOROASTRISM** is a dualistic religion of the peoples who inhabited the Iranian plateau and Central Asia in antiquity. The basis is the belief in the existence and struggle of two principles in the World - good and evil.

